Ў35.2 81.653
49
А-94

М. АЪЛАМОВА

# ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ФЕЪЛЛАРДА НИСБАТ КАТЕГОРИЯСИ

Ўзб.2
49
А-91

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ДОРИЛФУНИНИ

O'zbek filologiyasi fakulteti
O'QUV ZAL

М. АЪЛАМОВА

# ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ФЕЪЛЛАРДА НИСБАТ КАТЕГОРИЯСИ

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
ToshDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI
37199

O'zbek filologiyasi
fakulteti
KUTUBXONASI

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ
«ФАН» НАШРИЕТИ 1992

Монография тилшуносликнинг мураккаб масалаларидан бирини тадқиқ этишга бағишланган. Феъллардаги нисбат категорияси ўзбек тилшунослигида биринчи марта нутқдаги барча кўринишлари билан ягона тартибот тарзида яхлит ўрганилди. Унинг феълларга хос ўтимлилик/ ўтимсизлик билан муносабати ёритилди, нисбат кўрсаткичларининг феъл сўзшаклнинг морфем тузилишидаги ўрни юзасидан фикрлар билдирилди. Ҳар бир нисбат семантик-синтактик жиҳатдан валентлик назарияси асосида таҳлил этилиб, нисбат шакллари билан тузилувчи содда гап тарзидаги тузилмалар ва улардаги нисбат ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолатлар кўрсатилди.

Монография тилшунос мутахассислар, аспирантлар ва олий ўқув юртларининг филолог талабаларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
филология фанлари номзоди, профессор К. НАЗАРОВ

Тақризчилар:
филология фанлари номзодлари М. ЖЎРАБОЕВА,
С. СУЛТОНСАИДОВА

А $\frac{4602000000-з-208}{М355(04)-92}$ 213—91

ISBN 5—648—01248—9

© Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти, 1992 й.

## СЎЗ БОШИ

Тилшуносликда феъл нисбатлари (даражалари) категорияси кўп йиллардан бери катта мунозара ва тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда. Санкт-Петербургда (аввалги Ленинград) тилшуносликнинг бу муҳим масаласи 1975 йилда турли системага мансуб тилларнинг синтаксисида структур- типологик методларга ва ундан аввал — 1970 йилда махсус шу масаланинг моҳиятини ҳал қилишга бағишланган икки анжуманда кўриб чиқилган. Мазкур анжуманлар материаллари феъл нисбатларини валентлик назарияси асосида ўрганиш унинг кўп томонларини ёритишда ҳал қилувчи омил бўлишини яққол кўрсатди. Лекин ҳозирги кунда ҳам феъл нисбатлари узил-кесил ечимини топган дейиш қийин. Чунки муаммонинг ўзи мураккаб, у ўтимлилик-ўтимсизлик, каузатив, шахс-сон ва, ниҳоят, фаол ва нофаол тузилмалар масалаларининг ўзаро боғлиқ чигал тугунидан иборат.

Мазкур монографияда ўзбек тилидаги феъл нисбатлари ва улар билан боғлиқ бошқа масалаларни ўрганиш ҳамда имконият доирасида ҳал қилиш мақсад килиб қўйилади. Анъанавий йўналишдаги изланишлар бу борада кутилган ижобий натижаларни бермади. Шунинг учун ишни олиб бориш усули ва йўналишини ўзгартириб, муаммони ҳал қилишда феълларнинг синтактик валентликлари ҳамда нисбатланиш имкониятини ҳисоблаш йўли танланди. Ўзбек тилшунослигида феъл бўйича мавжуд ишларда кузатишлар фақат феълнинг у ёки бу нисбатига хос хусусиятларни таҳлил қилиш ва шунга доир хулосаларни чиқариш билан чекланади. Бу эса умумлаштирувчи хулосаларга келиш имкониятини бермайди. Феъл нисбатларини чатишиб кетган бошқа масалалар билан яхлит ҳолатда ва нисбатланишнинг ҳамма

сатҳлари бўйича ўрганиш бирмунча жумбоқларнинг ечилишига олиб келди.

Тадқиқотдан: 1) нисбат қўшимчаларининг феъл сўзшакл таркибидаги ўрни; 2) бу категориянинг номланиши; 3) феъл нисбатлари ва ўтимлилик/ўтимсизлик муносабати; 4) феъл нисбатлари ва улардаги даражалар; 5) нисбат шаклларининг семантикаси; 6) фаол ва нофаол тузилмалар; 7) нисбатларда каузативлик масалаларига жавоб топиш мумкин.

Монографияда феъл нисбатлари категорияси предикатив тузилмалар — содда гаплар бўйича тадқиқ этилди. Монография ҳажмининг чекланганлиги сабабли предикатив бўлмаган тузилмаларда нисбат; феълнинг ёйма шаклларида нисбат қўшимчаларининг қўлланиши; *-лан, -лаш, -лантир, -лаштир* морфемалари ва нисбатлар масалаларини ёритиш имконияти бўлмади.

Монографияни тайёрлашда қимматли маслаҳатларини аямаган ҳамкасаба дўстларимга самимий миннатдорлигимни билдираман.

# КИРИШ

Тил узаро узвий боғлиқ тил сатҳларининг яхлит тартиботи сифатида тадқиқ этилади. Тил ҳодисаларининг фонетик, лексик, морфологик, синтактик ва семантик томонларини урганиш тилшуносликнинг алоҳида булимларини ташкил этиши уларнинг бирбирлари билан боглиқ эмаслигини билдирмайди. Масалан, луғат бойлигини ёки суз туркумларини фонетик хусусиятларсиз ёки семантик белгиларсиз идрок этиш қийин. Шу сабабли кейинги йилларда тилшуносликда тил ходисаларини бир ёқлама эмас, бир-бирига боғлиқ томонларини қушиб ёки яхлит ҳолда урганувчи соҳалар ҳам қарор топмокда. Масалан, сўзшаклдаги морфемик жараённи фонетик узгаришлар билан боғлаб текширувчи морфонология фани муваффақиятли ривожланмоқда. Шунингдек, сўзнинг луғавий семантикасини ўрганиш, албатта, унинг грамматик томонларига ҳам назар ташлашни тақозо этади. Бу эса тил қатламларининг ўзаро зич боғлиқлиги ва бир бутун системани ташкил этишини курсатади[1]. Морфология ва синтаксиснинг ҳам бир-бири билан зич боғлиқлиги, морфологик ҳодисалар синтактик қурилишларда урганилиши ва ўз навбатида синтаксисни сўз туркумларисиз ёки морфемаларсиз тасаввур этиб бўлмаслиги, бу икки бўлимни бирлаштириш масаласи тилшуносликда бир неча марта қайд этилган[2].

---

[1] Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. Изд. 2-е, М.,1977; Касевич В.Б. Элементы общей лингвистики. М., 1977 .С.13—17; Падучева Е.В. О семантике синтаксиса. М.,1974; Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. Л.,1974.

[2] Санников В.З. О чередованиях в синтаксисе.К проблеме синтоморфологии. М.,1980; Ермолаева Л.С.,Сабанеева М.К. К проблеме морфосинтаксиса // ВЯ.1986.№ 6. С.58—66; Москальская О.И. Проблемы системного описания синтаксиса. М., 1981.

Ҳар қандай гапнинг шаклланишида морфологик, луғавий ва бошқа белгилар комплекс ҳолда қатнашади: гап синтактик бўлаклардан тузилади, бу бўлаклар семантик вазият талабига кўра танланган лексемаларнинг тегишли сўзшаклларда келиши билан юзага чиқади. Сўзшакллар ўз навбатида муайян гап андозасини тузади. Семантик ва синтактик томонлардан бирбирига мувофиқ тузилган, яъни семантик-синтактик тузилишлари ўзаро мутаносиб[3] бўлган гапларда, айниқса, сўзшаклларнинг, уларнинг морфем тузилишининг аҳамияти катта. Ўзбек тилининг агглютинатив тип тиллардан бири эканлиги сўзшаклда грамматик маънолар грамматик кўрсаткичлар миқдорига тенг бўлишини тақозо этади [4]. Грамматик кўрсаткичларнинг грамматик маънолари эса гапнинг семантик-синтактик таҳлилида намоён бўлади. Чунки «гапнинг семантик тузилишини семантик синтаксис ёритади. Гапнинг мундарижаси унинг модели билан боғлиқ»[5]. Бинобарин, сўзшакл таркибидаги шаклий қисмнинг ҳар бир аъзосининг функционал характеристикаси гапнинг семантикаси ва синтактик тузилишини изоҳлаш жиҳатидан берилиши лозимлиги ўз-ўзидан келиб чиқади.

Шу ўринда саволлар туғилиши табиий: феъл сўзшакллар таркибидаги сўз ясовчи қўшимчалардан бошқа қўшимчаларнинг ҳаммаси ҳам грамматик маъно ташийдими? Бошқача айтганда, улар гапнинг тузилиши билан муносабатдами?

Бошқа туркумларга хос сўзшакллардаги каби феъл сўзшакллар ҳам лексик семантикали моддий қисм ва грамматик семантикали шаклий қисмлардан иборат. Феъл сўзшаклнинг шаклий қисми мураккаб тузилиши билан ажралиб туради: шунга яраша унинг асосий вазифаси ҳам мураккаб бўлиб, феълнинг моддий қисмига нутқ ичида тегишли предикативлик шаклини беришдан иборат. «Предикативлик гапнинг грамматик маъносини ташкил қилади: гапда модаллик, замон, шахс категорияларининг маънолари гапнинг формал

---

[3] М а ҳ м у д о в Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. Тошкент, 1984, 10—11-бетлар.

[4] Щ е р б а к А.М. Очерки по сравнительной морфолоrии тюркских языков. Глагол. Л., Наука, 1981. С.157.

[5] Ғ у л о м о в А. Гап. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. 3-нашр, 1987, 30-бет.

томонларини ўзгартириш билан юзага келади».[6]. Нисбат кўрсаткичлари ҳам гап тузилишини ўзгартириш, муайян нисбат талабига мос келувчи гап андозасини тузиш лаёқати билан сўзшаклнинг қурилишида муҳим ўринни эгаллайди: *Завод директори илғор ишчиларни табриклади. Илғор ишчилар табрикланди. Ботир магазиндан китоб олди. Акаси Ботирга магазиндан китоб олдирди.*

Шаклий қисмга хос қўшимчалар грамматик маънога эга бўлиб, лексемага шаклий вазиятга мос нутқий жараёнда қўшилиб, унинг муайян шаклини ташкил этадилар. Лекин феълга хос бир қатор қўшимчалар борки, улар ҳаракатнинг характеристикасини ифодалашга хосланган бўлиб, грамматик-шаклий қисмга доир семантикага эга эмас. Тил бирлиги сифатида *-ла, --гила, -ғила, -кила, -қила, -(и)к, -(и)қ, -(и)ш, -(и)нқира, -(и)мсира* морфемалари феъл лексемага нутқ жараёнида шаклий қисм қўшимчаларидан аввал қўшилади. Бу қўшимчаларнинг феъл лексема семантикасига англашилаётган ҳаракат ёки ҳолатнинг юзага чиқиш жараёнига доир қўшимча маълумотни бериши, грамматик маъно англатмаслиги, феълнинг синтактик мавқеига таъсир кўрсатмаслиги грамматик маънолар мажмуасида ўзгариш юз бермаслигида кўринади. Мисоллар: *Қизнинг ранги оқарди. Қизнинг ранги оқаринқиради. Салима кулди. Салима кулимсиради.* Ҳаракатнинг давомийлигини, қайта-қайта бажарилганини кўрсатувчи *-ла, -кила, -қила , -гила, -ғила,* қўшимчаларининг феъл лексема семантикасига таъсири баъзан ҳатто гап тузилишидаги сўзлар куршовининг бошқалигига олиб келади. Мисоллар: *Бола тўпни тепди. Ермат эртадан буён бу кўчани чуқурчаларига тупроқ солиб тепкилади.* (О.)*Дилмурод енгимдан тортди. Шамол сочларимни тортқилайди.* Мисоллардан кўринишича, бу қўшимчаларнинг маънолари асосан ҳаракат жараёни характеристикасини ифодалашига кўра фарқланади (услубий маъно). Худди шунингдек, от ва сифатлардаги эркалаш-кичрайтиш ва белгини камайтиришни ифодаловчи қўшимчалар ҳам сўзшаклнинг грамматик мазмунига ўзгариш киритмайди. Улар от ёки сифат сўзларга услубий характердаги турли қўшимча маънолар беради. Туркolog олим А. М. Шчербак сифат ва феълдаги бу

---

[6] Ғ у л о м о в А., А с қ а р о в а М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи. 1987, 36-бет.

хил қўшимчалар орасида ўхшашлик борлигига диққатни тортди: бу хил қўшимчаларнинг қўшилиши мунтазам эмас, сийрак; семантикасига кўра «тўлақонлик даражасига етмаганлик»ни ифодалайди: *сарғиш, оқиш* (сифат) ва *кулимсира, йиғламсира* (феъл)[7-8]. Ҳаракатнинг қайта-қайта, такроран бажарилишини ифодаловчи *-ла, -гила, -кила* қўшимчалари ҳам маънони кучайтиришига кўра шу хил қўшимчалар сирасига киради. Грамматик маъно ифодаламовчи, гапнинг синтактик тузилишида аҳамиятсиз бундай қўшимчаларни лексема маъносининг модификаторлари сифатида сўзшаклнинг моддий қисмида ўрганиш тўғри бўлади. Нисбат, бўлишсизлик, замон ва майл кўрсатувчи қўшимчаларнинг грамматик вазифа бажаришлари улар қатнашувчи гапнинг тузилиши ва парадигмасини ташкил этишида намоён бўлишини алоҳида таъкидлаш лозим. Феъл сўзшаклни беркитувчи, «... сўзни грамматик жиҳатдан шакллантириб, унинг чегарасини, тугаллигини, сўз ясаш, шакл ясаш каби жараёнларнинг ўтиб бўлганлигини билдирувчи»[9] тусловчи қўшимчалар ҳам ўз навбатида феъл сўзшаклни тузувчи нисбат, бўлишсизлик, замон ва майл кўрсаткичларидан ажралиб туради. Масалан: *Жумҳуриятимизнинг қишлоқларида баҳор тароватн, айниқса, кучли сезиляпти* жумласида эга+кесим муносабати феълда эганинг шахси билан мосликда III шахс кўрсаткичи орқали ифодаланган, бу кўрсаткич феъл сўзшаклнинг сўнгги қисмидир. Юқорида билдирилган мулоҳазалар қўшимчаларнинг таснифи масаласи жиддий тадқиқотга муҳтожлигидан далолат беради.

Сўзшаклдаги шаклий қисм деярли ҳамма вақт моддий қисмнинг (лексеманинг) табиатига мувофиқ танланади: феъл лексемага феъл туркумига хос кўрсаткичлар, от лексемага отга хос кўрсаткичлар қўшилади ва ҳ.к.

Сўзнинг морфем тузилишини ўрганиш, аввало, В. В. Радловнинг номи билан боғлиқ. Унинг кўрсатишича, туркий агглютинатив яхлитлик таркибида, асосан, икки қисм бор: «предмет-мазмун» (Inhaltsstoff] — ўзак ва сўз ясовчи қўшимчалар ҳамда «предмет-шакл» (Formstoff] — сўз ўзгартувчи қўшим-

---

[7-8] Щербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков. Глагол., 1981. С.133.

[9] Ғуломов А. Морфологияга кириш // Ўзбек тили грамматикаси. Фан. 1975, 7.-бет.

чалар ва юкламалар. Аффиксал морфемалар сўзшакл таркибида муайян тартибда жойлашадилар»[10]. Шу билан бирга, В. В. Радлов ҳар бир тилда бошқа хил тилларга хос айрим хусусиятлар ҳам мавжуд бўлиши мумкинлигини, лекин у ёки бу тилда «тил техника-си»га оид фақат бир тур ҳукмрон бўлишини таъкидлайди.[11].

Туркий тиллар агглютинацияси, сўзнинг морфем тузилиши ва морфемаларнинг жойлашиш тартиби бўйича В. В. Радловнинг фикрлари кейинчалик совет туркшунос олимлари Г. Алпаров, Н. К. Дмитриев, А. Н. Кононов, Э. В. Севортян, Н. А. Баскаков, А. К. Боровков, А. М. Шчербакнинг улкан ишларида янада ривожлантирилди[12]. Ўзбек тилшунослигида сўзшакл тузилиши, қўшимчаларнинг моҳияти ва вазифалари, уларнинг сўзшакл таркибида жойлашиши масалалари А. Ғуломов, С. Усмонов, Ш. Раҳматуллаев, А. Ҳожиевларнинг ишларида чуқур ёритилди[13]. Ўзбек сўзшакллари таркибида қўшимчаларнинг жойланиш тартиби ва бундаги турли ўрин кўринишларининг

---

[10] W. Radloff'Einleitung Gedanken zar Darstellung der Morphologie der Turksprachan', St. pbg. 1906

[11] Тенишев Э.Р., Радлов. В.В Фонетист и грамматист // Тюркологический сборник, посвященный памяти В.В.Радлова. М.,1971. С.39—40.

[12] Алпаров Г. Об агглютинативной особенности татарского языка // Вестник научного общества татароведения. 1927. № 7. С.123; Дмитриев Н.К. Строй тюркских языков. М., 1961. Севортян Э.В. Морфологическое строение слова в связи с другими его характеристиками // Тюркологический сборник. 1971.М.. 1972. С.132—144; Кононов А.И. О фузии в тюркских языках // Структура и история тюркских языков. М., 1971. С.108—120; Баскаков Н.А. Историко-типологическая характеристика структуры тюркских языков. М., 1975; Боровков А.К. Агглютинация и флексия в тюркских языках // Памяти акад. Л.В.Щербы. Л., 1954. С.117—125; Щербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков. Имя. Л., 1977; Глагол. Л., 1981; Его же: Последовательность морфем в словоформе как предмет специального лингвистического исследования // ВЯ, 1983, № 3. С.39—43.

[13] Ғуломов А.Ғ. Ўзбек тили морфологиясига кириш. Тошкент, 1957; Ғуломов А.Ғ. Ўзбек тили морфем луғати // Кириш қисми. Тошкент. 1977. 3—15-бетлар; Усмонов С. О морфологическом анализе слова и его грамматической форме в современном узбекском языке // Структура и история тюркских языков. М., 1971. С. 165—175; Раҳматуллаев Ш.У. От // Ўзбек тили грамматикаси. 1. Тошкент, 1975.124—270-бетлар; Ҳожиев А.П. Сўзнинг морфологик ва сўз ясалиш структураси // Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980.167—174 ва 206—212-бетлар.

машина таржимасида ҳисобга олиниши Н. Ёқубованинг махсус монографиясида ўз ифодасини топди.[14].

Сўзшакл тузилишида қўшимчаларнинг ўринлашиш тартибини ўрганиш юқорида номлари зикр этилган олимларнинг ишларида таъкидланганидек, омоним қўшимчаларни фарқлаш, этимологик кузатишлар олиб бориш, унумли ва унумсиз қўшимчаларни белгилаш, тартибдаги ўзгаришлар билан боғлиқ тарзда юзага келадиган маъно ўзгаришларини изоҳлаш туркий тилларнинг туркий бўлмаган бошқа тиллар билан алоқаси характерини белгилашда муҳим аҳамиятга эга ва шунинг учун махсус лингвистик текширишлар объекти бўлишга лойиқ.

Феъл сўзшаклларда шаклий қисмнинг қўшимчалари қуйидаги кўринишларда жойлашади:

1. Моддий қисм+феълнинг бўлишсизлик кўрсаткичи+замон кўрсаткичи+тусловчи қўшимча: *ёзмадим, айтмадинг, кетмаган, ...*

2. Моддий қисм+майл кўрсаткичи+тусловчи қўшимча (шарт, буйруқ-истак ва мақсад майлларида): *борсам, ёзмоқчисан, боргин, айтсин...*

3. Моддий қисм+нисбат қўшимчаси+замон кўрсаткичи+тусловчи қўшимча: *урилди, сурилдим, танишяпти, билдирмоқда...*

4. *Моддий қисм+сифатдош ёки равишдош ёки ҳаракат номи кўрсаткичи: бориб, айтгач, кўрган, ишлагани, ўқир, ёзмоқ...*

5. Моддий қисм+замон кўрсаткичи+тусловчи қўшимча: *боряпман, келаётибсан, айтди, ўқийман...*

6. Моддий қисм+нисбат кўрсаткичи+бўлишсизлик кўрсаткичи+замон ёки майл кўрсаткичи+тусловчи қўшимча: *сўзлашмаяпти, билдирмайсан, кўринмадик, айтилмаган.*

Таркибида тусловчи қўшимча қатнашадиган сўзшакллар (4-сидан ташқари) гапда предикатив бўлак — кесимни ифодалаши билан ажралиб туради.

Феъл ва бошқа туркум сўзшаклларда у ёки бу грамматик кўрсаткичнинг олдин ёки кейин жойлашиши сабаби кўпчилик тилшуносларнинг диққатини тортган, қонуниятлар яратишга ҳаракат қилинган, албатта. Масалан, сўзшаклнинг шаклий қисмида қўшимчалар маънонинг аниқлиги ўсиб боришига кўра жойлашиши тўғрисидаги фикр шулар жумла-

---

[14] Я к у б о в а Н.К. Расстановка аффиксов в узбекских словоформах. Ташкент: Фан. 1979.

сидандир. Лекин маънонинг аниқлигини ҳар ким ўзича белгилаши, мулоҳазалар бир тарафлама бўлиб қолиши кийин эмас.[15]. Феъл сўзшаклларнинг шаклий қисмида қўшимчалар, кузатишимизча, гапнинг семантик-синтактик тузилишидаги иштироки даражасига кўра жойлашади: бу жиҳатдан энг муҳим аҳамият ўйнайдиган нисбат қўшимчалари энг аввал ва ундан кейин бўлишсизлик, замон ёки майл кўрсаткичлари келади. Гап грамматикасини белгиловчи қўшимчалардан сўнг предикатнинг шахс билан муносабатини ифодаловчи шахс-сон қўшимчалари сўзшаклдаги қўшимчалар занжирининг охирги халқаси сифатида қайд этилади: *олиняпти, сўрашмадинг, айттирмагансан* каби. Шаклий қисмда грамматик маъноларнинг миқдори шаклий кўрсаткичларнинг миқдоридан кўп бўлиши ҳам мумкин. Бунинг сабаблари: 1) грамматик маънонинг ноль кўрсаткич билан ифодалана олиши. Масалан, бош нисбатнинг, бўлишлилик (тасдиқ)нинг, тусланишда айрим III шахс шаклларининг ноль кўрсаткичли бўлиши: *келди, борган, гапираётир* каби. Бу сўзшаклларнинг бош нисбатдаги бўлишли ҳаракатини III шахс бирлик шаклида ифодалаётганлиги шу маъноларнинг ноль кўрсаткичга эгалиги билан изоҳланади; 2) сўзшаклда қайд этилган тусловчи қўшимчаларнинг ҳам шахсни, ҳам шахсларнинг миқдорини бирга ифодалаши: *бордик* — сўзловчилар бирдан ортиқ, *айтгансан* — тингловчи битта.

Шаклий қисмдаги қўшимчалар тизимида у ёки бу қўшимчанинг келиши нутқий жараён билан боғлиқ. Предикатив шаклдаги феъл, яъни кесим эга билан ўзаро боғланган бўлиб, гапни уюштирувчи марказлардан биридир: у ҳукмни ифодаловчи, гапликнинг асосий белгиларини — модаллик, замон ва шахсни — предикативликни кўрсатувчи энг муҳим бўлак бўлганлигидан гапнинг мазмунини, тузилишини, характерини белгилашда катта роль ўйнайди.[16] Предикатив феъл шаклининг гапни уюштиришда, гапни тузишдаги бу ролида нисбат категорияси кўрсаткичларининг аҳамияти, айниқса, муҳим. Нисбат категорияси феъл лексеманинг валентлик имкониятларини нутқда юзага чиқарар экан, бу биринчи навбатда, феълнинг объект-

---

[15] Севортян Э.В. Морфологическое строение слова // Тюркологический сборник. 1971. М., 1972. С.139.

[16] Ғуломов А. Содда гап синтаксиси // Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. 3-нашри. Тошкент. 1987. 84-бет.

га муносабатида намоён бўлади. Объект валентлигининг юзага чиқиши ёки чиқмаслиги, табиий. гапнинг тузилишида бош бўлаклардан сўнг зарур бўлган тўлдирувчининг иштирокини ёки иштирок этмаслигини белгилайди. Предикатнинг мантиқий эга билан муносабати ҳаракат ёки ҳолатнинг объектга муносабати билан зич боғланган ҳолда ифодаланади. Бундаги дастлабки бош нисбатга хос вазият феъл сўзшаклда ноль кўрсаткич билан, вазиятнинг ҳар қандай кейинги ўзгариши тегишли нисбат кўрсаткичи билан қайд этилади. «Ҳаракат, ҳолат билан субъект ва объект орасидаги ўзаро муносабат қандай бўлишидан қатъи назар, субъект ва объект доирасидан ташқари чиқмайди»[17]. Нисбат кўрсаткичлари шу тариқа муайян семантик вазиятни барча семантик иштирокчилари билан синтактик ифодалашда, яъни муайян синтактик конструкцияни предикатив ёки депредикатив[18] бўлишидан қатъи назар тузишда, унинг схемасини белгилашда зарурий тарзда иштирок этадилар. Семантик вазиятнинг тасдиқ ёки инкор тарзида берилиши, муайян замонда ёки воқеликка муносабатда (майлда) ифодаланишига қараб сўзшаклнинг шаклий қисми зарур морфемаларга эга бўлиб боради, яъни «Конкрет синтагматик контекст учун мувофиқ келувчи парадигматик формантлар танланади»[19].

Феъл лексеманинг семантикаси гап семантикасининг марказида турса, унинг нутқий алоқада шаклий-грамматик расмийлашиши гапнинг андозасини тузишда белгиловчи аҳамиятга эга[20]. Бошқа грамматик маъно ифодаловчи қўшимчалардан фарқли равишда нисбат кўрсаткичлари сўзшаклда иккита, ҳатто бирваракайига учта қайд этилиши ҳам мумкин. Уларнинг ҳар бири ҳар гал гапдаги субъект, объект ва

---

[17] Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. Тошкент. 1989. 61-бет.

[18] Маҳмудов Н. Предикация ва полупредикация // Ўзбек тили ва адабиёти. 1982.2-сон. 19-бет.

[19] Колшанский Г.В. О языковом механизме порождения текста // ВЯ. 1983. № 3. С.47—49.

[20] Гап тузишда феълнинг семантик ва синтактик бошқарувчанлигига кўра етакчи роли ҳақида қаранг: Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Харьков. 1988. С.78; Храковский В.С. Истоки вербоцентрической концепции предложения в русском языкознании //ВЯ. 1983. № 3. С. 110—117; Қўчқортоев И.Қ. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. Тошкент. 1977; Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. Тошкент: Фан. 1989. 16-бет.



предикатнинг янгича муносабатини, демак, гапнинг мазмунини ҳам ўзгартиради. Бу ўзгариш синтактик жиҳатдан эга ва тўлдирувчиларнинг миқдорий ва сифат ўзгаришида намоён бўлади. «Агар сўзформанинг бошқа сўзформа билан алмашиниши шу сўзформа қатнашган синтактик модель мазмунининг ўзгаришига олиб келса,у ҳолда синтактик моделнинг вариантлилиги ҳақида гапиришга тўғри келмайди: булар мазмун планида ҳам, ифода планида ҳам фарқланувчи, бир-бирига ўхшамовчи синтактик моделлардир»[21]. Мисоллар: *Ота ўғлига хат*(ни) *ёзди*(бош н.) *Хат ёзилди*(мажҳуллик н.) — *Ота хатни ўғлига ёздирди*(орттирма н.). *Ўғил отаси билан хат ёзишади*(биргалик н.). *Хат ўғлига ёздирилди*(иккиламчи мажҳуллик н.).

Феълнинг нопредикатив шакллари — сифатдош, равишдош ва ҳаракат номи ҳам гап тузилишида у ёки бу нисбат шаклида қатнашади. Нисбат қўшимчалари уларда ҳам шаклий қисмни бошлаб беради. Нисбат кўрсаткичининг шаклий қисмда пайдо бўлиши ёки иккинчи нисбат кўрсаткичининг қўшилиши феъл сўзшакл бошқарувчи бўлакларнинг синтактик ўзгаришига олиб келади. Масалан: *Кийимни тоза киядиган бу бола озодаликда ўртоқларига намуна. Тоза кийинадиган бу бола...* Сифатдошнинг бош нисбатдан ўзлик нисбатига ўтиши сабабли ёйиқ аниқловчининг таркибидаги объект валентлиги қисқаради. Яна мисоллар: *Жамила қаддини бир оз эгиб салом берди. Жамила бир оз эгилиб салом берди. Туристлар шаҳар билан танишишни бошладилар. Экскурсовод туристларни шаҳар билан таништиришни бошлади.*

## НИСБАТ КАТЕГОРИЯСИ ВА ЎТИМЛИЛИК / ЎТИМСИЗЛИК

Нисбат категорияси ва феъллардаги ўтимлилик / ўтимсизлик хусусиятининг ўзаро зич боғлиқлиги, нисбат кўрсаткичларининг феълнинг ўтимлилик / ўтимсизлигига таъсири барча тилшунослар томонидан таъкидланади. Лекин бу боғлиқликнинг сабаби ва моҳиятини изоҳлаш, шу тариқа ўтимлилик /

---

[21] Ермолаева Л. С., Сабанеев М. К. К проблеме морфосинтаксиса // ВЯ. 1986. № 6. С. 66.

ўтимсизлик ҳодисаси ва нисбат категориясини баҳолашда билдирилган фикрлар бир-биридан фаркланади.[22]. Феъл нисбатларининг категорияни ташкил этишига шубҳа билдирилмагани ҳолда ўтимлилик / ўтимсизликнинг феълларга хос хусусият[23], феълга хос категориялардан бири эканлиги[24], объект категорияси сифатида нисбат категориясини ҳам қамраб олиши[25] айтилади. Шу билан бирга, ўзбек тилшунослигида феълларда ўтимлилик / ўтимсизлик категориясини инкор этувчи фикр ҳам мавжуд: «Ўтимли-ўтимсизлик ҳақида гапирилган ишларнинг деярли барчасида ҳам феълларнинг ўтимли / ўтимсизлик кўрсаткичига эга эмаслиги айтилади. Морфологик кўрсаткич, яъни махсус грамматик шакл йўқ экан, грамматик маъно ҳақида гапириш мумкин эмас»[26]. Проф. А. Ҳожиев феълларда, умуман, ўтимли / ўтимсизлик ҳодисасини инкор этгани ҳолда феълларнинг объектга муносабатига кўра объектли ёки объектсиз бўлишини таъкидлайди[27]. Озарбойжон тилида ўтимлилик / ўтимсизликни лексик-семантик-грамматик категория сифатида талқин қилган Ҳ. И. Мирзоев таниқли туркшунос олим Э. В. Севортяннинг нисбат ва ўтимлилик / ўтимсизлик ҳақида «улар ўзаро кесишиши мумкин бўлган, лекин бир-бирига ўхшамайдиган категориялардир» деб айтган фикрига асосланади[28].

Феъл лексемаларнинг туб ёки ясамалигидан қатъи назар, луғавий маъносига кўра объектга муносабатни

---

[22] Бу ҳақда *қаранг:* Мирзоев Г. И. Категория переходности-непереходности глагола в соврем.азарб.языке. АДД. Баку. 1986. С. 16—21. Тожиев Е. Феъллардаги ўтимли-ўтимсизлик ҳақида // Ўзбек тилшунослигининг актуал масалалари. ТошДУ илмий ишлар тўплами. Тошкент. 1987.37-42- бетлар.

[23] Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.— Л., 1960. С. 187; Нигматов Х. Т. Функциональная морфология тюркоязычных памятников X — XII вв. Ташкент: Фан, 1989. С. 83.

[24] Ғуломов А. Ғ. Феъл. Тошкент. 1954. 4-бет; Фердаус С. Феъл // Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1. Тошкент. 1966. 266-бет; Султансаидова С. Возвратный и страдательный залоги в узбекском языке. АКД, 1978. С. 5—8.

[25] Раҳматуллаев Ш. Феъл фразеологик бирликларда объект категорияси // ТошДУ илмий асарлари тўплами. 268-сон. Тошкент. 1964. 159-бет.

[26] Ҳожиев А. П. Феъл. Тошкент: Фан. 1973. 82-бет.

[27] Ҳожиев А. П. Феъл // Ўзбек тили грамматикаси. I. Фан. 1972. 365-бет.

[28] Мирзоев Г. И. Категория переходности-непереходности глагола в современном азербайджанском языке. АДД. 1986. С. 20.

ифодалаши уларнинг семантик объект валентлигига эгалиги ёки эга эмаслиги билан изоҳланади. Семантик объект (субъект ҳаракатининг объекти) валентлигига эга бўлган феъл лексемаларни анъанавий термин билан ўтимли феъллар деб ва бундай валентликка эга бўлмаган феълларни ўтимсиз феъллар деб атайвериш мумкин. Ҳар қандай семантик валентликка, шу жумладан, объект валентлигига эгалик эса тил тузумига хос ҳодиса бўлиб, унинг ифодаланиши, синтактик валентликлар (актантлар)да намоён бўлиши нутқдадир.[29]. Бинобарин, ўтимли феъллар нутқда тушум келишигидаги тўғри тўлдирувчи билан ифодаланган объектни бошқариши, ўтимсиз феъллар эса бундай тўлдирувчини бошқармаслиги билан ажралиб туради: *Студент вазифани бажарди. Ўқувчи масалани ечди.* Бу мисолларда *бажар* ва *еч* ўтимли феъллари ҳаракат обектини ифодаловчи *вазифа, масала* сўзларининг тушум келишиги қўшимчасини олиб, тўғри тўлдирувчилик синтактик мавқеида келишини бошқармоқла. *Бола келди. Ёмғир тинди* мисолларида қатнашган *кел, тин* феъл лексемалари объект валентлигига эга бўлмаган ўтимсиз феъллар бўлгани учун бундай валентликнинг ифодаси бўлмиш тўғри тўлдирувчини бошқармайди.

Тилда мавжуд барча феълларни ўтимли ёки ўтимсиз деб икки тўдага қатъий ажратиш қийин, чунки тил луғат бойлигида ҳам ўтимлилик, ҳам ўтимсизлик белгиларига эга бўлган феъллар талайгина. Маълумки, феъллар семантик мундарижасининг бойлиги билан ажралиб туради. Айрим феъл лексемалар 10 ва ундан ортиқ семаларга эга. Бу семаларнинг баъзилари объект валентлигига эга бўлса, айримлари объект валентлигига эга бўлмасликлари мумкин. Масалан: *ишла* феъли «заводда ишламоқ», «унумли ишламоқ», «телефон ишламаяпти», «пул ишламоқ», «калласи ишлайди» каби синтагмаларда объектни талаб қилмайди. *Масалани ишламоқ, терини ишламоқ*[30] каби бирикувларда эса бу феъл ўтимлилик белгиси билан катнашиб, объект билан бирга қўлланади. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да *кўр-* феълининг 10 дан ортиқ маъноси саналган бўлса, шулардан фақат биттаси «юз берган воқеага бошқа киши ёки нарсани

---

[29] *Қаранг:* Қучкортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. Тошкент. 1977.73—74-бетлар.

[30] Изоҳли луғат, I. М., «Рус тили» нкшриёти. 1981. 344-бет.

сабаб қилиб кўрсатиш» семантик вазиятини ифодалаш учун ўтимсизлик белгиси билан қатнашади: *Ўзинг жанжални бошлаб, бировдан кўрма! Келмаса, ўзидан кўрсин*[31]. *Кўр-* феълининг бошқа барча семалари объектли вазиятни ифодалайди: *Бекатда дўстини кўрмоқ, янги фильмни кўрмоқ, ишни кўрмоқ, масалани кўрмоқ* ва ҳ. к. Шунингдек, *боғла-* ўтимли феълининг ҳам саналган 12 маъносидан фақат биттаси объект талаб қилмайдиган вазиятда қатнашади: *супурги боғламоқ, пичанни боғламоқ* каби бирикмаларда *супурги* ва *пичан* объектни англатади, лекин *шира боғламоқ*[32] тур (ёки фасод) боғламоқ каби синтагматик боғланишларда *шира, тўр, фасод* сўзлари объектни билдирмайди. Бундай мисолларни санашни давом эттириш мумкин. Лекин юқоридаги мисоллар ҳам муайян феълни ўтимли ёки ўтимсиз деб белгилаш шартли бўлишини, бунда феъл лексема семантикасидаги семалар асосий салмоғининг объект валентлигига эгалиги ёки бундай валентликка эга эмаслиги ҳисобга олинишини етарли даражада исботлайди.

Ўтимлилик / ўтимсизликни мустақил категория деб баҳоловчи айрим тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, феъл лексемаларнинг семантикасидан ўтимлилик ёки ўтимсизликнинг англашилишини бу категориянинг дастлабки, ноль кўрсаткичли шаклларига хос ҳолат деб, нисбат шаклларини эса ўтимлилик ва ўтимсизликнинг кейинги шакллари деб қараш тўғри бўлади[33]. Лекин ўтимлилик / ўтимсизлик тилда мустақил категория тарзида мавжуд бўлса, унинг, проф. А. Ҳожиев таъкидлаганидек, ўз расмий кўрсаткичлари ҳам бўлиши лозим. Ҳолбуки, нисбат кўрсаткичларидан бошқа феълнинг ўтимлилиги / ўтимсизлигига таъсир этиб, ўтимлини ўтимсизга ёки ўтимсизни ўтимлига айлантира оладиган бирон восита ўзбек тилида йўқ. Ўтимли феълнинг ҳам, ўтимсиз феълнинг ҳам ўзигагина хос бўлган грамматик шакл йўқ. Бу феълларнинг ўзаро фарқи ўтимли феълда ўтимсиз феълга нисбатан 1 валент — объект валентининг ортиқлигидадир. Объект валентига эга ўтимли феъл нутқда тушум келишигидаги (белгили ёки белгисиз)

---

[31] Изоҳли луғат, I. 420-бет.

[32] Изоҳли луғат, I. 142-бет

[33] Мирзоев Г. И. Категория переходности-непереходности глагола в современном азербайджанском языке. АДД. 1986. С. 14—15 26—31; Тожиев Е. Феъллардаги ўтимли-ўтимсизлик ҳақида // ТошДУ илмий асарлари тўплами. 1987. 37—42-бетлар.

сўз билан боғланади, чунки бу сўз унинг объект валентлигини юзага чиқаради. Ўтимли феъл кейинги навбатда бошқа келишиклардаги ёки кўмакчили сўзлар — тузилманинг актантлари билан боғланади. Мисоллар: *Ўқувчи масалани ечди. Ўқувчи масалани китобдан ечди. Синглим мактабни тамомлади. Синглим мактабни олтин медаль билан тамомлади.* Ўтимсиз феъл объект валенти йўқлиги учун тузилмада объектни ифодаловчи тушум келишигидаги сўз билан боғлана олмайди, у вазият талабига кўра бошқа келишиклардаги ёки кўмакчили сўзлар билан синтактик муносабатда бўлади. Мисоллар: *Самолёт учмокда. Самолёт Москвага учмоқда.* Лекин, айни пайтда, нисбат кўрсаткичларининг вазифаси фақат ўтимли феълни ўтимсизга ва ўтимсиз феълни ўтимлига айлантиришдан иборат дейиш ҳам масалага бир ёқлама ёндашув бўлади.

Ҳаракат ёки ҳолатнинг объект валентлигига эгалиги ёки эга эмаслиги нутқда кўринар экан, бу, айни пайтда, ҳаракат ёки ҳолатнинг объектга муносабатининг ифодаланиши ҳамдир. Ҳаракат ёки ҳолатнинг объектга муносабати эса ҳаракат ёки ҳолатнинг субъектга муносабати билан биргаликда нисбат категориясининг мазмун моҳиятини ташкил этади. Шунинг учун ҳам ўтимлилик / ўтимсизликни нисбат категориясидан ажратиш мутлақо мумкин эмас. Феъл лексемаларнинг семантикасига хос бўлган объектга муносабат маъноси грамматик нисбат категориясининг бош нисбатига хос ноль кўрсаткичли шаклларнинг маъносидир. Умуман, нисбат категорияси феълларнинг ўтимлилик / ўтимсизлик хусусиятига асосланади; субъект, объект ва предикат (ҳаракат ёки ҳолат) муносабатидаги кейинги ўзгаришлар нисбат кўрсаткичларининг вазифалари доирасини ташкил этади. Бу ўзгаришларга феъл лексемани ўтимлидан ўтимсизга ва, аксинча, ўтимсиз феъл лексемани ўтимлига айлантириш ҳам киради. Шундай экан, ўтимлилик / ўтимсизлик алоҳида категория эмас. У феълларнинг нисбат категорияси доирасида ўрганилиши лозим бўлган ўзига хос ёрқин хусусиятидир.

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
ToshDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

O'zbek filologiyasi
fakulteti
KUTUBXONASI



97791

## НИСБАТ КАТЕГОРИЯСИ. НИСБАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ДАРАЖАЛАРИ

Бу категория ўзбек тилшунослигида турли ном билан атаб келинган[34]. Нисбат категориясининг моҳиятини ёритишда тадқиқотда «нисбат» термини билан бирга «даража» терминидан ҳам фойдаланиш зарурияти туғилди. Муайян семантик вазиятда қатнашувчи асосий семантик валентликлар: субъект (лар), объект ва омил(лар) — бошқа валентликларнинг предикат билан ва, айни пайтда, ўзаро муносабатини ифодалаш нисбат категориясининг моҳиятидир. Феъл лексеманинг семантикаси семантик вазиятнинг ўзагини — ядросини ташкил этар экан, объект валентлигига эгалиги, яъни ўтимлилиги ёки бундай валентликка эга эмаслиги, яъни ўтимсизлигига кўра феъл лексемалари нисбат қўшимчасисиз уюштирадиган семантик вазият бош нисбатга хос деб қаралади. У ёки бу нисбат қўшимчасининг сўзшаклда пайдо бўлиши билан юзага келадиган янги семантик вазиятлар бош нисбатдан туғиладиган кейинги нисбатларга хосдир. Муайян семантик вазиятдаги семантик валентликлар муносабатининг нутқда тегишли морфологик кўрсаткич — нисбат қўшимчаси ва тузилма андозасида ифодаланиши «нисбат » термини билан аталди. Бошқа морфологик кўрсаткичлардан фарқли равишда нисбат кўрсатувчи қўшимчалар сўзшаклда бирдан ортиқ қўлланишлари мумкин. Биринчи нисбат қўшимчаси бош нисбат шаклидан бошқа муайян нисбат шаклини ясаса ва бу синтактик андозанинг ўзгаришида акс этса, иккинчи нисбат қўшимчаси ўз навбатида янги нисбат шаклини ясайди, янгича синтактик қурилмани тузади. Масалан: *Мен бу студентни танидим* (бош н.). *Мен бу студент билан танишдим* (биргалик н.). *Мени бу студент билан дўстим таништирди* (орттирма н.). *Студент бизга таништирилди* (мажҳуллик н.). Нисбат қўшимчаларининг сўзшакл таркибида қайд этилиш миқдори билан боғлиқ ҳолда юзага чиқадиган нисбат ўзгаришлари «даража» термини билан аталади.

Нисбат шакллари субъект, объект, омил ва предикатнинг қуйидагича кўринишлардаги муносабатларини ифодалайди:

---

[34] Бу ҳақда *қаранг:* Султансаидова С. Возвратный и страдательный залоги в узбекском языке. АКД. Ташкент. 1978. С. 4.

1- жадвал

Феъл нисбатлари ва уларнинг даражалари



*1. Субъект* + предикат — СП.
*2. Объект* + предикат — ОП.
*3. Субъект + объект + предикат* — $СО_1П$.
4. Субъект + субъект + предикат — $С_1С_2П$
5. Субъект + субъект + объект — предикат — $С_1С_2О_1П$.
6. Объект + субъект + предикат — $О_1СП$.
7. Субъект + омил + объект + предикат — $СО_2О_1П$.
8. Объект + субъект + омил + предикат — $О_1СО_2П$.
9. Субъект + омил + объект + омил + предикат — $СО_2О_1О_3П$.
10. Омил + предикат — $О_2П$.
11. Субъект + омил + предикат — $СО_2П$.
12 Субъект + омил + омил + предикат — $СО_2О_3П$.

Нисбат шаклларининг семантик валентликларнинг қандай муносабатини, яъни қандай вазиятини ифодалаши асосида муайян нисбатлар белгиланади.

Нисбат категориясининг моҳияти тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун нисбат шаклларининг тузилиши, уларда нисбат кўрсаткичларининг бор ёки йўқлиги, бор бўлса, нечта қатнашаётганига эътибор бериш лозим бўлади. Шу жиҳатдан ёндашганда нисбат шакллари тартиботида тўрт даража (босқич) ажратилади: I даража бош нисбат шаклларидан иборат. II даража нисбатлари бош нисбатга бир нисбат кўрсаткичини қўшиш билан, III даража нисбатлари II даража нисбат шаклларига яна бир нисбат кўрсаткичини қўшиш билан; охирги, IV даража нисбат шакллари III даража нисбат шаклларига мажҳуллик нисбати кўрсаткичини қўшиш билан ясалади. Нисбатлар тўрт даража бўйича қуйидагича жойлашиб, яхлит ҳолда феъллардаги нисбат категориясига хос тартибни ташкил этади:

I даража нисбатнинг кўрсаткичи йўқ. Бу даража фақат бош нисбатдан иборат: *олдим, ёзди* каби.

II даража нисбат кўрсаткичи сўзшаклда битта қайд этилади. II даража нисбатлари бошқа даража нисбатларидан кўп: тўрт нисбатни бирлаштиради. Булар: ўзлик нисбати, биргалик нисбати, орттирма нисбат ва мажҳуллик нисбатидир. Мисоллар: *кўриндим* (ўзлик нисбати), *кўришдик* (биргалик нисбати), *кўрсатди* (орттирма нисбат) ва *кўрилди* (мажҳуллик нисбати).

III даража нисбат кўрсаткичлари сўзшаклда иккита қайд этилади. Бу даража орттирма ва мажҳуллик нисбатларидан иборат: *таништирдим* (орттирма нисбат) ва *танишилди* (мажҳуллик нисбати).

IV даража нисбат кўрсаткичлари сўзшаклда учта қайд этилади. Бу даражада фақат мажҳуллик нисбати бор: *таништирилди* каби (феъл нисбатлари ва уларнинг даражаларини тасвирловчи чизгига қаранг.).

Нисбатлар тартибидан кўринадики, иккита орттирма нисбат ва учта мажҳуллик нисбати турли даражалардан жой олган. Бошқа нисбатлар фақат биттадан мавжуд.

Нисбат категорияси нисбат даражаларининг қарши муносабатига асосланади: I даража — бош нисбат шакллари II даража — иккиламчи нисбат шакллари билан икки ёқлама қаршиликда бўлади: объектли вазият объектсизга ўтади (ўзлик ва мажҳуллик нисбатлари) ва, аксинча, объектсиз вазият объектлига айланади (орттирма нисбат.) Қаршилик белгиси субъект-предикат муносабатида ҳам юзага келади: бош нисбатдаги бир субъект-предикат муносабатига зид равишда биргалик ва орттирма нисбатларда семантик вазиятда яна бир ёки бир неча субъект валентлиги пайдо бўлади: субъект + субъект + предикат мураккаб муносабати қайд этилади. Қиёсланг: *Колхозчилар пахталарни тердилар* (бош н.). *Талабалар колхозчиларга пахталарни теришдилар* (биргалик н.). *Илгари хўжаликлар пахталарни, асосан, талабаларга тердирар эдилар* (орт. н.). Умуман, II даража нисбат категориясининг грамматик маъноси ёрқин ифодаланган тўрт нисбатни бирлаштириши билан нисбатлар тузумида асосий, энг кучли даража ҳисобланади. III даража нисбатлари иккита: орттирма ва мажҳуллик нисбатларидир. Орттирма нисбат II даражанинг ўзлик, биргалик ва орттирма нисбатларидан ҳосил бўлади ва уларнинг ҳар бирига нисбатан қарши бўлади: *суянди — суянтирди, танишди — таништирди, юргизди — юргиздирди*. Мажҳуллик нисбати, асосан, орттирма, баъзан биргалик нисбатидан ҳосил қилинади: *айттирди — айттирилди, сўрашди — сўрашилди*. Мажҳуллик нисбатининг бу шакллари ҳам орттирма ва биргалик нисбат шаклларига қарши бўлади. IV даража фақат мажҳуллик нисбатидан иборат бўлиб, унинг шакллари III даражага хос орттирма нисбат шаклларидан ясалади. III даражанинг орттирма ва IV даражанинг мажҳуллик нисбатлари ҳам ўзаро

қаршиликни ташкил этади: *ўтказдирди — ўтказдирилди. ювинтирди — ювинтирилди* каби.

Нисбатлар шахснинг фаолияти кучли, ёркин ифодаланган семантик вазиятни ёки шахснинг фаолияти кучсиз, хира ифодаланган семантик вазиятни ифодалашига кўра фарқланадилар. Субъектнинг фаолияти

Мажҳуллик нисбати (нофаол) шаклларининг келиб чиқиши




кучли, субъект очиқ ифодаланган вазиятларни ифодаловчи тузилмалар — предикатив гаплар, яримпредикатив конструкциялар[35] фаол тузилмалар деб аталиб, улар бош, ўзлик, биргалик ва орттирма нисбатларга хосдир. Субъектнинг фаолияти кучсиз ёки субъект яширин ифодаланган вазиятларни ифодаловчи тузилмалар нофаол тузилмалар деб аталади. Нофаол тузилмалар мажҳуллик нисбатига хосдир (фаол ва нофаол тузилмалар чизгисига қаранг). II, III ва IV даражаларда ўтимли феълли бош нисбат ва каузатив муносабат ифодаловчи орттирма нисбатлар шаклларига мажҳуллик нисбати кўрсаткичининг қўшилиши билан

[35] Маҳмудов Н. Предикация ва полупредикация / ЎТА. 1982. 2-сон. 19-бет.



уч марта нофаол тузилмалар ҳосил қилинади. Одатда, фаол тузилмалардан нофаол тузилмалар ҳосил қилинади, лекин нофаолдан нофаол тузиш ёки нофаолдан фаол тузиш мумкин эмас. Нофаол тузилмада шахс (бажарувчи)нинг кучсиз — воситали тўлдирувчи билан ёки яширин ифодаланиши бунга имкон бермайди.

Субъект, объект, предикатнинг ўзаро турли муносабатида, айниқса, тўғри тўлдирувчи билан ифодаланувчи объектнинг роли бўртиб туради. Феълларда объект валентлигининг мавжудлиги, унинг нутқда юзага чиқиш имконияти, умуман, феъл лексеманинг маъноси нисбатланишда, бош нисбатдан бошқа нисбатларнинг ясалишида катта аҳамиятга эга. Шу сабабли феъл лексемалар, айниқса, орттирма нисбат ва мажҳуллик нисбати кўрсаткичини олишга, шу нисбатларга хос маънони ифодалашга мойилдирлар. Бу нисбатларда ҳақиқатан ҳам объект валентлигига хос томонлар ўз яққол ифодасини топади. Бизнинг ҳисобимизча, бош нисбатнинг ўтимли феълли шаклларининг 93 фоизи мажҳуллик нисбати шаклида кела оладилар. Объект валентлиги тузилмадан чиқиб кетадиган (ўзлик) ва хиралашадиган (биргалик) нисбатлар шакллари уларга қараганда кам ясалади. Объект валентлиги равшан ифодаланмаган ўтимли феълларнинг аввал орттирма нисбат кўрсаткичини олиши, кейин мажҳуллик нисбати қўшимчасини олиши ҳоллари учрайди: *четлатилди, эркалатилди, силкитилди, йиқитилди* каби. Аксинча, ўтимсиз феъл лексемали бош нисбат шаклларининг 96 фоизидан ортиғи орттирма нисбат шаклига ўтиб, объект валентлигига эга бўлади. Бош нисбатнинг ўтимсиз феъл лексемали шакллари, асосан, орттирма нисбат шакллари учун ясалиш асоси бўлади. Ўтимсиз феъллардан ўзлик, биргалик ва мажҳуллик нисбатлари шаклларининг ясалиши кам учрайди: *ёғил-, енгиллан-, исин-, ажрал-, ажраш-, тўхтал-* каби (иловадаги жадвалларга қаранг).

## Нисбатлар ва уларнинг диатезалари

Феъл нисбатлари муайян бир тил доирасидагина эмас, ўзаро қариндош бўлган ва бўлмаган тиллар доирасида ҳам кўп йиллардан бери олимларнинг диққатини тортиб келмоқда. Чунки феъл нисбатлари, адабиётларда қайд қилинганидек, тилшунослик-

нинг муайян бир бўлими доирасида қараладиган ҳодиса эмас. Феъл нисбатлари категориясида тил шоҳзинапоясининг деярли барча поғоналарига хос хусусиятлар бир-бирлари билан шунчалик бирлашиб, уйғунлашиб кетганки, бу ҳолат феъл нисбатларини бир ёқлама, тилшуносликнинг бирон бўлими доирасидагина ўрганиш кутилган натижаларга олиб келмаслигини, уни яхлит ўрганиш, текшириш зарурлигини тақозо этади. Француз тилшуноси Л. Теньернинг валентлик назариясининг ленинградлик тилшунослар томонидан ривожлантирилиши натижасида яратилган диатезалар назариясини қўллаш билан феъл нисбатларининг морфологик, синтактик ва семантик томонларини бир йўла ўрганиш имконияти туғилади[36 -37].

Диатезалар назарияси бўйича феъл кесим гап тузилишининг ўзаги, ядроси, гапнинг бутун тузилишини белгиловчи «калит» деб баҳоланади[38]. Мана шу феъл сўзнинг луғавий (лексикографик) изоҳи ундан англашилаётган ҳаракат ёки ҳолатни юзага чиқарувчи вазиятнинг баёнидан иборат бўлади[39]. Бу вазиятни тўлиқ ифодалаш учун унинг иштирокчиларини, яъни семантик актантларини белгилаш, уларнинг табиати ва миқдорини аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Диатезаларни белгилашда икки юза — семантик юза ва синтактик юза ҳамда уларда иш кўрувчи актантлар ҳисобга олинади: 1. Семантик юза актантлари: С, $O_1$, $O_2$ ва баъзан учрайдиган $O_3$ — субъект ва объектлар. 2. Уларга мувофиқ келадиган синтактик юза актантлари: эга ва тўлдирувчилар. Одатда субъект (С) эга билан, $O_1$ — тўғри тўлдирувчи[40] билан, $O_2$ воситали тўлдирувчи билан ва $O_3$ ҳам воситали тўлдирувчи (кенг маънода) билан ифодаланади. Бу иккала юза актантлари ўз ичида ўзаро зинапоя тарзидаги муносабатда бўлиб, изчил тартибга

---

[36] Холодович А. А. Залог. Категория залога mm Материалы конференции. Л., 1970. С. 2—26.

[37] Храковский В. С. Пассивные конструкции // Типология пассивных конструкций. Диатезы и залоги. Л., 1974.

[38] Холодович А. А. Кўрсатилган манба, 5—10-бетлар.

[39] Храковский В. С. Кўрсатилган манба, 7-бет.

[40] «Воситасиз тўлдирувчи» термини ўрнида «тўғри тўлдирувчи» терминини қўллашнинг қулайлиги ҳақида *қаранг:* Убаева Ф. С. Тўғри тўлдирувчининг семантик-грамматик хусусиятлари // Ўзбек тилшунослигининг актуал масалалари. ТошДУ тўплами. 1985. 22-бет.

ига: $С \to О_1 \to О_2 \to О \pm$ Масалан, *Бола қўлини совун билан ювди* гапидаги *юв*-феъл лексемаси англатадиган вазиятда субъект (бола), I объект (қўл), II объект қурол (совун) семантик актантлари қатнашади. Уларнинг вазиятдаги иштироки даражаси бир хил эмас, шунинг учун уларнинг тартиби $С \to О_1 \to О_2$ тарзида белгиланади. Синтактик актантларда ҳам шунга мос равишда зинапоя муносабати сақланади: эга→ тўғри тўлдирувчи→ воситали тўлдирувчи.

Изоҳда — гапга тенг тузилмада вазиятга тегишли ҳамма семантик валентликларнинг ифодаланиши шарт эмас. Одатда қурол, адресат каби актантлар ифодаланмаслиги мумкин: юқоридаги мисолни *Бола қўлини ювди* тарзида ҳам қўллаш мумкин. Аксинча, айтайлик, қурол қайд қилинган изоҳда С ва $О_1$ нинг ҳам қатнашиши ўз-ўзидан келиб чиқади. *Совун билан ювди* тарзида жумла қуриш мумкин эмас. Чунки *юв-* феъл лексемаси шу ҳаракатни бажарувчи шахс (С) ва ҳаракат қаратилган объект (О) ларнинг вазият изоҳида қатнашишини мантиқан талаб қилади.

Гап мазмуни замиридаги хабар икки хил бўлади: 1) зарур хабар ва 2) нозарур хабар. Зарур хабар вазият ҳақидаги асосий маълумот бўлиб, у шу вазиятни атовчи ҳар қандай гап мазмунида бўлади. Нозарур хабар белги-хусусиятлар (сабаб, мақсад, натижа, ўрин, пайт, ранг-тус ва ш.к.) ҳақида бўлиб, унинг гапда ифодаланиши вазият баёни учун муҳим эмас[11]. Масалан, *Обид эрталаб Валига хат ёзди* гапидаги *ёзди* феъл кесими англатадиган вазиятнинг иштирокчилари — семантик актантлари: Обид-субъект, хат-I объект, Вали-II объект — адресат бўлиб, *эрталаб* сўзи англатадиган тушунча семантик актантни эмас, шу вазиятга тегишли белгини англатади. Белги-хусусиятлар гапда аниқловчи ва ҳоллар орқали ифодаланади. Одатда вазият иштирокчиларидан ҳар бирининг объектив борлиқда ҳақиқий тимсоли бўлади: юқоридаги мисолимизда С — Обид, $О_1$ — хат, $О_2$ — Вали; белги-хусусиятда эса шундай тимсол йўқ. Феъл кесимли гапларда шунинг учун семантик актантларнинг ўзгариши синтактик актантларнинг ҳам, яъни бутун гап қурилишининг ўзгаришига олиб келса, белги-хусусиятларнинг ўзгариши гапнинг умумий мазмунига унча таъсир қилмайди. Масалан: *Мен кичик қизим учун чиройли кўйлак олдим* мисолида *кичик* ва

---

[11] Храковский В. С. Курсатилган манба. 8-бет.

*чиройли* сўзларини тушириб колдириш ҳам, бошка сўзлар билан алмаштириш ҳам мумкин.

Диатезалар назарияси валентлик назарияси билан узвий боғлиқ. Л. Теньернинг таъкидлашича: «...феъл бошкара оладиган актантлар миқдори биз феъл валентлиги деб атайдиган ҳодисани ташкил қилади»[42]. Валентлик ҳодисаси ўзбек тилшунослигида проф. И. Қўчқортоев томонидан чуқур текширилган, бу борадаги ишлар ҳозир ҳам давом этмоқда[43]. Шунинг учун биз бу ерда фақат валентлик назарияси ва унинг давоми бўлмиш диатезалар назариясининг ўзаро муносабати, уларнинг нисбат категориясини ўрганишдаги аҳамиятини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Феъл нисбатларини текширишда икки қатор — семантик ва синтактик тушунчаларнинг фарқланиши янгилик эмас. Диатезалар назарияси муаллифларининг хизмати шундаки, улар мана шу икки қаторга хос тушунчаларнинг нутқда ифодаланишини бир-бирига ёндош таққослаб бориб, шу йўл билан феъл нисбатларининг кўпқиррали томонларини бир йўла текшириш имкониятини кўрсатиб бердилар. Феъл лексема мунтазам тарзда семантик актантларига эга бўлиши билан бирга, кесим сифатида қўлланганда гап тузилиши ҳам, демак, синтактик актантлари ҳам шунга мувофик тарзда ўзгариб боради. Бунда, албатта, феъл лексеманинг валентлик хусусияти, бу феълнинг қайси нисбат кўрсаткичи билан қўлланиши аҳамиятга молик. Кесими феъл бўлган тузилмаларда семантик ва синтактик актантларнинг қайд қилинган ўзаро мослиги, бир-бирига мувофиқлашуви диатеза деб аталади. Олимларнинг фикрича, ҳар бир феъл лексема билан боғлиқ ҳолда келиб чиқадиган диатезаларнинг семантик ва синтактик жиҳатдан ўзаро мос келишининг миқдорини белгилаб, ҳисоблаб чиқиш мумкин. Бунинг учун феъл лексемаларнинг валентликлари миқдорини белгилаш лозим бўлади. Феълнинг валентликлари миқдори ошиб борган сари

---

[42] Сильницкий Г. Г. Глагольная валентность и залог // Типология пассивных конструкций. Диатезы и залоги. Л., 1974. С. 55.

[43] Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. Тошкент. 1977; Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. Ташкент, 1977; Валентлик ва семантик мослашув // Ўзбек тилшунослиги ва стилистикаси масалалари. ТошДУ илмий асарлари тўплами. 648-сон. Тошкент. 1980; Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. Тошкент: Фан. 1989.

шу феъл кесим уюштира оладиган диатезалар миқдори ҳам ортиб боради. Масалан, *ташла-* феъли ижрочи ва объект валентликларига эга. Унинг диатезаларини қуйидагича кўрсатиш мумкин: 1. *Бола тошни ташлади* — $СО_1П$. 2. *Тош бола томонидан ташланди* — $О_1СП$. 3. *Бола ташланди* (ўзини отди маъносида). У ҳолда: $СП$. $О_1$-$\varnothing$ 4. *Бола ўртоғи билан тошни ташлашди* — $С_1С_2О_1П$. 5. *Ўртоғи болага тошни ташлатди* — $С_2С_1О_1П$.

*Юв-, ёз-, бер-* каби феъл лексемалар эса уч валентлидир. Улар уюштирадиган диатезалар таркибида қурол, адресат, иккинчи ижрочи валентликлари қатнаша олади. Масалан, *ёз-* феъл лексемаси орқали ифодаланадиган вазиятлар баёни ва улардан келиб чиқадиган диатезаларни тасвирлаб кўрайлик: 1. *Саид ёзди* — $СП$. 2. *Саид хатни ёзди* — $СО_1П$. 3. *Саид хатни қаламда ёзди* — $СО_1О_2П$. 4. *Саид хатни акасига ёзди* — $СО_1О_2П$. 5. *Саид хатни акаси билан ёзди* — $С_1О_1С_2П$. 6. *Акаси хатни Саидга ёздирди* — $С_2О_1С_1П$. 7. *Хат ёзилди* — $О_1П$. 8. *Хат қаламда ёзилди* — $О_1О_2П$. 9. *Хат Саиддан акасига ёзилди* — $О_1С_1О_2П$. 10. *Хат Саидга акаси томонидан ёзилди* — $О_1О_2С_2П$. Бу ерда $С_1 \rightarrow О_2$. 11. *Саид акаси билан хат ёзишади* — $С_1С_2О_1П$. 12. *Саид билан акаси Валига хатни ёздилар* — $С_1С_2О_3О_1П$. 13. *Саид билан акаси Валига хатни қаламда ёздилар* — $С_1С_2О_3О_1О_2П$.

Диатезалар семантик юза ва синтактик юза бирликларининг ўзаро мос келиши бўлса, феъл нисбатлари мана шу мосликнинг феълдаги шаклий ва мунтазам ифодасидир[44–45]. Бундан маълум бўладики, ҳар қайси муайян диатеза алоҳида феъл нисбатини ҳосил қила олмайди, у ҳолда феъл нисбатлари ҳаддан ташқари кўп миқдорда белгиланган бўлур эди. Феъл лексеманинг валентликлари миқдоридан келиб чиқиб, у ёки бу нисбат кўрсаткичи (ноль кўрсаткичли бош нисбатда ҳам) феъл сўзшаклда қайд этилиши билан уюштириладиган бир ёки бир неча диатезалар маълум бир нисбатга бирлашади. Бинобарин, феъл предикатлик вазифасида қатнашган ҳар қайси гап тузилмасида муайян диатеза акс этган бўлади. Бу тузилмалар асос қурилма ва синтактик ясама тузилмаларга ажратилади. Кесим нисбат кўрсаткичисиз феъл шаклида (бош нисбат шакли) бўлган гапларнинг қурилмаларини бирламчи, асос қурилмалар деб олиш мумкин:

---

[44–45] Холодович А. А. Залог. Категория залога // Материалы конференции. Л., 1970. С. 13.

*Самолёт учди. Нафиса гул терди* каби. Феъл сўз шаклда бирон нисбат қўшимчасининг қайд этилиши гап тузилмасининг ўзгаришига олиб келади. Шу жиҳатдан олганда, ўзлик нисбатига хос диатезалар тузилмадан объект актантининг чиқарилиши билан ажралиб туради. Мисоллар: *Мен бу воқеаларни ўйладим* — бош н.: $СО_1П$. — *Мен ўйландим.*— ўзл. н.: $СП$. *Қиз сочларини таради* — бош н.: $СО_1П$. *Қиз таранди* — ўзл. н.: $СП$.

Биргалик нисбати диатезаларида феъл лексема ифодалайдиган вазиятда қатнашувчи бирдан ортиқ субъектнинг ўзаро муносабати ифодаланади. Мисоллар: *Нафиса дугонаси Раъно билан сўзлашди* — $С_1С_2П$. Бунда: $С_1 = О_2$; $С_2 = О_1$. *Нафиса опасига кирларни ювишди* — $С_2С_1О_1П$.

Орттирма нисбатга хос диатезаларнинг тузилиши феъл лексеманинг ўтимли ёки ўтимсизлигига боғлиқ. Бош нисбатнинг ўтимли феъл лексемали шаклларидан тузилган орттирма нисбат диатезалари каузатор субъект валентининг, бош нисбатнинг ўтимсиз феъл лексемали шаклларидан тузилган орттирма нисбат диатезалари объект валентининг тузилмада қайд этилиши билан фарқланади: *Ўқувчилар имтиҳон билетларини ёздилар* — бош н.: $С_1О_1П$. *Ўқитувчи ўқувчиларга имтиҳон билетларини ёздирди* — ортт. н.: $С_2С_1О_1П$. *Мен тўхтадим* — бош н.: $С_1П$. *Мен машинани тўхтатдим* — ортт. н.: $С_1О_1П$.

Мажҳуллик нисбатига хос диатезалар семантик ва синтактик юза актантларининг муносабати ўзгарганини қайд этади. Ижрочи шахс тузилмада кучсиз ифодаланиши (воситали тўлдирувчи билан) ёки бутунлай ифодаланмаслиги мумкин. Вазиятнинг ҳаракатни ўз устига олган объекти эса эга мавқеида юзага чиқади. Масалан: *Бу чиройли сотувчи қиз ҳар иккала омочни ярим соатда сотиб юборди* — бош нисбат: $С_1О_1П$. *Ҳар иккала омоч бу чиройли сотувчи қиз томонидан ярим соатда сотилиб кетди* (С. Аҳмад). Бу кўринишдаги диатеза мажҳуллик нисбатига хос бўлиб, тузилиш чизгиси: $О_1С_1П$. Бу андозада субъектнинг тузилмадаги ўрни ўзгарган: у эга ўрнидан воситали тўлдирувчи ўрнига кўчган. Бундай тузилмадаги диатезалар ўзбек тилида кам қўлланади. Мажҳуллик нисбати диатезалари асосан шахснинг тузилмада қайд этилмаслиги билан ажралади. Масалан: *Чамандек оппоқ пахталар тезда териб олинди. Дарс қўнғироқ чалиниши билан бошланди.* Бу мисолларда тузилманинг асосини объект ва предикат валентликларининг ифодаси ташкил этади: $О_1П$, қолган синтактик актантлар хабардаги қўшимча маълумот берувчи белгиларни ифодаловчи бўлаклардир.



Феъл нисбати кўрсаткичлари феъл сўзшаклда бирдан ортиқ қайд этилиши мумкин. Нисбат қўшимчасининг ҳар галги қўшилиши билан диатеза тури ҳам ўзгариб боради. Диатезанинг қурилмаси шу сабабли кейинги нисбат кўрсаткичи талабига мос тарзда тузилади. Мисоллар: *Ер остига дренаж қувурлари ётқизилган* (П. Қод.) — мажҳуллик нисбати тузилмаси. *Елқин акам йўлнинг бир қисмига асфальт ётқиздирган эди* (П. Қод.) — орттирма нисбат тузилмаси.

Диатезаларнинг нисбат кўрсаткичларининг вазифасига кўра хусусиятларини ўрганишда аҳамияти каттадир.

## НИСБАТ ШАКЛЛАРИНИНГ СЕМАНТИКАСИ

Феъл нисбатлари шакллари таркибидаги нисбат кўрсаткичларининг сўзшакл семантик тузилишидаги қиймати масаласи тилшуносликда, айниқса, туркшуносликда кўп йиллардан бери тортишувларга сабаб бўлмоқда[46]. Кейинги йилларда эълон қилинган ишларда феълнинг нисбат шакллари феъл лексеманинг семантикаси билан боғлиқ ҳолда ўрганилмоқда. Ҳақиқатан ҳам, юқорида қайд этганимиздек, феъл лексемаларнинг нисбат кўрсаткичларини олишида танлаш, сайлаш хусусияти яққол намоён бўлади: 1. Феълнинг нисбат шакллари ҳар қандай феъл лексемадан ясалавермайди. Фаол ҳаракат — амал ифодаловчи ўтимли феълларга нисбатан ҳар хил ҳолат ифодаловчи ўтимсиз феъллардан феълнинг нисбат шакллари камроқ ясалади. Масалан: *беза-, тара-, кўр-, юв-* феълларидан нисбат шакллари эркин ясалгани ҳолда *тур-, ўтир-, ёт-, бор-, югур-* каби ўтимсиз феъллардан нисбат шаклларини ясаш қийин (1 ва 2-илова жадвалларга қаранг). 2. Феъл лексеманинг семантикаси исталган нисбат кўрсаткичини олавермайди: *бур-, бер-, ос-,*

[46] Севортян Э. В. Аффиксальное глаголообразование в азербайджанском языке. М., 1962. С. 448—456; Иванов С. Н. Родословное древо тюрок Абу-л Гази-хана. Ташкент: Фан. 1969. С. 125—133; Виноградов В. В. Русский язык. М., 1972. С. 479; Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М. — Л., 1960. С. 197.

чўз-, эг- каби феъл лексемалардан барча иккиламчи нисбат шаклларини ясаш мумкин. Лекин *буюр-, ўйла-, тинчи-, тушун-, ўт-, қўй* каби лексемалардан фақат у ёки бу нисбатга хос шакллар ясалади. Масалан, *буюр-, ўйла-, тушун-, қўй-* феъллари ўтимли ҳаракатни ифодалагани учун иккиламчи нисбат қўшимчаларини қабул қилиш лаёқати кучли. Шунга қарамай, бу феъллардан биргалик нисбати учтасидан (*буюр-, тушун-, қўй-*) ўзлик нисбати шакллари ясалмайди. Шундай феъллар ҳам борки, улардан биронта ҳам нисбат шакли ясалмаслиги мумкин[47]. Масалан, *баландламоқ, мўраламоқ, эсмоқ* феълларини кўрсатиш мумкин. Бу муайян нисбатга хос вазиятнинг шу феъллар семантикасидан англашиладиган ҳаракат ёки ҳолат билан боғлиқ тарзда юзага келмаслиги билан изоҳланади. Иккиламчи нисбат шаклларидан учламчи нисбат шаклларининг, улардан эса IV даража нисбат шаклларининг ясалишида ҳам мана шу сараланиш, танлаш қонуни кузатилади (илова, жадвалларга қаранг).

Нисбат шаклларининг семантикаси ранг-баранг. Улардан грамматик нисбат маъносидан бошқа турли маънолар ҳам англашилиши мумкин[48]. Нисбат шаклларининг семантик кўламида нисбат кўрсаткичларининг нисбатга хос ёки бошқа маъно билан қатнашиши нисбат қўшимчаларининг сўзшаклдаги ўрни — моддий қисмга яқин жойлашиши ва вазифа бажариш хусусияти — гап актантларини уюштириш қобилияти билан изоҳланади. Бу бош нисбатга хос шаклдаги феълнинг семемалари билан бошқа нисбат шаклларидаги феълларнинг семемаларини миқдор ва сифат жиҳатларидан таққослаганда очиқ-ойдин кўринади. «У ёки бу нисбат шакли кўп маъноли феълнинг барча маъноларида қўлланиши, яъни барча маъноларида нисбат шакли бўла олиши ёки унинг маълум маъноларидагина нисбат шакли бўла олиши мумкин»[49]. Масалан, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да *ташла-* феълининг қўлланишига хос 15 дан ортиқ маънолар кўрсатилган. Шулардан «ўзини отди», «ўзини ташла-

---

[47] Юсупхўжаева Ҳ. «Ўзбек тили изоҳли луғати»да феълларнинг ишланиши. Тошкент: Фан. 1988. 33-бет.

[48] Нигматов Х. Т. Функциональная морфология тюркоязычных памятников X — XII вв. Ташкент: Фан. 1989. С. 83, 103.

[49] Юсупхўжаева Ҳ. «Ўзбек тили изоҳли луғати»да феълларнинг ишланиши. 1988. 38-бет.



ди» маъносидан ўзлик нисбатига хос «Арслон қуёнга ташланди», «Кечадан бери ҳеч нарса емаган Абдували овқатга ташланди» ва «биргаликда галма-гал ташламоқ» маъносидан биргалик нисбатига хос («Мирбадал билан қошиқ ташлашиб ичинг» — Н. Саф.) шаклларни ҳосил қилиш мумкин. *Ташла* феълининг «пасаймоқ, кучсизланмоқ» маъноси (Бозор ташлади. Нархлар анча ташлади), «шиддат билан ёғмоқ» маъноси (Қор роса ташлаяпти), «оқсоқланиб юрмоқ» маъноси (У чапга бир оз ташлайди) ҳамда «шох ташламоқ», «Ўлигини ташламоқ»[50] маъноларидан биронта нисбат шакли ясалмайди.

*Кел-* ўтимсиз феълининг «Изоҳли луғат»да тасвирланган 14 маъносидан[51] фақат биттасидан биргалик нисбати шаклини ясаш имконияти бор: *Бир қарорга келмоқ* (бош н.). *У билан бир қарорга келишмоқ→ўзаро келишмоқ.* Шу феълнинг «эришмоқ», «насиб бўлмоқ» маъноларидан орттирма нисбат шакллари ясалса (омад келди — омад келтирди, кулгиси келди — кулгисини келтирди), бош маъносининг айрим кўринишларида орттирма нисбат ва баъзангина мажҳуллик нисбати шаклларини қўллаш мумкин бўлади: *Нодира қизчасини боғчадан келтирди. Почтальон телеграмма келтирди* (бу маънода «олиб келмоқ» қўшма феъли ҳам қўлланади). *Меҳмондорчиликка бирров борилди-ю, келинди.*

Демак, феъл кўп маъноли бўлса, ундан ясалган нисбат шакллари одатда барча маънолар бўйича қайд этилмайди. Аксинча, феълнинг айрим нисбат шаклларига хос бўлган маъно феъл лексеманинг семантик мундарижасида учрамаслиги ҳам мумкин. Масалан, *юр-* феълининг орттирма нисбат шаклига (иш юритмоқ, фикр юритмоқ) хос маъно *юр*-феълининг маънолари доирасида йўқ.[52]

Адабиётларда медиаллик маъносининг феъл нисбатлари семантикасига алоқадорлиги тўғрисида ҳар хил фикрлар билдирилади[53]. Фактлар медиаллик

---

[50] Изоҳли луғат, М., 1981, II том. 138—139-бетлар.

[51] Изоҳли луғат, М., 1981, I том. 377—378-бетлар.

[52] Юсупхўжаева Ҳ. «Ўзбек тили изоҳли луғати»да феълларнинг ишланиши. 1988. 40-бет.

[53] Щербак А. М. Очерки по морфологии тюркских языков. Глагол. М. — Л., 1981. С. 104—114; Нигматов Х. Т. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI — XII вв. Ташкент: Фан. 1989. С. 89—103; Фазылов Э. И. К истории взаимно-

маъносининг грамматик нисбат маъносидан ташқарида эканлигини тасдиқлайди. Медиаллик категория сифатида алоҳида ўрганилса, ўзбек тилшунослиги бўйича манбаларда нисбат кўрсаткичлари сифатида баҳоланиб келаётган *-(и)к, -(и)қ, -(и)ш* қўшимчалари ҳам[54] медиал шакл ясовчилар қаторидан ўрин олиб, нисбат ва медиаллик кўрсаткичлари бир-биридан фарқланган бўлур эди. *Тўлиқ-, етил-, қониқ-, етиш-* сўзшакллари нисбат шакллари бўлмай, феъл лексемага хос ҳаракатнинг ифодаланиши жараёнига тегишли изоҳни (тавсифни) ифодалайди. Бу қўшимчаларнинг феъл сўзшаклнинг таркибида қатнашиши гапнинг тузилишида ҳеч қандай ўзгариш туғдирмайди. Мисоллар: *Ой тўлди — Ой тўлишди. Қизча ўпкаси тўлиб йиғлади. Қизча ўпкаси тўлиқиб йиғлади. Хонанинг ичи ёриди. Хонанинг ичи ёришди. Қўлининг териси қичиди. Қўлининг териси қичишди.*

Феъл лексеманинг медиал шакллари ҳам лексиклашиб, асос шаклдан мустақил янги лексемага айланиши ҳоллари кузатилади. Бу уларнинг ҳар бирининг семантик-синтактик актантларга — ўз матний қуршовига эга бўлиб, барқарорлашишида намоён бўлади. Мисоллар: *Бола чойга қ о н д и.— Ўқитувчи жавобдан қ о н и қ д и. Қиз бу таклифга к ў н д и.— У янги ҳаётига к ў н и к д и. Спортчилар маррага е т д и л а р.— Боғда олмалар пишиб е т и л и б д и.— Еш кадрлар е т и ш м о қ д а. Пиёла с и н и б д и.— Беморнинг ранги с и н и қ и б д и. Зулфиянинг унга ичи а ч и д и.— Зулфиянинг кўзлари тутундан а ч и ш д и каби.*

Нисбат қўшимчалари қайд этилган феъл сўзшаклларнинг семантикасида грамматик нисбат маъносини аниқлаш учун бу сўзшаклдаги феъл предикат вазифасида қатнашган гапларнинг мазмуни ва синтактик тузилиши мутаносиблигини кузатиш, қайд этилаётган нисбат кўрсаткичи тузиши мумкин бўлган диатезаларнинг намуналарига айни гапнинг тузилиш шакли мос келиш-келмаслигини аниқлаш лозим бўлади. Сўзшаклдаги нисбат қўшимчалари ўз вазифасини бажараётгани гап андозасининг асос нисбат шаклига

---

совместного залога в узбекском языке // Исследования по грамматике и лексике тюркских языков. Ташкент: Фан. С. 92-93.

[54] Н а р и м о н о в а М. Ҳозирги ўзбек тилида феъллардаги даража ясовчиларнинг баъзи бир хусусиятлари ҳақида // ТошДУ илмий асарлари тўплами. Тошкент. 1983. 52—59-бетлар.

диган ўзгаришида кўринади. Бундай ўзгариш сезилмаган, яъни асос нисбат шаклининг гап андозаси билан семантик-синтактик боғланиши хиралашган ёки йўқолган ҳолларда: 1) нисбат қўшимчасининг нисбат маъноси сезилмайди: *шошди — шошилди, кезди — кезинди* ёки 2) нисбат шаклининг лексиклашиши қайд этилади. Бунда одатда сўзшакл таркибида морфологик қайта бўлиниш юз беради: нисбат қўшимчаси шаклий қисмдан моддий қисм доирасига ўтади: *керил-, излан-, чиқиш-, уриш-, илин-, ўлдир-, урил-.*

Нисбат шаклларида нисбат маъносининг сезилмаслиги, яъни бош ва ясама нисбат шаклларининг маънода тенг келиши[35] бош нисбатнинг ўтимсиз феъл лексемали шаклларидан ўзлик нисбати шакллари ясалишида, айниқса, намоён бўлади. Бош нисбатнинг ўтимсиз феъл лексемали шакллари объектсиз диатезаларини тузиши билан ажралиб туради. Ўзлик нисбати асосан ўтимли феъл лексемали бош нисбат шаклларидан ясалади ва бунинг натижасида объектли диатеза объектсиз диатезага айланади: *уз — узил, торт — тортил* (бу ҳақда «Ўзлик нисбати» бўлимида батафсил гапирилади). Ўтимсиз феълнинг бош нисбат шакллари объектсиз диатезани тузишлари билан ўзлик нисбатига хос шаклларга ўхшайдилар. Шу сабабли ўтимсиз феълнинг бош нисбат шакллари ва улардан ясалган ўзлик нисбати шаклларининг семантикаси орасида кўп ҳолларда фарқ сезилмайди, улар уюштирадиган диатезалар ҳам бир типда бўлади. Мисоллар: *Туман* ***тарқади****.— Туман* ***тарқалди****. Содиқжон мажлисга* ***шошди****.— Содиқжон мажлисга* ***шошилди****. У кейинги пайтларда* ***ўзгарган****.— У кейинги пайтларда* ***ўзгарилган****.* Шунингдек, *тўхта-тўхтал, ўхша-ўхшал* каби ҳолатларда ҳам маънода фарқ сезилмайди. Бундай шакллар бири иккинчиси ўрнида эркин қўлланаверади. Шу билан бирга, бошқа феълларнинг худди шундай шаклларида нозик маъно фарқланишларини ҳам кузатиш мумкин. Масалан: *бўша-бўшал-бўшан, учқунла-учқунлан, иси — исин* шакллари бунга мисол бўла олади.

Умуман, диатезанинг тузилишида, субъект-объект-предикат муносабатида жиддий ўзгаришлар ёки фарқлар қайд этилмайдиган вазиятларда грамматик

---

[35] Юсупхўжаева Ҳ. «Ўзбек тили изоҳли луғати»да феълларнинг ишланиши. Тошкент: Фан. 1988. 33—37-бетлар.

нисбат маъноси заифлашиб, луғавий-услубий маънонинг ўзгаришига мойиллик кучаяди. Бундан ташқари, нисбат кўрсаткичи феъл лексеманинг синтактик бошқариш имкониятини кучайтириши ёки заифлаштириши, натижада у бошқарадиган актантлар миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгариши мумкин. Ўзга семантик синтактик вазият ўзга матний қуршовни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида нисбат шаклининг семантикасига ўзгаришлар киритади. Нисбат шаклининг лексик семантик-стилистик тараққиёти унинг мустақил лексемага айланишига йўл очади. Ўзбек тилида бунга мисоллар талайгина топилади: *ясат-, ясан-, ажрат-ажраш-, тўйин-, ачин-, оғрин-, тепиш-, чиқиш-, келиш-шишин-, ўтқаз-, ўйнат-,ўқит-, айтиш-, топиш-, ҳидлан* каби ҳозир мустақил лексемалар асли нисбат шакллари бўлган. Масалан: *Саида қизини музика мактабида ў қ и т д и* (орттирма нисбат) — *Саида дугонасини шундай ў қ и т д и к и, айтсам, ишонмайсиз!* («адабини берди» маъносида). *Содиқжон овқатга т ў й д и.— Эритма тузга т ў й и н д и. Мушук гўштни ҳ и д л а д и.—Гўшт ҳ и д л а н и б д и* (асли ўзлик нисбати шакли).

Феъл лексеманинг нисбат қўшимчалари билан қўлланиши унинг семантикасида қандай акс этишини бир *ур-* лексемаси мисолида кўриб чиқайлик.

*Ур-* феъли, «Изоҳли луғат»да кўрсатилишича, 15 хил маъно ифодалайди[56]. Адабиётларда бу феъл лексеманинг бош нисбат шаклидан ўзлик нисбат шакллари *урин-* ва *урил-* тарзида ясалиши қайд этилади. Лекин *урин-* шакли маъносига кўра *ур-* лексемасининг саналган 15 маъносининг биронтасига ҳам тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам «Изоҳли луғат»ни тузувчилар *урин-* шаклини *ур-* феълига боғламай, мустақл лексема сифатида берганлар. *Урин* шакли медиаллик ифодалашига кўра дастлаб *ур-* феъли ва унинг ўзлик нисбати шакли *урил*-дан узоқлашган ва кейинчалик мустақил лексемага айланган. Мисоллар: *Ҳакима овқатга у р и н д и* («бошлаб юборди» маъноси). *Қиз шохни ушлаб олишга кўп у р и н д и* («ҳаракат қилди» маъноси). *Телпак у р и н и б д и* («эскирган» маъноси). Мисоллар *урин-* лексемасининг ҳозир *ур-* лексемасидан семантикасига кўра бошқалигини далиллаб турибди. *Ур-* феълининг ўзлик нисбатидаги шакли *урил*-лексемада ифодаланаётган ҳаракатнинг субъекти ва объекти бир эканини

56 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II том. М., 1981. 279—280-бетлар.

англатади: *Тўтиқиз югуриб кета туриб, дарахтга урилди* (М. Исм.) *Тоза ҳаво димоққа урилди.* «Изоҳли луғат»да *ур-* лексемасининг уч маъносидан ўзлик нисбати шакллари ясалиши кўрсатилади[57].

*Ур-* феълига хос 15 маънонинг 6 тасидан мажҳуллик нисбати шаклларини ҳосил қилиш мумкин. *Ур-* феълининг бош нисбатда объект валентлигини ифодалаган сўз мажҳуллик нисбати диатезаларида эга вазифасини бажаради. Ҳаракатни амалга оширувчи шахс — субъектнинг вазиятдаги аҳамияти кучсизланади. Шунинг учун у диатезада қайд этилмаслиги ҳам мумкин (бу ҳақда ишнинг «Мажҳуллик нисбати» бўлимида батафсил тўхтаймиз). Мисоллар: *Садриддин Айнийга амирнинг буйруғи билан 70 дарра урилди. Порахўр газетада урилди. Ҳовли айланасига уч кун ичида пахса девор урилди. Осон топилган даромад чўнтакка урилди. Отга юган урилди. Бир товоқ ош бир зумда нафсига урилди.*

*Ур-* феълининг биргалик нисбати шакли йўқ. *-(и)ш* қўшимчаси билан ясалиб,адабиётларда биргалик нисбатига хос деб қараладиган шакллар иккита: 1. *Уриш* — морфем тузилиши: *ур — иш.* Бу сўзшаклдаги *-(и)ш* қўшимчаси кўплик маъносини ифодалаши билан *-лар* қўшимчасига тенг келади ва нисбат кўрсаткичи бўлолмайди: *уришди≈урдилар* (Бу ҳақда монографиянинг «Биргалик нисбати» бўлимида батафсил тўхтаймиз). 2. *Уриш-* — морфем тузилиши: *уриш-.* Ҳозирда мустақил лексема сифатида луғатлардан ўрин олган бу сўз тарихан биргалик нисбатининг шакли бўлган, лекин кейин биргалик нисбати маъносини ҳам, *ур-* феълига хос ҳаракат маъносини ҳам йўқотган: *ур-* феъли *қўл ёки бирор восита билан зарба бермоқ* маъносини англатса, *уриш-* феъли *қаттиқ гаплар айтмоқ, сўкмоқ, жеркмоқ*[58] маъноларини билдиради. *Уриш*-нинг мустақил лексемалигини унинг бош нисбатга хос диатезаларда қўлланишида кўриш мумкин. Мисоллар: *Она ўғлини уришди. Қўшнилар уришишди (уришдилар). Салима дугонаси билан уришди* тузилмаси биргалик нисбатига хос намуна, лекин *уришди* сўзшаклида лексема *уриш-* деб олинадиган бўлса, биргалик нисбатининг кўрсаткичи — яна бир*-(и)ш* сўзшаклда қайд этилмаганлиги маълум бўлиб қолади. Чунки *Салима*

---

[57] Изоҳли луғат. II том. М., 1981.278- бет.
[58] Изоҳли луғат, II том. М., 1981. 278-бет.

*дугонаси билан* *у р и ш и ш д и* бўлиши керак. (*Салима дугонаси билан сўрашди, кўришди* каби).

Орттирма нисбат шакллари *ур-* феълининг бир неча маъносидан ҳосил қилинади. Мисоллар: *Хон солиқ тўламаганларни ўлгунча* *у р д и р д и*. *Ж а б д у қ* *у р д и р и б* *б е р с а м, ўзлари миниб кетсалар*[59]. *Бобоев ўша куниёқ одам чақириб, туйнукни* *у р д и р д и* (С. Аҳм.). *Журналист ошнамга айтиб, сени газетада фельетон қилиб* *у р д и р м а с а м м и!* (Х. Т.) *Болани иссиқда кўп олиб юрма, офтоб* *у р д и р а с а н.*

Мисоллардан кўринадики, орттирма нисбат шакллари ўтимли *ур-* феъли англатувчи ҳаракат билан боғлиқ семантик вазиятда яна бир субъект фаолиятининг қўшилиши билан ажралиб туради. Лекин бундан орттирма нисбат шаклларида маъно ўзгариши бўлмас экан, деган хулосага келиш нотўғри бўлади. Орттирма нисбат шаклларига қиёсан маъно ўзгариши ҳоллари кузатилади. Масалан, *тинчи-* «Йиғлаётган гўдакни овутмоқ, юпатмоқ, «Жанжални босмоқ» феълининг орттирма нисбат шакли «тинчитмоқ» маъноларини билдиради. Лекин *Йўлбарс эрталабгача ҳўкизларни ҳам* *т и н ч и т и б д и* жумласидан «Йўлбарс эрталабгача ҳўкизларни ҳам еб қўйибди» маъноси англашилади. *Айтган ишларингизни бирпасда* *т и н ч и т а м а н* гапидан «Айтган ишларингизни бирпасда саранжом қиламан» маъноси ифодаланади. Шунингдек, *четла-* феълининг орттирма нисбат шакли бўлган *четлат-* ишдан бўшатмоқ, бирон ишни бажаришда иштирок этмоқ, ҳуқуқидан маҳрум қилмоқ[60] маъносида *четла-* феълининг маъноси ва унинг орттирма нисбат шакли маъносидан узоқлашиб, янги маъно касб этган. Бундай ҳолларда нисбат кўрсаткичлари, табиий, сўз ясаш учун хизмат қилмаяпти, балки нисбат маъносининг хиралашиши, сезилмас ҳолга келиши натижасида сўзшаклнинг лексемага айланиши жараёни юз беряпти.

Хуллас, нисбат шаклларини ёндош ҳодисалардан фарқлаш, грамматик нисбат маъноли сўзшаклларни нисбат шаклларининг лексемалашишидан ажратиш осон эмас.

---

[59] Иккала мисол «Изоҳли луғат»дан олинди. II том. М., 981. 280-бет.

[60] Изоҳли луғат. II том. М., 1981. 364-бет.

## I ДАРАЖА (БОШ) НИСБАТ

Бош нисбат ёки I даража нисбат субъект-объект-предикат муносабатининг дастлабки, бирламчи ҳолатларини ифодалайди. Бош нисбат шаклларининг морфологик кўрсаткичи йўқ, аниқроғи, бош нисбат шакллари иккиламчи — II даража нисбат шаклларига асос бўлгани учун ноль кўрсаткичли нисбат шакллари деб юритилади.

Бош нисбат шакллари бошқа нисбат шаклларига қараганда нутқда бир неча баробар кўп қўлланади[61]. Бу, табиий, бош нисбатнинг бошқа нисбатлар учун асослиги, бош нисбат шакллари орқали ифодаланадиган вазиятларнинг объектив воқеликда кўп учраши билан изоҳланади.

Бош нисбат шакллари туб ва ясама феъл лексемаларни қамраб олади. Феъл лексемаларнинг ўтимли ёки ўтимсизлиги билан боғлиқ тарзда бош нисбатнинг субъект-объект-предикат муносабатини икки хил ифодаловчи шакллари бир-биридан фарқланади: 1. Ўтимсиз феъл лексемали бош нисбат шакллари. 2. Ўтимли феъл лексемали бош нисбат шакллари.

1. **Бош нисбатнинг ўтимсиз феъл лексемали шакллари.** Ўтимсиз феъл лексемалар объект валентлигига эга эмаслиги, грамматик объектни бошқармаслиги сабабли бош нисбатнинг бу шакллари субъект-предикат муносабатини очувчи диатезаларда кесим мавқеида қатнашади. Бундай қурилишдаги гапларда объект валентлигини ифодаловчи тўғри тўлдирувчи актанти иштирок этмайди. Феъл лексеманинг валентлик имкониятларига ва нутқий алоқада бу валентликларнинг ифодаланишига қараб ўтимсиз феъл лексемали бош нисбат шакллари қуйидагича қурилишлардаги диатезаларни тузади:

1. *СП* тарзидаги диатеза. *Олчалар қизарди. Сой шовуллайди. Қизлар роса яйрашди. Бола соғлом ўсяпти. Ниҳоллар кўкара бошлаган. Эшик қўнғироғи жиринглади. Ёмғир тинди. Жисмимиз йўқолур, ўчмас номимиз* (Ҳ. О.). Бу хилдаги гапларда предикат фақат семантик вазиятни, кучсиз ҳаракат ёки ҳолатни юзага келтирувчи ижрочи валентлигини бошқаради.

---

[61] Султонсаидова С. Феълларда даража ва ўтимли — ўтимсизлик категорияси // ТошДУ илмий асарлари тўплами. 443-сон. 1973. 85-бет; Маҳматқулов С. Бадиий текстда феъл даража формулаларининг қўлланувчанлиги // ТошДУ илмий асарлари тўплами. II. 1975. 501-сон. 132-бет.

Шу сабабли бу андозадаги гапда одатда 1 валентли феъл лексемалар кесим вазифасини бажаради. Шу билан бирга, 2 валентли феъл лексемалар ҳам бир валентлиги очилмай қолиши сабабли кесим вазифасини бажариб келишлари мумкин. Масалан: *Қизлар роса яйрашди.* Яйраш ҳолатининг сабаб ёки омил билдирувчи валентлиги тузилмада намоён бўлмаган. Қиёсланг: *Қизлар тоза ҳаводан роса яйрашди.*

2. *$CO_2П$* тарзидаги диатеза. Кесимдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат ижрочи томонидан бирон восита, омил вазифасини бажарувчи шахс ёки нарса ёрдамида юзага чиқиши мумкин. Гап таркибида бу омил воситали тўлдирувчи ёки ҳол ($O_2$) бўлаги орқали ифодаланади, синтактик жиҳатдан бу феъл бошқаруви муносабатининг ифодаси бўлади. Бош нисбат шаклидаги 2 ёки 3 валентли феъллар ижрочи валентлигидан ташқари олувчи, қурол, мазмун, макон[62] ёки сабаб каби валентликлардан бирини тузилмада бошқаради. Мисоллар: *Арчазор эрталабки шабадада шувиллайди. Ғўзалар сувга қонди. Мен трамвайга қараб югурдим. Ой тепага келган* (С. Аҳм.) *Холида севинчидан сакрарди. Геологлар чўққида тунашди.* Бу хилдаги гапларда ҳам семантик вазият талабига кўра нозарур бўлган валентликлари ифодаланмаган 3 валентли феъллар кесимлик вазифасини бажариб кела олади. Масалан: *Бугун оталиқ ташкилотдан меҳмонлар келди.* Ёки: *Бугун ишхонамизга меҳмонлар келди.*

*3. $CO_2O_3П$* тарзидаги диатеза. Бу кўринишдаги бош нисбат диатезаларида семантик вазиятнинг юзага чиқишида иштирок этувчи воситаларни ифодаловчи олувчи, жўнатувчи, макон, қурол каби валентликларнинг иккитаси қайд этилади. Тузилмада шунга мувофиқ тарзда воситали тўлдирувчи ёки ҳол бўлакларининг миқдори ҳам иккита бўлади. Улар диатеза андозасида $O_2$ ва $O_3$ рамзлари билан ифодаланади. Бу хил гапларда предикат 3 валентли *қоч, қол, қара, қайт, ўт, юр, эс, қури, чўчи, энгаш, қатна* каби феълларнинг бош нисбат шаклларида бўлади. Мисоллар: *Ўғлим, панжарадан пастга энгашма! Ҳалима қайнанасига бирон нарса дейишга чўчиди. Кимдир биров деразадан уй ичига қаради. Тўп дарвозабондан ҳужумчига қайтди. Акмал бу йилдан 6 — синфга боради. Она самолёт зинасидан ҳасса билан чиқди.*

---

[62] *Қаранг:* Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентлиқлари. Тошкент: Фан. 1989. 86-бет.

*Салима уйда болаларга қаради. Ишчи дастгоҳда мураккаб асбоблар билан ишлайди.*

Ўтимсиз феълли бош нисбат шакллари кўриб чиқилган намуналардан $\text{СО}_2\text{П}$ хилида бошқаларига қараганда кўпроқ қайд этилади. Демак, ўтимсиз феълларнинг салмоқли қисми 2 валентли бўлиб, улар воқеанинг нутқдаги ифодасида қатнашувчи ижрочи ва бир омил (қурол, олувчи, макон...)нинг ифодасидир. 3 валентли феъллар уюштирган гаплар эса омилнинг 2 талиги билан характерланади — $\text{СО}_2\text{О}_3\text{П}$ намунаси. Баъзан *бор, жўна, қатна* каби 4 валентли феъл лексемалар бош нисбат шаклида предикатлик вазифасини бажарганда 3 та омил актантини бошқаришини ҳам кузатиш мумкин: *Иброҳимов ҳар гал Тошкентдан Москвага самолётда боради* — $\text{СО}_2\text{О}_3\text{О}_4\text{П}$. Бош нисбатдаги ўтимсиз феъллардан англашилувчи ҳаракат ёки ҳолат асосида юзага келувчи семантик вазиятнинг субъекти ҳамма вақт ҳам ижрочи мавқеида қайд этилавермайди. Масалан: *Қиров йилтирайди. Офтоб қизарди. Дарахтлар сокин мудрайди* каби гапларда грамматик эга мавқеидаги сўзлар орқали ифодаланаётган нарсаларга хос вазиятлар акс эттирилган. Улар, яъни предметлар — қиров, офтоб, дарахтлар — шу вазиятларнинг мантиқий эгасидирлар, лекин вазиятнинг ифодасида ижрочи сифатида фаолият кўрсатмайдилар. *Сой шовиллайди. Юлдузлар кўкда ялтирайди* каби мисолларда эса семантик вазиятлар эга мавқеидаги *сой* ва *юлдузлар* сўзларидан англашилган предметларнинг инсон тасаввуридагина мавжуд, асли объектив воқеликда (табиатда) реал бўлмаган «ҳаракат»лари сифатида юзага келади: асли сойнинг ўзи эмас, сойдаги сув шовиллайди, юлдузларнинг ўзларига эмас, нурларига хос бўлган, Ер атрофидаги ҳаво қатлами билан боғлиқ физик ҳаракат рўй беради. Бу «ҳаракат»нинг уларга доимий хослиги айни «ҳаракат»нинг шу предметлар ҳолатига ўтишини таъминлайди.

2. **Бош нисбатнинг ўтимли феъл лексемали шакллари.** Бу шакллардаги феъл предикат вазифасини бажарган гапларнинг намуналари бош нисбатнинг ўтимсиз феъл лексемали шакллари уюштирган гапларнинг намуналаридан объект валентининг тушум келишиги шаклидаги тўғри тўлдирувчи синтактик актанти билан ифодаланишига кўра фарқланади.

Бош нисбатнинг ўтимли феъл лексемалари предикат вазифасини бажарган гаплар — бош нисбат-

нинг бу хилдаги диатезалари субъект-предикат муносабатини ҳам ифодалайди ва қуйидагича кўринишларда тузилади:

1. $CO_1П$ ёки $O_1СП$ тарзидаги диатеза. Мисоллар: *Тутун ҳамма ёқни буркади. Гуландом ҳикоясини бошлади.* (О.). *Тоғу тошни сел бузар, эл орасини сўз бузар* (мақол). *Акам біровнинг ҳақини еган эмас* (О.). *Нури деразани оҳиста ёпди (О.)У ярқ этиб бошини кўтарди.* (Ў. Қ.). Бундай диатезаларни тузишда камида 2 валентли феъллар қатнашади. 3 ёки 4 валентли феъл лексемалар ҳам фақат 2 валентлиги очилган ҳолда гапларнинг предикати вазифасида қайд этилишлари мумкин. Шунинг учун бундай кўринишда тузилган диатезаларда *азобла-, бажар-, бошқар-, гапир-, жазола-, сев-, такрорла-, текшир-, тушун-,хушла-, чимир-* каби 2 валентли феъл лексемалар қаторида *арт-, ата-, беза-, боғла-, бўя-, ёй-, изла-, кес-, кий-, ол-, оқла-, сол-, сўзла-, тайёрла-, тани-, тара-, тирка-, унут-, чўз-, эг-* каби 3 валентли ва *бур-, жойла-, ковла-, куйла-, санчи-, тер-, туз-, тут-, уз-,ула-, ур-, чақир* каби 4 валентли феъллар ҳам бош нисбат шаклида предикат мавқеида туришлари мумкин.

2. $CO_1O_2П$ ёки $CO_2O_1П$ тарзидаги диатеза. Бундай кўринишда тузилган диатезаларда тўғри тўлдирувчи билан ифодаланган объект валенти билан бирга воситали тўлдирувчи актантида ифодаланган қурол, мазмун, олувчи, жўнатувчи, макон, сабаб валентларидан бири ($O_2$ билан кўрсатилади) қатнашади. Бу валент объект-предикат муносабатини тўлдиради, субъект фаолиятига қўшимча характеристика бўлади. Предикат вазифасида асосан 3 валентли, баъзан 4 валентли феъллар қатнашади. Мисоллар: Ким Сизга аризани ё з и б б е р д и? Чанг ҳамма нарсани бир хилдаги оқиш, жонсиз рангга б ў я д и (Ас. М.). *Раис... зоотехникни ҳам пахтага б о ғ л а б қ ў й д и* (Ў. Ҳ.). *Мен Сизни фақат яхши пахтакор деб б и л а р э д и м* (А. Қ.). *Аччиқ гапларни биз фақат Сиздан э ш и т а м и з.*

3. $CO_1O_2O_3П$ тарзидаги диатеза. Бу хилда тузилган диатезада предикатдан англашилган ҳаракатнинг тавсифи кенгаяди. Объект-предикат муносабати ҳаракатнинг бажарилиш жараёнида иккинчи омил: яна бир шахс ёки предмет, макон, сабаб валентликларидан бирининг рамзи билан тўлдирилади. Бинобарин, бундай диатезаларда предикат мавқеида синтактик бошқариш имконияти кенг бўлган *айт-, бур-, жойла-,*

*…ла-, куйла-, санч-, тер-, торт-, туза-, туз-, тўрт-, тут-, …к-, улаш-, уз-, ур-, ушла-, чақир-, чиз-, юв-, юбор-, …рла-, қада-, қоқ-, қув-, қўй-, куй-* каби 4 валентли ўтимли феъл лексемалар кела олади. Мисоллар: *М… хатни дафтар варақларига қалам билан тез-тез … р д и. Назокат юз-қўлини илиқ сувда хушбўй атир совун билан ю в д и. Ҳовуз четидаги тошдан ишланган …лонлар оғизларидан гулзорга сувни шиддат билан п у р к а й д и.* (С. Аҳм.).

Бош нисбатнинг ўтимли ҳаракат билдирувчи шакллари юқорида кўрсатилган диатезалардан биринчисида объектга бевосита қаратилган, йўналтирилган ҳаракатни ифодалайди. Бундай диатезаларда қайд этилувчи объект-предикат муносабати бошқа омиллар қатнашмаганлиги сабабли ихчам тарзда яққол намоён бўлади. Диатезалар таркибининг бошқа актантлар ҳисобига тўлдирилиши нутқий заруриятга кўра амалга ошади ва объект-предикат муносабатини бойитади.

Бош нисбатнинг шакллари ифодалайдиган семантик вазиятларда субъект-предикат муносабати ҳам муҳим аҳамиятга эга. «Субъект (эга) ўтимли ва ўтимсиз актив феълларда фаол ва медиал феълларда нофаол, эганинг ифодаланган / ифодаланмаганлигига кўра аниқ ёки ноаниқ, буйруқ майлида қўзғатувчи, ... кесим кўплик шаклида бўлганда иштирокчилардан бири бўлиши мумкин ва ш. к.[63] Субъектнинг фаолияти объектли вазиятда объектсиз вазиятдагидан ўзгачароқ кечади.Ўтимли феъл билан тузилган диатезаларда предикат субъектдан ташқаридаги объектга йўналтирилган фаол ҳаракатни ифодалайди. Субъект мана шу ҳаракатни бажарувчи, ҳаракатни объектга йўналтирувчи, объектга таъсир этказувчи ролида вазиятда муҳим семантик иштирокчидир. Айни пайтда субъект шу фаолияти билан объектда ифодаланган шахс ёки нарсанинг бошқа ҳолатга ўтишига сабаб бўлиши, яъни уни каузаллаши ҳам мумкин. Масалан: *Раъно сочларини т а р а д и* гапида *тараш* ҳаракатининг субъект томонидан бажарилиши натижасида сочлар текисланди, яъни ҳолатини ўзгартирди. Бунга субъект (Раъно)нинг фаолияти сабаб бўлди. *Ол-, қўй-, текисла-, ёй-, арт-, юв-, қўй-, эк-* каби феъл лексемалар ҳам бош нисбат шаклларида

---

[63] Нигматов Х. Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI — XII вв. Ташкент: Фан. 1989. С. 102.

субъектнинг мана шундай объектга нисбатан қўзғатувчилик фаолиятини акс эттирувчи вазиятларни юзага келтиради. Лекин *тани, бил, кез, эсла, кут, пайқа, сез, тушун, айбла, асосла* каби ўтимли феъллар ифодаловчи ҳаракат нофаол — суст бўлгани сабабли унинг объектга таъсири ҳам суст бўлади: *Мен уни т а н и й м а н* (ёки *биламан). Шоир Ўзбекистон диёрини кўп к е з д и. Ота ўғлининг кайфиятини тез п а й қ а д и.* Бу мисоллардаги бош нисбатнинг ўтимли шаклларида қайд этилаётган ҳаракат субъектнинг қўзғатувчи фаолиятини кўрсатмайди.

Бош нисбатнинг ўтимсиз феъл лексемали шакллари уюштирадиган диатезалардаги субъект-предикат муносабатида предикатдан англашилаётган ҳаракат ёки ҳолатнинг субъектдан ташқарида алоҳида объекти йўқлиги унинг асосий хусусиятидир. Субъект *кел-, тур-, ўтир-, юр-, ёт-* каби қатор ўтимсиз феъл лексемалар англатувчи ҳаракатнинг бажарувчиси бўлиш билан бирга, бу ҳаракат унинг ўзида қолиши, ташқарига йўналмаслиги сабабли у ўз ҳаракати, ўз фаолиятининг мантиқан объекти ҳам бўлади.[64]. Ҳолат ифодаланадиган вазиятларда эса субъект (агенс)нинг иштироки фаол бўлмайди. У шу ҳолатнинг эгаси, лекин бу вазиятни юзага келтиришда унинг ташаббуси, умуман, роли ниҳоятда кучсиз. Субъектнинг вазиятда ифодаланган ҳолатга кириши, шу ҳолатга ўтишида бундан аввалги вазиятдаги субъектнинг фаолиятини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Бинобарин, *қувна-, яйра-, ганги-, жунжи-, ранжи-, орзиқ-, довдира-, ғижин-, қайғур-, янгра-, овун-, юпан-, совқот-, тўл-, терла-* каби. ҳолатларнинг юзага келиши ўз-ўзидан бўлмай, бирон сабаб билан ёки аввал содир бўлган бошқа ҳаракатнинг натижаси сифатида амалга ошади. Сабаб валентлиги шу феъл лексема уюштирган семантик вазиятда мавжуд бўлиши мумкин: *Иши битганидан Салимнинг кўнгли т ў л д и. Жозибали рақсдан Дилдора я й р а д и.* Бу семантик вазиятдаги субъектнинг ҳолати аввалги вазият ва ундаги субъектнинг фаолияти натижаси сифатида юзага келиши мумкин. Сабабнинг бу тарзда матн орқали ифодаланишига шундай мисолларни келтириш мумкин: *Бу йил совуқ эрта бошланди. Дов-дарахтларнинг кечагина кўм-кўк барглари*

---

[64] Р а с у л о в Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. Тошкент: Фан. 1989. 32—33-бетлар.

*...шида с а р ғ а й д и. Еки: Пўлатнинг муомала... бетакаллуфлик оҳанги яққол сезиларди. Нодира ... ж и д и... Кўчадан бехос уни чақирган товуш ...илди. Содиқ қулоқларига ишонмай г а р а н г с и-д и.* Гапларнинг хабар мантиқига кўра бундай зич боғланиши матннинг семантик яхлитлигини таъминлайди.

# II ДАРАЖА НИСБАТЛАРИ

## 1. ЎЗЛИК НИСБАТИ

Ўзлик нисбати шакллари ўтимли феъллардан *-(и)н, -(и)л* қўшимчалари ёрдамида ясалади, бунда феъллардаги ўтимлилик ўтимсизликка айланади. Адабиётларда феълнинг ўзлик нисбатига ўтиши билан унинг семантикасида юз берадиган ўзгаришларни изоҳлаш, умуман, бош нисбат ва ўзлик нисбати шаклларини семантик ва грамматик маъноларга кўра фарқлаш, уларни бир-биридан чегаралаш қийинлиги тан олинади[65]. Шунинг учун бўлса керак, проф. А. Ҳожиев ўзлик нисбатининг асосий хусусияти объектли феълни объектсиз феълга айлантиришдан иборат[66] деб таъкидлайди. Ўзлик нисбати шаклларининг генезисини ўрганган М. Миртожиев: «Ўтимли туб феъллар ва ясама феълларда ўтимсизликни ифодалаш эҳтиёжи ўзлик нисбат формантини юзага келтирди... Ўтимсиз феълларда феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат объекти унинг агенси эканлиги каби ўзлик нисбати феълларида ҳам ҳаракат ёки ҳолат объекти унинг агенси бўлади»[67] деган фикрни билдиради. Муаллиф бу фикрини феъл нисбатлари бўйича ёзилган бошқа бир мақоласида янада аниқроқ ифодалайди: «Ўзлик нисбатининг функцияси феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат объектини агенсга ўтказиб кўрсатишдир[68]. Умуман олганда, бу фикр совет тилшунослигида феъл нисбатлари бўйича 70-йилларда юзага

---

[65] Ғ у л о м о в А. Ғ. Феъл Тошкент. 1954. 59—61-бетлар; Ф е р д а - ... С. Қайтим даража // Ҳозирги ўзбек адабий тили. I. Тошкент. 1966. 270-бет; Ҳ о ж и е в А. Феъл // Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. Тошкент. 1980. 328—334-бетлар; М и р т о ж и е в М. Ўтимлилик ва ўзлик нисбати // ЎТА. 1983. 2-сон, 34—36-бетлар.

[66] Ҳ о ж и е в А. Кўрсатилган асар, 330-бет.

[67] М и р т о ж и е в М. Кўрсатилган мақола // ЎТА. 1983, 2-сон. 36—37-бетлар.

[68] М и р т о ж и е в М. Мажҳул нисбат масаласи // ЎТА. 1985. ... сон. 32-бет.

келган қатор ишларда ҳам баён қилинган. Масалан С. Е. Яхонтов феъл ўзлик ва биргалик нисбатлари шаклларида қўлланганда объект ва субъектнинг шахси бир бўлишини кўрсатиб ўтади ва айни шу томондан ўзлик ва биргалик маънолари феъл нисбатларининг таърифига мос келишини баён қилади[69].

Назаримизда, бош нисбатга хос ўтимсизлик билан ўзлик нисбатига хос ўтимсизликнинг моҳияти қиймат эътибори билан айнан бир хил эмас, чунки бу ерда гап ўтимсиз феълларнинг ўзига хос табиий ўтимсизлиги билан ўтимли феълларнинг ўтимсизланиши (иккиламчи ўтимсизлик) ҳодисаларини фарқлаш зарурлиги устида кетяпти. Бош нисбатнинг ўтимли феъл билан тузилган диатезаларида предикатнинг субъект ва объектга муносабатини икки ёқлама чизиқда, яъни

П → С тарзида кўрсатдик.
↓
О

Ўтимли феъл ўзлик нисбати шаклига ўтгач, ҳосил бўлган янги вазиятда, яъни феълнинг ўтимсизланиши билан юзага келган янги вазиятда, объект йўқолиб, фақат П→С муносабати қолади. Бу эса ишни бажарувчи субъект (агенс баъзан пациенс)нинг мавқеини мустаҳкамлайди, вазиятдаги аҳамиятини кучайтиради. Демак, ўзлик нисбати предикатнинг фақат субъект билан муносабатини ифодалайди. Шунинг учун ҳам ўзлик нисбатидаги феъллар асосида юзага келган объектсиз вазиятда субъект (агенс ёки пациенс) ягона бошқарувчи куч — объектсиз ҳаракатни бажарувчи, объектсиз ҳолатни қарор топтирувчи сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўзлик нисбати шакллари бош нисбат шаклларидан, ўзлик нисбатига хос диатезалар эса ўтимли феъл билан тузилган бош нисбат диатезаларидан келиб чиқар экан, ўтимли феълнинг объекти, феъл ўтимсизлашгач, тузилмадан қандай чиқиб кетади? Бошқача айтганда, иккиламчи ўтимсизлик қандай ҳосил қилинади? Юқорида кўрсатилганидек, ўтимли феълли бош нисбатга хос содда гап намуналари асосан $СО_1П$ ва $СО_1О_2П$ тарзида тузилади. Буларнинг таркибидан $О_1$нинг олиниши қуйидагича кўринишларда намоён бўлади:

---

[69] Я х о н т о в С. Е. Формальное определение залога // Типология пассивных конструкций. Диатезы и залоги. Л., 1974. С. 50.

1) $СО_1П > СП$
2) $СО_1О_2П > СО_2П$

Объект актанти ижрочи актанти — эга билан бирлашмай, тўғридан-тўғри диатезадан чиқиб кетади. Бу ҳодисани *бур, еч, кер, кий, мақта, сўзла, сўк, тара, чоп, чимир, ўйла* феъллари қатнашган бош гап диатезаларининг ўзлик нисбати диатезаларига айланишида кузатишимиз мумкин. Мисоллар:

1. Бош н.: *Ғуломжон апил-тапил кийимларини кийди* (М. И.)

Ўзл.н.: *Ғуломжон апил-тапил к и й и н д и.*

2. Бош н.: *Турғунбой безорини сўкди.* Ўзл.н.: *Турғунбой сўкинди.*

3. Бош н.: *Мен нарвонни деворга суядим.* Ўзл.н.: *Мен деворга суяндим.*

Ўтимли феълнинг ўзлик нисбати шаклида қўлланиши объектнинг диатезадан чиқиб кетиши билан бирга ўтимлиликнинг йўқолишига ҳам сабаб бўляпти.

Каузатив муносабатни англатиб, субъект ҳам, объект ҳам шахсларни ифодаловчи бош нисбатга хос гапдан ўзлик нисбатига хос қуйидагича гапларни тузиш мумкин бўлади:

1. Бош н.: *Сафар одамларни четроққа сурди.* Ўзл.н.: [1] *Сафар четроққа с у р и л д и.* Бош нисбатга хос гапда Сафар қўзғатувчи сифатида қатнашган ва сурилиш ҳаракатини одамлар бажарган эди, энди бу ҳаракатни Сафарнинг ўзи бажаряпти, яъни ўз ҳаракатининг объекти ҳам Сафарнинг ўзи бўлади, $О_1$ ни ифодаловчи «одамлар» сўзи тузилмадан тушиб қолади.

[1] *одамлар четроққа сурилди*—одамлар Сафарнинг ҳаракати билан эмас, ўзлари ҳаракат қилиб сурилдилар. Бу ерда $О_1$ —«одамлар» субъект ўрнига ўтиб, субъектни билдирувчи «Сафар» сўзи тузилмадан чиқиб кетди.

2. Бош н.: *Тишченко Малоҳатни шоферлар курсига тайёрлабди.* (А. Қ.) диатезаси феъл ўзлик нисбати шаклига ўтгач, икки хил кўринишда ўзгариши мумкин: 1) *Тишченко шоферлар курсига т а й ё р л а н и б д и* ва 2) *Малоҳат шоферлар курсига т а й ё р л а н и б д и.* Биринчи ўзгаришда «Тишченко» энди каузатор эмас, балки ўзига қаратилган ҳаракатнинг ижрочисидир — бу ҳолатда субъект ва объект бир шахсга бирлашади, бош нисбатга хос гапдаги $О_1$ тушиб қолади. Иккинчи ўзгаришда эса асос гапга хос $О_1$ — «Малоҳат» ижрочи

мавқеига ўтади ва ўз ҳаракатининг объекти ҳам бўлад «Тишченко» сўзи билан ифодаланган аввалги субъе эса тузилмадан чиқади. Бош нисбатга хос, субъекти ҳа объекти ҳам шахсни билдирувчи каузатив гапларда ўзлик нисбатига хос гап қурилмаларининг тузилиш тилимизда тез-тез учрайди, чунки каузаллашни икки планлилиги[70], икки асосий актантнинг шахс ифодалаши бунинг учун қулай имконият яратади. Аг тузилмадаги объект ёки субъект жонсиз предмет ё мавҳум тушунчани ифодаласа, ўзгаришда субъе ёрдамида ўзлик нисбати тузилмалари ҳосил қилинма ди; объект ижрочи ўрнига ўтказилиб ўзгартирилган эса мажҳуллик нисбатига хос гап намунаси тузилад Мисоллар:

1. Бош н.: *Мен бутун ҳаётимни колхоз иши тикканман.*

   Ўзл.н.: ?

2. Бош н.:. *Она йўқолган пулни чемодандан топди.*

   Ўзл. н.: ?

3. Бош н.: *Бу ғазаб ўти жангчиларни ёвга қари ҳужумга ундади* (О.)

   Ўзл.н.: ?

4. Бош н.: *Пархомов картошкаларни қўрга кўмди.*

   Ўзл.н.: ?

II. Бош нисбатга хос феъл ўзлик нисбатига ўтг объект актанти ($O_1$) ижрочи мавқеига ўтади, аввал субъект тузилмадан чиқиб кетади. Уч актантли бо нисбат диатезаларидаги $O_2$ феъл ўзлик нисбати шакли ўтганда ўзгаришсиз қўлланаверади. Бу кўринишда ўзгариш *айир, бела, беза, бил, буз, бур, бурка, бўл, йиғ, кўтар, сез, сол, сўк, тўк, топ, туғ, уз, яшир, қай қийна, қўзға, қўш, тўпла* феъллари ўзлик нисба қўшимчалари билан қўлланганда кузатилади. Фе ларнинг валентлик имконияти намунанинг содда ё мураккаблашган турини белгилайди. Мисоллар:

1. Бош н.: *Тикувчи кўйлакнинг чокини с ў к и б д и.*

   Ўзл.н.: *Кўйлакнинг чоки с ў к и л и б д и.*

2. Бош н.: *Монтер симни у з д и.*

   Ўзл.н.: *Сим у з и л д и.*

3. Бош н.: *Учувчи самолётни ғарбга б у р д и.*

   Ўзл.н.: *Самолёт ғарбга б у р и л д и.*

4. Бош н.: *Командир Бўтабойни партизан ортяди ё з д и* (С. Аҳм.)

---

[70] К о р м у ш и н И. В. О грамматическом и лексическом в гольных каузативах // Тюркологический сборник. М., 1966. С. 71

Ўзл.н.: *Бўтабой партизан отрядига ё з и л д и.*

Бош нисбатга хос вазиятдаги субъектнинг чиқиб кетиши ўзлик нисбатига хос янги вазиятнинг юзага келиши билан боғлиқ. Аввалги вазиятда предметни ёки шахсни ифодаловчи объект ($O_1$) янги вазиятда ҳаракат ёки ҳолатнинг эгасига, яъни агенс (пациенс)га айланади. Ҳаракат янги эга мавқеидаги пациенс томонидан ўзича, бошқа таъсир кучисиз бажарилган: чок ўзича сўкилган, сим табиий тарзда ўзи узилган ва ҳ.к.

Бош нисбат тузилмасидаги субъект ва объект феъл ўзлик нисбати шаклига ўтгач, бир ижрочига бирлашади. Объект (II) актанти ўзгаришсиз қолади. Объект (I) нинг субъектга нисбатан «бутуннинг бўлаги» бўлиши, унга семантик-грамматик жиҳатдан қарашлилиги ҳам бунга имкон беради. Шунинг учун ўзлик нисбати тузилмасининг ифодасида $O_1$ акс этмаган бўлса ҳам, мазмунида унинг борлиги сезилиб туради. Мана шундай ҳолларда ижрочи ўз ҳаракатининг объекти ҳамдир деб айтиш мумкин. Мисоллар:

1. Бош н.: *Жасур доим ўзини м а қ т а й д и.*
   Ўзл.н.: *Жасур доим м а қ т а н а д и.*
2. Бош н.: *Жамила юз-қўлини сочиққа а р т д и.*
   Ўзл.н.: *Жамила сочиққа а р т и н д и.*
3. Бош н.: *Тоқатлига тоғлар э г а р бошини.*
   Ўзл.н.: *Тоқатлига тоғлар э г и л а р.*
4. Бош н.: *Йўлчи унга ўзини о т д и* (О.).
   Ўзл.н.: *Йўлчи унга о т и л д и.*

Бу мисолларда объект (I) субъект билан бирлашиб, ўзлик нисбатига хос тузилмаларда ижрочи мавқеида келаётган бўлса, субъектнинг объектни ифодаловчи сўз билан бирлашиб, аниқловчи-аниқланмиш муносабатидаги сўз бирикмасини ҳосил қилиши ва бу бирикманинг эгаси вазифасини бажариши ҳам мумкин. Юқорида кўрсатилган ҳолатдан фарқли равишда бирикманинг бош сўзи аввалги объект (I)ни ифодалагани учун бу ўринда моҳият эътибори билан $O_1$ нинг пациенс мавқеига ўтаётганини субъект ифодаси билан бирга қайд қилиш лозим. Бош нисбатга хос вазиятдаги субъект ижрочилик фаолиятидан кечиб, ўзлик нисбатига хос вазиятнинг эгаси бўлиб қолган объектнинг аниқловчисига айланади. Гапда мавзу аҳамиятидаги бажарувчиларнинг бундай яққол ўзгаришига шундай мисолларни келтириш мумкин:

1. Бош н.: *Дилбар қошларини ч и м и р д и.*
   Ўзл.н.: *Дилбарнинг қошлари ч и м и р и л д и.*

2. Бош н.: *Ботир гапни ч ў з д и.*
Ўзл.н.: *Ботирнинг гапи ч ў з и л д и.*
3. Бош н.: *Тўлин ой ёғдусини йўлларга, тоғларга с о ч а д и.*
Ўзл.н.: *Тўлин ой ёғдуси йўлларга, тоғларга с о ч и л а д и.*
4. Бош н.: *У иккала кўзини машина ойнасига қ а д а д и.*
Ўзл.н.: *Унинг иккала кўзи машина ойнасига қ а д а л д и.*

Бош нисбатга хос субъект ва объектнинг бундай бир ижрочига ёки амал эгасига бирлашиши йўли билан тузилмадан $O_1$ чиқарилиши *арт, бер, бурка, ёз, ёй, от, соч, ташла, тўк, чимир, эг, ўра, қада, юв, юм, юлқи* феъллари доирасида учрайди.

Юқоридаги тузилмалар орқали объект (I)нинг: 1) тузилмадан бевосита чиқиб кетиши, 2) объект (I)нинг ижрочи мавқеига ўтиши ва бош нисбат тузилмасидаги субъектнинг чиқиб кетиши, 3) бош нисбат тузилмасидаги субъект ва объект (I)нинг ўзлик нисбати тузилмасида бир агенс ёки пациенсга бирлашиши йўллари билан ифодаланишдан чиқиши тасвирланди. Демак, гап бош нисбатда икки актантли бўлса, I актантлига (СП) ва уч актантли бўлса, икки актантлига ($CO_2П$) айланади, барча ҳолатларда $O_1$ актанти қисқаради.

Феъл бош нисбатдан ўзлик нисбати шаклига ўтгач, тузилмада актантларнинг қисқариши юз бермай, субъект-объект ўринларидаги ўзгариш ҳисобига ҳам объект (I)нинг ифодаланмаслиги мумкин. Бундай қайта тузиш ҳам бир неча кўринишда юзага чиқади:

I. Воситасиз тўлдирувчи билан ифодаланган объект (I) воситали тўлдирувчи билан ифодаланган объект (II)га ўтади. Бу ўзгаришга *торт, турт, ўйла, ўра, боғла, койи* феълларининг ўзлик нисбатда қўлланишларидан мисоллар келтириш мумкин:
1. Бош н.: *Қизча рўмолини ў р а д и.*
Ўзл.н.: *Қизча рўмолига ў р а н д и.*
2. Бош н.: *Бобом ҳеч кимни к о й и м а й д и л а р.*
Ўзл.н.: *Бобом ҳеч кимдан к о й и н м а й д и л а р.*
3. Бош н.: *Полвон одамларни т у р т и б ў т д и* (Ж.Ш.)
Ўзл.н.: *Полвон одамларга т у р т и н и б ў т д и.*

II.
$C_1 \rightarrow O_2\downarrow$ $O_1 \rightarrow C_1\downarrow$ яъни $CO_1П > CO_2П$; $CO_1O_2П > CO_2П$.



Бош нисбатга хос тузилмалардаги субъект ва объектларнинг бундай ўрин алмашинишлари натижасида ўзлик нисбатига хос гапларнинг тузилиши кенг тарқалган. *Бил, бўғ, емир, ёлла, ёр, кўм, кўр, оч, сез, силки, суя, тўк, чайқа, эз, эшит, қийна, қовур, қўш, ирғала, чулға, юлқи, ўра, қопла* каби бир қатор феълларнинг бош нисбат шаклидан ўзлик нисбати шаклига ўтиши билан икки актантли ва уч актантли бош нисбат тузилмалари шу ҳолатларда ўзгара олади. Мисоллар:
1. Бош н.: *Тутун хонани қ о п л а д и.*
Ўзл.н.: *Хона тутун билан қ о п л а н д и.*
2. Бош н.: *Шабада гулларни беозор ч а й қ а й д и.*
Ўзл.н.: *Гуллар шабадада беозор ч а й қ а л а д и.*
3. Бош н.: *Онанинг юрагини ташвиш э з а р д и.*
Ўзл.н.: *Онанинг юраги ташвишдан э з и л а р д и.*
4. Бош н.: *Болалар Авазни тўпларига қ ў ш д и л а р.*
Ўзл.н.: *Аваз болаларнинг тўпига қ ў ш и л д и.*
5. Бош н.: *Йог илонни бўйнига ў р а д и.*
Ўзл.н.: *Илон йогнинг бўйнига ў р а л д и.*

Мисоллар шуни кўрсатадики, бош нисбатга хос субъект ва объект шахсни ёки ижрочи вазифасини бажара олувчи бошқа бирон тирик мавжудотни билдирувчи сўзлар билан ифодаланганда улардан ўзлик нисбатига хос тузилмани тузиш осон бўлади. Объект (I) жонсиз предметни ифодалаган ҳолларда гапни қайта тузиш мажҳуллик нисбатига хос тузилмани юзага келтиради. Масалан, юқоридаги мисолда «илон» сўзини «арқон» ёки «шарф» сўзлари билан алмаштирсак, қайта тузишда у шундай кўринишда бўлади: «Арқон (ёки шарф) йогнинг бўйнига ўралди». Арқон ёки шарф ўралиш ҳаракатини ўзича бажара олмайди, бу предметлар бундай имкониятга эга эмас. Демак, ўз-ўзидан «арқоннинг ёки шарфнинг бўйинга ўралиши» қандайдир номаълум субъект томонидан бажарилган, деган хулоса келиб чиқади. Бу маъно эса мажҳуллик нисбатига хосдир.

Уч актантли ўзлик нисбати диатезаларида субъект ва объект ўринлари ўзгаришининг яна қуйидагича кўринишлари бор:

1. $CO_1O_2П$ Бош.н.: *Бу манзара ёв дилида ғазаб қ ў з ғ а д и* (Э. Р.).
$C_3O_2CП$ Ўзл.н.: *Бу манзарадан ёв дилида ғазаб қ ў з ғ а л д и .*
2. $CO_2O_1П$ Бош н.: *У қоронғида кимларнидир т у р т д и .*

| | |
|---|---|
| $СО_2О_3П$ | Ўзл. н.: *У қоронғида кимларгадир туртинди.* |
| 3. $СО_3О_2О_1П$ | Бош н.: *Арслон шаклидаги ҳайкаллар оғзидан гулларга сув сочяпти.* |
| $О_3О_2СП$ | Ўзл. н.: *Арслон шаклидаги ҳайкалларнинг оғзидан гулларга сув сочиляпти.* |

Бош нисбатга хос диатезаларнинг ўзлик нисбати диатезаларига айлантирилиши асосан юқоридаги кўринишларда юзага келади. Лекин булардан ташқарида қоладиган ҳолатлар ҳам бор.

Бош нисбатга хос тузилмаларнинг ҳаммасидан ҳам ўзлик нисбатига хос гаплар тузилавермайди. «У ёки бу нисбат формаси кўп маъноли феълнинг барча маъноларида қўлланиши, яъни барча маъноларида нисбат формаси бўла олиши ёки унинг маълум маъноларидагина нисбат формаси бўла олиши мумкин»[71]. Бош нисбатдаги кўп маъноли феълларнинг айрим маъноларидан ўзлик нисбатига хос вазиятлар келиб чиқмаслиги мумкин ва бундай ҳолларда, табиийки, ўзлик нисбатига хос гаплар тузилмайди. Масалан: *тут, туй, ур, ил* феълларининг бош нисбат ва ўзлик нисбати шаклларига мувофиқ келувчи гаплар бир-бирига боғлиқ ҳолда тузилмайди.

Бош нисбатга хос *Она болани қўлидан тутди. У кулгидан ўзини тутди* гапларидан ўзлик нисбатига хос гапларни тузиб бўлмайди. Аксинча, *Собир овқат ейишга тутинди. У гапирганда тутилади* каби ўзлик нисбатига хос гапларга асос бўла оладиган бош нисбат тузилмаларини топиб бўлмайди.

*Ур* феълининг бош нисбат шакли билан *Салим ўзини урибди, Қиз ўзини уйга урибди. Пичоқни аввал ўзингга ур, Собир ўзини овқатга урди, Ғўзани дўл урди* каби қатор гапларни тузиш мумкин. Лекин бу гаплардан ўзлик нисбати тузилмаларини чиқариб бўлмайди. Аксинча, *Ботир зинадан юқорига кўтарилди. Балиқ тўрга илинди* каби ўзлик нисбатига хос гапларга асос бўлган бош нисбат тузилмалари йўқ[82]. Бу эса:

---

[71] Юсупхўжаева Ҳ. «Ўзбек тили изоҳли луғати»да феълларнинг ишланиши. Тошкент. 1988. 38-бет.

[72] Ҳолбуки, грамматик нисбат маъносининг борлиги ёки йўқлигини белгилашда бош ва иккиламчи нисбатларга хос конструкцияларнинг бирини биридан чиқариш муҳим. Бу ҳақда Нигматов Х. Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI—XII вв. Ташкент: Фан. 1989. С. 84.

1) феълларнинг бош нисбат шаклидан ўзлик нисбати шаклига ўтишлари изчил ҳодиса эмаслигини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, биз ўрганган 249 ўтимли феълдан 129 тасининг ўзлик нисбати шаклида қўллана олиши қайд этилди. *Айбла, бажар, гапир, енг, ёқ, иста, ич, камсит* каби бир қатор феъллар эса ўзлик нисбати шаклида нутқда қўлланмас экан.

2) ўзлик нисбати шаклида келиши қайд этилган феълларнинг ҳам ўзлик нисбати қўшимчаларини қабул қилиб, ўзлик маъносини ифодалаши шу феъл мазмунига хос ҳамма семалар учун бир хилдаги ҳодиса эмас. Феълнинг баъзи семаларидан ўзлик нисбати шакли, умуман, ясалмаслиги ҳам мумкин.

Ўзлик нисбати шакллари иккиламчи ўтимсизликни юзага келтирар экан, бу феълларнинг ўтимлилик ифодаловчи бош нисбат шакллари ҳам мавжуд бўлиши ва улар бош нисбатга хос тузилмаларда ифодаланиши зарур. Лекин ўзлик нисбатига хос айрим тузилмалар учрайдики, уларга асос бўлган бош нисбат тузилмасини топиб бўлмайди. Масалан, *оч* феъли билан бош нисбатда *чакагини очмоқ* ҳамда *чеҳрасини очмоқ* бирикмалари тузилади. Улар ўзлик нисбатига *Чакаги очилди* ва *Чеҳраси очилди* тарзида айлантирилаётганини тушуниш қийин эмас. Лекин *Ҳаво очилди, Гул очилди* каби ўзлик нисбати тузилмаларининг бош нисбатга хос қандай гаплардан келиб чиққанини белгилаш қийин. Шунингдек, *Ой кўтарилди, Шамол кўтарилди, Балиқ тўрга илинди* каби мисолларда ҳам феълларнинг ўзлик нисбати шаклида қўлланишлари мана шундай изоҳталаб вазиятларни келтириб чиқарган. Амал эгаси объектсиз ҳаракатни бажарувчи, шу асосдаги вазиятни юзага келтирувчидир. У ўз ҳаракатининг айни пайтда объекти ҳамдир. У предикатга муносабатида ўтимсиз феъл билан алоқага киришиши керак. Лекин вазиятдаги ҳаракатни ифодаловчи, шунга семантик муқобил келувчи сўз ўтимли феълдир. Натижада вазият тақозоси, амал эгаси талаби билан ўтимли феъл ўзлик нисбати қўшимчасини олиб ўтимсизлашади. Бу ҳолда субъект ва объект ўринларининг ҳеч қандай ўзгариши кузатилмайди, чунки объект (1)нинг ўзи аслида йўқ.

Ўзлик нисбати қўшимчалари баъзан ўтимсиз феълларга ҳам қўшилиб кела олади: *ажрал, бўшал, бўшан, ёғил, исин, оғрин, тарқал, чўмил, шошил, юмалан, ўзгарил, ўхшал, қаран* каби. Бу мисолларда ўзлик нисбати кўрсаткичи ўтимсиз феълларга

қўшилаётгани учун тузилмада ўзгариш юз бермайди. Феълнинг ўзлик нисбати шаклига ўтиши феъл семантикасида нозик маъно ўзгаришларини келтириб чиқариб, семантик фарқланишга хизмат қилади. Масалан: *ёғ* феъли табиат ҳодисаларини ифодалайди: *Қор ёғди* каби. Лекин субъектнинг онгли ҳаракати туфайли юзага чиқадиган вазият назарда тутилса, эга жонсиз предметни ифодаласа, тузилмада *ёғил* шакли қўлланади: *Ўқ ёғилди. Тош ёғилди. Мушт ёғилди.* Бу вазиятлардаги ҳаракатни табиий ҳодиса деб баҳолаб бўлмайди, у субъект фаолиятига хос. *Бўша* феъли озод бўлиш, банд этиб турган нарсадан холи бўлиш, қутулиш маъноларини ифодалайди. Бу феъл ўзлик нисбатига хос икки шаклда кела олади: *бўшал ва бўшан.* Нутқда учала шакл бир-биридан ўзгача нозик маъно фарқларини ифодалайди:

1. *Уй бўшади. Пўлат ишдан бўшади. 2. Бузоқ бўшалди. 3. Аёл дардини айтиб бўшанди.*

Юқорида баён қилинган фикрлар асосида шундай хулосаларга келиш мумкин:

1. Ўтимли феъл ўзлик нисбати шаклига ўтгач, феъл ўтимсизлашади.

2. Бу ўтимсизланиш иккиламчи ўтимсизланиш деб баҳоланиши керак, чунки у тузилмада бир неча хил ўзгаришни юзага келтиради, шу ўзгаришларнинг оқибати бўлади.

3. Бош нисбат тузилмаларининг ўзлик нисбати тузилмаларига айлантирилишида: 1) объект (I) актантининг қисқариши, 2) субъект ва объект мавқеларининг ўзгариши кузатилади.

4. Ўзлик нисбати шакллари ўтимсиз феъллардан ҳам феъл семантикасининг матнга (ифодаланаётган вазиятга) мувофиқлашуви талаби билан ясалиши мумкин.

## 2. БИРГАЛИК НИСБАТИ

Мавжуд адабиётларда феълнинг биргалик нисбати ҳақида баён қилинган фикрларнинг умумий, ўхшаш томонлари кўп. «Биргалик даража формаси ҳаракатнинг бир неча субъект ёки бирдан ортиқ шахс томонидан бажарилишини билдиради»[73]. Бу

---

[73] Ғуломов А. Ғ. Феъл. Тошкент. 1954. 64-бет; Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка.

таърифдан сўнг биргалик нисбати шакллари орқали ифодаланадиган асосий маънолар: биргалик-кўплик, ўзаро биргалик, кўмаклашиш, ишни галма-гал бажариш каби маънолар кўрсатилади. Биргалик нисбати кўрсаткичининг феълнинг ўтимли-ўтимсизлигига таъсир қилмаслиги унинг ўзига хос хусусияти сифатида таъкидланади.

Феълнинг биргалик нисбати шаклларини махсус ўрганиш натижалари бу қарашларга аниқлик киритишни талаб қилади. Биргалик нисбати шаклидаги феъллар ҳаракатни бажаришда бирдан ортиқ субъектнинг турлича иштирокини ва, айни пайтда, уларнинг ўзаро муносабатини билдиради. Субъектларнинг ҳаракатни бажаришдаги турлича иштироки ҳаракат объектининг ҳам ўзгариши билан боғлиқ тарзда намоён бўлади. Шу асосда биргалик нисбати шакллларининг маъно хусусиятлари белгиланади.

Одатда адабиётларда феълнинг биргалик нисбати шакллари кўрсаткичлари феълнинг ўтимли-ўтимсизлигига таъсир қилмаслиги уқтирилади[74]. Бироқ феълдаги нисбат категорияси грамматик категория сифатида субъект ва объектнинг муносабатини ифодалар экан, табиийки, биргалик нисбати шаклларида ҳам шу муносабат ўз аксини топиши, биргалик нисбати тузилмалари (диатезалари) бош нисбатга хос тузилмалардан (диатезалардан) субъект-объект муносабатига кўра фарқланиб туриши лозим. Шу жиҳатдан олганда, биргалик нисбатининг: 1) ўзаро биргалик ва 2) кўмаклашиш маъноларига эга эканлигини ҳамда уларда С — О$_1$ муносабати ўзига хос тарзда ифодаланишини таъкидлаш лозим. Буни шу маънолар ифодаланадиган диатезаларнинг тузилишини валентлик назарияси асосида текшириш орқали исботлаш асосли ва ишонтирарли бўлади, деб ўйлаймиз. Чунки валентлик тушунчаси луғавий бирликларнинг синтактик ва семантик хусусиятларини бир-бирига боғлаб ўрганишга имкон беради»[75]. Диатеза-

---

М. — Л., 1960. С. 461; Ҳ о ж и е в А. Феъл//Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент. 1975. 453-бет; Б а с к а к о в Н. А. Каракалпакский язык. II. Фонетика и морфология Ч. I. М., 1952. С.335; Ф е р д а у с С. Феъл. // Ҳозирги ўзбек адабий тили. I-том. Тошкент. 1966. 272-бет.

[74] Ғ у л о м о в А. Ғ. Кўрсатилган асар, 62-бет; Ҳ о ж и е в А. Феъл//Ҳозирги ўзбек адабий тили. I-қисм. Тошкент. 1980. 337-бет.

[75] Қ ў ч қ о р т о е в И. Валентлик ва семантик мослашув // ТошДУ илмий асарлари тўплами. 648-сон; Ўзбек тилшунослиги ва стилистикаси масалалари. Тошкент. 1980. 17-бет.

ларни валентлик нуқтаи назаридан текшириш биргалик нисбатининг биргалик-кўплик маъноси йўқлигини, бу маънони ифодаловчи *-(и)ш* қўшимчаси эса феълнинг III шахс кўплик шаклининг кўрсаткичи эканлигини (-лар қўшимчасига синоним сифатида) исботлади[76]. *Етди-етишди, тўлди-тўлишди, бурди-буришди*(юзлари), *тутди-туташди, илди-илашди, келди-келишди* (тили), *айланди-айланишди* каби ҳолатларда *-(и)ш* қўшимчасини баҳолаш юзасидан адабиётларда ҳар хил фикрлар мавжуд[77]. Булардаги *-(и)ш* қўшимчаси медиал маъно ифодалаш учун хизмат қилиши, медиаллик шаклларининг тобора фаоллашиб бораётгани Э. В. Севортян ишларида баён қилинган[78].

Ўзбек тилшунослигидаги феъл бўйича ишларда бу фикрга ҳозирча аниқ муносабат билдирилгани йўқ. Фақат Ҳ. Неъматовнинг туркий тилларнинг грамматик шакллари тарихи бўйича эълон қилинган ишларида «...медиал маъноли феъллар нисбат шаклларидан четга чиққан, лексиклашган феъллардир» деган фикр билдирилади[79]. Бу шаклдаги феъллар семантикасида бирдан ортиқ субъектнинг иштироки ва муносабати маъноси йўқлиги сабабли биз бу ўринда уларнинг биргалик нисбатига тааллуқли эмаслигини таъкидлаш билан кифояланамиз.

Демак, биргалик нисбати маънолари деганда ўзаро биргалик ва кўмаклашиш маънолари назарда тутилади.

1. *Ўзаро биргалик маъноси.* Биргалик нисбатининг ўзаро биргалик маъноси ҳаракат икки ёки ундан ортик субъектлар доирасида, шу доирадан ташқарига чиқмаган ҳолда бажарилишини кўрсатади. Демак, бу ҳолатда субъектлар маълум даражада ҳаракатнинг, аниқроғи, шу ҳаракатнинг бошқа

---

[76] Раҳматуллаев Ш. У. Феъл фразеологик бирликларда объект категорияси//Научные труды ТашГУ. Вып. 268. Ташкент. 1964. С. 164; Аъламова М. Т. Феълнинг биргалик даражаси//Ўзбек тили ва адабиёти. 1979. 5-сон. 28—32-бетлар.

[88] Ғуломов А. Ғ. Феъл. Тошкент. 1954. 61-бет; Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.— Л., 1960. С. 189; Султансаидова С. Возвратный и страдательный залоги в узбекском языке. АКД. Ташкент. 1978. С. 11.

[78] Севортян Э. В. О некоторых вопросах тюркской лексикографии//Лексикографический сборник. Вып. III М., 1958. С. 119—124; Аффиксы глаголообразования в азербайджанском языке. М., 1962. С. 93—96.

[79] Неъматов Ҳ. Ғ. Феъл нисбатларининг муносабати ҳақида//«Ўзбек тили ва адабиёти» журнали. 1970. 3-сон, 38 бет.

субъект томонидан бажариладиган қисмининг объекти ҳам бўлади. Шу сабабли биргалик нисбатининг бу маъноси ўзлик нисбатининг маъносига якинлашади[80].

Ўзаро биргалик маъноси аксарият ҳолларда ўтимли феъллардан ҳосил қилинади ва улар ўтимсизлашади. Ўзаро биргалик маъноси ҳар қандай семантикали феъл лексемада эмас, бир неча субъектнинг ўзаро ҳаракатини ифодалаш имконияти бўлган мазмундаги феълларда юзага чиқади. Шунинг учун ўзаро биргалик маъноси *тани, кўр-, айт-, ол-, сўра-, сўзла-, сев-, қувла-, топ-, ушла-, етакла-* каби ўтимли феъл лексемалар билан бир қаторда бўлган *учра-, ажра-* каби ўтимсиз феъл лексемаларнинг биргалик нисбати шаклларидан хам англашилади. Бунда ўтимсизлик хусусияти сақланади. Мисоллар: *Эрназар Мавлон сариқ билан қуюқ сўрашди (Т. Қ.). У эртасига эрталаб яна Вика билан учрашди (Мирм.).*

Биринчи мисолни *сўра-* феълининг бош нисбат шакли асосида ўзгартирсак, *Эрназар Мавлон сариқдан ҳол-аҳволини сўради* каби кўринишда бўлади. Бу диатезада ижрочи, манба, мазмун валентликларининг қатнашиши *сўра* феъл лексемасининг талаби билан юзага келади. Феъл ўтимлилиги сабабли мазмун валентлигини ифодалаётган тўғри тўлдирувчи (*ҳол — аҳволини)* билан бевосита муносабатга киришади. *Сўра* феъли *сўрашди* шаклига ўтганда эса гапнинг шакли ҳам биргалик нисбатига хос тарзда ўзгаради: *Эрназар Мавлон сариқ билан қуюқ сўрашди. Сўрашди* феъли ўтимсиз, тузилмада ҳам шу сабабли мазмун валентлиги йўқолади,субъектлар миқдори асосан иккита бўлади: бу мисолимизда *Эрназар* ва *Мавлон сариқ*. Бош нисбат тузилмасида хабарловчи манба валентлигини англатган *Мавлон сариқ* кейинги тузилмада ижрочиларнинг бири сифатида қайд қилинади. Бошқа ўтимли феълли тузилмаларда манба валентлиги бўлмаслиги ҳам мумкин, чунки у феълнинг луғавий мазмуни билан боғлиқ холда кўринадиган ҳодиса. «Феълнинг табиати,— деб ёзади, У Чейф,— гапнинг таркиби характерини белгилайди, чунки у феълга қандай отлар ҳамрох бўлишини, бу отларнинг феълга муносабати қандай бўлишини ва семантик типоло-

---

[80] Ғуломов А. Ғ. Кўрсатилган асар, 62-бет.

гиясини белгилаб беради. Фараз қилайлик, феъл ў табиатига кўра ҳаракатни (акт) ифодалайди... Бунда феъл от билан боғланишини, бу от унга нисбата агенс бўлишини, у жонли мавжудотлар, балк антропонимлар тўдасига мансублигини олдинда белгилаб беради»[81]. Демак, ўтимли феълларнин объект валентлиги барқарор дейиш мумкин, бошқ валентликлар эса феъл семантикаси ва нутқ вазият талабига кўра ифодаланади.

Шундай қилиб, *Эрназар Мавлон сариқ билан қуюқ с ў р а ш д и* мисолимизда ўтимли феълнин биргалик нисбати шаклига ўтиши билан рўй беради ган ўзгаришларни куйидагича кўрсатиш мумкин:

1. Ўтимли феъл ўтимсизга айланади: *сўради* (ким? нимани?), *сўрашди* (ким билан?).

2. Объектни ифодаловчи тўғри тўлдирувчи актанти тузилмадан чиқади.

3. Субъектлар миқдори асосан иккита ёки икки гуруҳ бўлади.

4. Ҳаракатни бажаришда субъектларнинг иштироки тенг ҳуқуқли, шунинг учун юқоридаги тузилмани *Эрназар билан Мавлон сариқ ўзаро қуюқ сўрашишди* тузилмасига хабар қийматига кўра тенг деб қараш мумкин. Лекин нутқда *Эрназар* тема компонентини, *Мавлон сариқ* эса унга нисбатан рема компонентини ифодалаб, қарама-қарши муносабатни ташкил қилади. Предикат ҳам шунга мос равишда асосий ижрочи — Эрназарнинг — ҳаракат фаолиятини ифодалайди. Буни тўлиқ ифодалаш учун тузилма таркибида *от+билан* тарзида ифодаланадиган иккинчи субъект(лар) — бу мисолимизда Мавлон сариқ — қатнашади. Асосий ижрочи ($C_1$) валентлиги гапда эга билан, иккинчи ижрочи валентлиги ($C_2$) эса воситали тўлдирувчи билан ифодаланган: $C_1 = C_2 = П$.

5. Ҳаракат субъектлар доирасидан чиқмай, бирининг ҳаракати иккинчисига қаратилгани учун $C_1 \leftrightarrows C_2 \times C_1$ $C_2$ ҳаракатининг объектидир ($O_2$) ва, аксинча, $C_2$ $C_1$ ҳаракатининг объекти ($O_1$) бўлади. Бу муносабатни шундай ифодалаш мумкин,

$C_1 = O_2$

$C_2 = O_1$

---

[81] *Қаранг:* Москальская О. И. Проблемы семантического моделирования в синтаксисе//ВЯ. 1973. № 6. С. 38.

Баъзан гап шакли таркибида иккинчи ижрочини ифодаловчи бўлак тушиб қолиши мумкин. Бироқ биргалик нисбати шакли таркибидаги *-(и)ш* қўшимчасининг субъектларнинг туташ муносабатини кўрсатиб туриши иккинчи ижрочининг яширин ифодаланиши имкониятини яратади: *Нури ўрнидан қўзғалмасдан совуққина с ў р а ш д и* (О.).

*У эртасига эрталаб Вика билан у ч р а ш д и* мисолида биргалик нисбати шаклига кўра бу тузилма ўтимли феъл асосида тузилган қурилмадан фарқланмайди: $С_1$—$С_2$—П. Субъектларнинг муносабатида ҳам фарқ сезилмайди: $С_1 = О_2$; $С_2 = О_1$. Лекин кейинги қурилма ўтимли феъл асосида қурилган тузилмадан бош нисбат шаклли тузилмага яқинлиги билан фарқланиб туради. Мисолимизни бош нисбат шакли асосида қурсак, у шундай кўринишга эга бўлади: *У эртасига эрталаб Викага у ч р а д и*. Кўринадики, бу тузилма актантлари бошқача характерда: *учради* феъли агенс (у), адресат (Вика) валентликларини бириктиряпти. Предикатдан ифодаланган ҳаракат олувчига йўналтирилган, ижрочи айни пайтда жўнатувчи вазифасини ҳам бажаради. *Учради* феъли биргалик нисбати кўрсаткичи билан қўлланганда эса ҳаракатдаги бир ёқлама йўналиш энди икки ёқлама йўналишга ўтади, у асосий ижрочи ($С_1$) ва иккинчи ижрочи ($С_2$) ўртасида кечади. Олувчи валентлиги иккинчи ижрочи валентлигига ўтади. Бироқ нутқда айрим ҳолларда биргалик нисбати шаклининг бош нисбат шакли каби қўлланиши, яъни иккинчи ижрочи ўрнида олувчи валентлиги келиши ҳоллари ҳам учраб туради: *У эртасига эрталаб Викага у ч р а ш д и* каби. Бу хил қўлланишлар натижасида айрим нисбат шаклларида нисбат қўшимчаси маъносининг хиралашиши — десемантизацияга учраши ва нисбат шаклининг сўзга айланиши кузатилади[82]. Умуман, биргалик нисбатининг ўзаро биргалик маъноси ифодаланганда феъл лексема семантикасида сезиларли даражада ўзгариш юз бериши: маъно доираси кенгайиши ёки торайиши, янги семемалар келиб чиқиши типик ҳол сифатида баҳоланиши мумкин. Мисоллар: *топди-топишди, сўради — сўрашди, кўрди — кўришди,*

---

[82] Ю с у п х ў ж а е в а Ҳ. Тенг маъноли бош ва ясама нисбат формаларининг. Изоҳли луғатда берилиши//«Ўзбек тили ва адабиёти» журнали. 1984. 5-сон. 57—58-бетлар.

*айтди — айтишди, олди — олишди, таниди — танишди* ва ш.к. *-(и)ш* қўшимчали кўплик шакли ва биргалик нисбатининг кўмаклашиш маъносида бундай лексиклашишга мойиллик кузатилмайди.

*2. Биргалик нисбатининг кўмаклашиш маъноси.* Бу маъно ифодаланганда ҳам ишни бажаришда бир неча субъектнинг иштирок этганлиги англашилади, бироқ ўзаро биргалик маъносидан фарқли равишда субъектларнинг ҳаракатни бажаришдаги роли бир хил бўлмайди: ишни асосий бажарувчи ($C_1$) жўналиш келишигидаги тўлдирувчи билан, унга ёрдамлашувчи шахс ($C_2$) эга билан ифодаланади: *Эрназар овқатдан кейин уларга тош чопишди* (Т.Қ.) Гапни бош нисбат шакли асосида қайта қурсак *Эрназар овқатдан кейин тош чопди* кўринишини олади. Бу тузилмада феъл предикат ижрочи (Эрназар), объект (тош) валентликларини бириктиради. *Чоп*-феъл лексемаси ўтимли бўлгани сабабли тузилмада объект валентининг қатнашиши қонуний ҳол. Кўмаклашиш маъносидаги биргалик нисбати шакли фаол жисмоний ҳаракат ифодаловчи *тер-, ҳайда-, куйла-, юв-, таши-, ур-, қур-, аррала-, ёз*-каби ўтимли феъл лексемалардан ясалади ва бунда феъл ўтимлилик хусусиятини саклайди, уни шу маъно асосида қурилган синтактик тузилмаларда объект актантининг барқарорлиги, унинг одатда очиқ, баъзан ишора билан ифодаланиши исботлайди. Демак, юқоридаги мисолимизнинг бош нисбат ва кўмаклашиш маъносидаги биргалик нисбати шакллари билан тузилган кўринишларини қиёсласак, Эрназар ($C_1$), тош ($O_1$), чопди (П)→Эрназар ($C_1$), уларга ($C_2$), тош ($O_1$), чопишди (П). Улар орасидаги фарқни қуйидагича кўрсатиш мумкин бўлади:

1. Биргалик нисбати кўрсаткичи тузилма таркибида қатнашувчи субъектларнинг бирдан ортиклигини (иккита ёки икки гурух) белгилайди. Бу мисолда субъектлар: *Эрназар* ва *улар.* Олмош ўрнида бошқа ҳар қандай шахс билдирувчи сўзни қўйиш мумкин.

2. Кўмаклашиш маъноси ҳаракатнинг бир ёқлама йўналишини — объектга қаратилганини ўзгартирмайди. Фарқ шундаки, бош нисбат шаклли тузилмада ҳаракат $C_1 \rightarrow O_1$ йўналишида бўлса, кўмаклашиш шаклидаги тузилмада ҳаракатнинг йўналиши ўзгармай, субъектлар миқдори ортади ва улар орасидаги муносабат ҳам ўзига хос бўлади, яъни $C_2 + C_1 \rightarrow O$.

3. Бу хил тузилмаларда ижрочи актанти энди

асосий субъектни эмас, ёрдамчи субъектни ифодалайди, вазиятнинг асосий субъекти эса иккинчи ижрочи актанти орқали берилади. Демак, ижрочи $\approx C_2$, иккинчи ижрочи $\approx C_1$ вазияти юзага келади. Бу ҳол унинг семантик ва тузилишга кўра турлари ҳамма вақт ҳам бир-бирига мос келавермаслигини яна бир бор исботлайди[83].

Биргалик нисбатининг кўмаклашиш маъноси ўтимсиз феъл лексемалардан ҳосил бўлмайди, чунки ўтимсиз феълларнинг объектсизлик хусусияти ўтимли феъл предикат бошқарадиган объектли тузилмани ташкил қилиш имкониятини бермайди.

Ўзбек тилида ёрдам бериш маъносини махсус билдирадиган *-(и)ш* қўшимчали *боқишмоқ, қарашмоқ* ва *-лаш* қўшимчали *кўмаклашмоқ, ёрдамлашмоқ* феъллари бор. Бу феълларда кўмаклашиш маъноси уларнинг ўз луғавий маъносига айланган.

Юқорида айтилганлардан шундай хулосалар чиқариш мумкин:

1. Феълнинг биргалик нисбати ўзаро биргалик ва кўмаклашиш маъноларига эга.

2. Ўзаро биргалик маъноси ифодаланганда вазиятда субъектлар тенг ҳуқуқли тарзда иштирок этса ҳам ифода жиҳатидан бир-биридан фарқланади: $C_1$ эга, $C_2$ воситали тўлдирувчи (от+билан, олмош+билан) синтактик мавқеларида реаллашади.

3. Ўзаро биргалик маъносини ифодалаган ҳаракат субъектлар доирасидан чиқмай, икки ёқлама йўналишда бўлади: $C_1 \leftrightarrows C_2$. Шунинг учун субъектлар айни пайтда бир-бирининг ҳаракати учун объект ҳам бўладилар: $C_1 = O_2$, $C_2 = O_1$. Объект валентлигининг бу вазиятда бўлмаслиги ўтимли феълнинг ўтимсизлашишига сабаб бўлади.

4. Кўмаклашиш маъносидаги биргалик нисбати шаклидаги тузилмаларида ҳаракатни бажаришда субъектларнинг роли бир хил бўлмайди. Улар асосий бажарувчи ($C_1$) ва ёрдамчи бажарувчини ($C_2$) ифодаловчи актантлардир. Лекин ифода жиҳатидан ижрочи $\approx C_2$, иккинчи ижрочи $\approx C_1$.

5. Кўмаклашиш маъносида қайд қилинган ҳаракат бир ёқлама йўналишда, яъни объектга қаратилган бўлади: $C_2 + C_1 \rightarrow O$. Объект валентлигининг мавжудлиги сабабли кўмаклашиш маъносидаги биргалик

[83] Москальская О. И. Проблемы семантического моделирования в синтаксисе//ВЯ. 1973. № 6. С.33—34.

нисбати шакли фақат ўтимли феъллардан ясалади ва бунда ўтимлилик хусусияти сақланади.

### 3. ОРТТИРМА (КАУЗАТИВ) НИСБАТ

Орттирма нисбат бошқа нисбатлар орасида кўрсаткичларга бойлиги билан ажралиб туради. Орттирма нисбат шаклларини ясовчилар қуйидагилардир:

1. *-т: ажрат, сайрат, тўлат, учрат, айнит, тинчит, қисқарт.*

*2. -тир, / -дир: келтир, ўстир, бостир, ёқтир, олдир, қолдир, кулдир, синдир.*

*3. -ғаз/ -ғиз / -гиз;/-каз/-қиз/ -қаз: турғаз, юрғиз, ўтказ, ётқиз, битказ, кийгиз, егиз, ютқаз, етказ.*

*4. -ир: кўчир, учир, ошир, тошир, ўчир.*

*5. -из: томиз, оқиз, эмиз, боқиз.*

*6. -ар: чиқар, қайтар* *.

Орттирма нисбат шакллари бош нисбатнинг ўтимли феъл лексемали (транзитив) шаклларидан ҳам, ўтимсиз феъл лексемали (нотранзитив) шаклларидан ҳам ясалади.

Орттирма нисбат шаклларининг ўзига хос маъно хусусияти ўзбек тилшунослигида ўтимсиз феълларни ўтимлилаштириш ва ўтимли феълларда қўш ўтимлиликни юзага келтириш[84], ўтимсиз феълни ўтимлига айлантириш ва ўтимлидан яна янги ўтимли феъл ҳосил қилиш деб изоҳланади[85]. Проф. А. Ғ. Ғуломовнинг сўзлари билан айтганда: «Феъл орттирма даражага ўтиши билан аввалги фикр материали кенгайиб, орага бирор предмет ёки шахс қўшилади. Масалан: *Бола ухлади.— Бола укасини ухлатди. У овқат еди.— У укасига овқат едирди»*[86]. Ўзбек тилида феъл нисбатларини (даражаларини) махсус ўрганган С. Фердаус бу нисбатни «Қўзғатиш даража» термини билан атайди ва бу даража ёрдамида феъл орқали ифодаланган «ҳаракатни бажариш учун субъектни қўзғатиш, мажбур қилиш каби маънолар ифодаланади»[78] деб кўрсатади.

---

* Орттирма нисбат кўрсаткичларининг феъл лексемага қўшилишларидаги фонетик шарт-шароитлар адабиётларда ёритилгани учун тўхтаб ўтирмадик.

[84] Раҳматуллаев Ш. У. Феъл фразеологик бирликларда объект категорияси//ТошДУ илмий асарлари тўплами. 268-сон. Тошкент. 1964. 166-бет.

[86] Ғуломов А. Ғ. Феъл, 1954. 63-бет.

[87] Ўша асар, ўша бет.

[87] Фердаус С. Феъл. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-том. Тошкент: Фан. 1966. 271—272-бетлар.

Проф. А. Ҳожиев орттирма нисбатнинг ўзига хос хусусиятини шундай изоҳлайди: «Орттирма даража формаси ясалиши билан ҳаракат бажарувчиси, яъни грамматик субъект эмас, балки ҳаракат объекти ортади, агар бундай объект бўлмаса, у юзага келади: *кийди — кийгизди, келди — келтирди*»[88].

Кейинги йилларда орттирма нисбат шакллари каузативлик билан боғлаб ўрганилмоқда. С. Маҳматқуловнинг орттирма нисбат махсус ўрганилган номзодлик диссертациясида бу нисбат шаклларининг ясалиш жараёнида каузаллаш маъноси ва у билан боғлиқ тарзда каузалловчи субъект тушунчаси пайдо бўлишига аҳамият берилади. Бундай субъектнинг тузилмада пайд этилиши унда семантик-синтактик ўзгаришларни келтириб чиқаради[89]. Орттирма нисбат шакллари морфологик каузатив шакллари сифатида ўзбек тилшунослигида кейинги йилларда эълон қилинган монографик тадқиқотларда ҳам талқин этилган.[90] Орттирма нисбатни каузатив нисбат деб таърифлаш тарафдорлари совет тилшунослари орасида ҳам бор[91-92]. Француз тилида модаллик ва каузативликнинг ифодаланишини текширган Е. Е. Корди эса А. А. Холодовичнинг нисбатга «Нисбат феълда грамматик маркерланган диатезадир» деб берган таърифига асосланиб, француз тилида бу таърифга фақат актив // пассив жавоб бера олишини, демак, каузатив нисбатнинг алоҳида мустақил категория эканлигини таъкидлайди[93]. Шу билан бирга, «Туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида нисбат категориясини ўрганишдаги бош тусиқ деб бошқа қурилишли тилларни ўрганишда

---

[88] Ҳожиев А. Феъл. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. Тошкент: Ўқитувчи. 1980. 333-бет.

[89] Махматкулов С. Побудительный залог в современном узбекском языке. АКД. Ташкент. 1980. С. 15—16.

[90] Маҳмудов Н. М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. Тошкент. 1984. 26—27-бетлар; Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. Тошкент. 1989. 120—130-бетлар.

[91] Корди Е. Е. Модальные и каузативные глаголы в современном французском языке. Л., Наука. 1988. С. 24.

[92] *Қаранг:* Типология каузативных конструкций. Морфологический каузатив. Л., 1969; Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. М., 1966. С. 194; Шунингдек, ўзбек тилшуноси С. Фердаус ҳам кандидатлик диссертациясида (1953 йил) бу нисбатни «Қўзғатиш даража» деб номлаган.

[93] Корди Е. Е Модальные и каузативные глаголы в современном французском языке. Л., 1988. С. 24.

нисбатлар ҳақида олинган тушунчаларни туркий тилларга татбиқ қилишни кўрсатиш лозим. Бошқа тилларнинг грамматик схемаларидан олинган мавжудлик ва мажҳуллик, активлик ва пассивлик, медиаллик ва бошқалар тўғрисидаги тасаввурлар туркий тилларда феълларнинг таҳлилида тасдиқланган ҳоллардагина маъно касб этади[94].

Ўзбек тилшунослигида каузатив ҳозирча махсус текшириш объекти бўлгани йўқ. Орттирма нисбат қўшимчаларининг морфологик каузатив воситалари сифатида ўрганилиши тилшуносликнинг бошқа муҳим масалаларини текшириш жиҳатидан амалга оширилган. Морфологик каузативни содда гапларда семантик-синтактик номутаносибликнинг юзага келиши билан боғлаб ўрганган Н. Маҳмудов орттирма нисбат ва морфологик каузатив муносабати тўғрисида: «Каузатив форманинг инвариант мазмуни билан орттирма нисбатнинг семантикаси, асосан, бир хил эканлигини англаш қийин эмас. Чунки каузатив форманинг инвариант мазмуни орттирма нисбатдаги каби шундан иборатки, субъект ҳаракатни бевосита эмас, балки алоҳида семантик субъект орқали бажаради»[95] деган фикрни билдиради. Ўзбек тилидаги ҳолат феълларининг валентлик хусусиятларини тадқиқ этган Р. Расулов бу тўғрида: «Каузатив муносабатнинг аффиксал юзага келишида феълнинг орттирма нисбат формантлари асосий саналади... Орттирма нисбат аффиксининг ўтимсиз ҳолат феълларига қўшилиши феъл маъносида сабаб-натижа муносабатини, «каузация» семасини юзага келтиради. Феъл орттирма нисбат формасининг ясалиши билан каузация воситаси (агенси) ҳосил бўлади»[96] деб тушунча беради.

Каузатив ҳам нисбат категорияси каби феълларнинг ўтимлилик // ўтимсизлик хусусиятига асосланади: ўтимсиз феъллар нокаузатив бўлса, ўтимли феъллар каузаллаш учун кулай заминдир. Шунинг учун адабиётларда каузативни кенг маънода тушуниб, уни ўтимлилик билан тенглаштириш фикри ҳам мавжуд[97]. Лекин бош нисбатдаги ўтимли феълларни

[94] Иванов С. Н. Родословное древо Абу-л.-Гази-хана. С. 117.
[95] Махмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. 27-бет.
[96] Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. 120—121-бетлар.
[97] *Қаранг:* Корди Е. Е. Модальные и каузативные глаголы в современном французском языке. С. 22—23.

оирасига каузатив феъллар доирасига киритиб бўлмайди. Ўтимлилик каузатив муносабатнинг ифодаланиши учун қулай шароитдир. Нисбат ва каузативлик муносабатига келсак, нисбат, юқорида айтганимиздек, субъект, объект ва предикатнинг ўзаро турли муносабати бўлиб, ҳар қайси муносабат тури муайян нисбатда шу нисбатга хос кўрсаткичнинг феъл сўзшаклда қайд этилиши билан ифодаланади. Орттирма нисбатда ҳам бош нисбатдан фарқли равишда субъект, объект ва предикатнинг ўзига хос муносабати юзага келади. Бу муносабатда каузаллаш ҳаракати етакчи ўринни эгаллайди. «Каузатив ситуацияни каузаллаш ёки сабаблантириш муносабати билан ўзаро боғланган камида икки микросистема бевосита ташкил этар экан[98], *Мен уни бекатда роса кутдим* гапида предикат ўтимли феъл билан ифодаланган бўлса ҳам, каузаллашиш ҳолати йўқ. Демак, ижрочи (мен)нинг фаолияти — кутиши пациенс (у) ҳолатига таъсир этмади, унинг ҳолатини ўзгартирмади. Бинобарин, ўтимли феъл тузган бу гапда каузатив муносабат ҳам юзага келмади. Каузативлик семантикасига, шунингдек, *имла-, иста-, кез-, маъқулла-, пайқа-, тани-, тинчла-, тушун-, уқ-, хушла, эшит-, эсла-, қидир-, изла-, қисла-, қозон-* каби ўтимли феъллар ҳам эга бўлмайди: бу феъллар объектга (ёки пациенсга) йўналтирилган, лекин унга таъсир этмайдиган ҳаракат семантикасига эга. Каузатив вазият учун: 1) тушум келишигидаги тўлдирувчи билан ифодаланган объект (ёки пациенс); 2) эга вазифасидаги от ёки отлашган сўз билан ифодаланган каузалловчи субъект; 3) ўтимли феъл билан ифодаланган предикат зарур. Лекин ўтимли феълдан англашиладиган ҳаракат таъсирчан, фаол ҳаракат бўлиши, бу ҳаракатни амалга оширувчи субъект объектга (пациенсга) таъсир этиб, унинг ҳолатини ўзгартириши, яъни каузаллаш кучига эга бўлиши лозим. Шундагина каузатив вазият юзага келади. Каузалловчи субъект (у ижрочи ёки буюм-ҳодиса бўлиши мумкин)нинг фаолияти сабабли (I пропозиция — митти тузилма) объект ёки пациенснинг ҳолатида турли ўзгаришлар қайд этилади (натижа, уни II пропозиция — митти тузилма — ифодалайди). Масалан: *Дилдора мени бекатда роса куттирди*

[98] Недялков В. П., Сильницкий Г. Г. Типология морфологического и лексического каузативов//Типология каузативных конструкций. Морфологический каузатив. Л., 1969. С. 6.

гапида икки амал ифодаланган: ижрочи (Дилдора)нинг кечикиши ёки келмаганлиги — сабаб амали ва менинг (пациенснинг) бекатда уни кутишим, кутишга мажбур бўлишим — натижа.

Орттирма нисбат шакллари ифодалайдиган вазиятларда каузатив муносабатнинг юзага келиши, каузаллаш даражаси кучли ёки кучсиз бўлиши, у мажбур қилиш, тазйиқ ўтказишдан тортиб пациенснинг ўз ихтиёрича ҳаракат қилишига тўсиқ бўлмаслик, шунга имконият яратиш доирасида ифодаланиши мумкин. Шунга кўра адабиётларда каузативнинг фактитив (кучли) ва пермиссив (кучсиз) типлари ажратилади[99]. Лекин, масалан, француз тилида фактитив каузативнинг ва пермиссив каузативнинг тилда ўз ифодаловчи маркерлари бор. Фактитив ва пермиссив каузатив реаллашадиган конструкциялар ҳам синтактик тузилишига кўра бир-биридан кўп ҳолларда фаркланади[100]. Ўзбек тилида орттирма нисбат шакллари фактитив каузатив вазиятни ҳам, пермиссив каузатив вазиятни ҳам бир хилда ифодалайди. Шунинг учун ўзбек тилида орттирма нисбатга хос тузилмаларда каузатив вазиятнинг кучли, яққол ифодасини ва каузатив вазиятнинг кучсиз, заиф ифодасини ажратиш етарли. Масалан: *Ўқитувчи ўқувчиларга имтиҳон билетларини ёздирди* — фактитив, яъни кучли каузатив. *Директор Комилани эпчиллиги учун оқчорлоққа ўхшатар эди* — (Ас. М.) пермиссив, яъни кучсиз каузатив.

Каузатив вазиятлар каузалловчи субъектнинг объектга (ёки пациенсга) таъсири тўғридан-тўғри, бевосита ёки воситали бўлишига кўра контакт каузатив ва дистант каузатив деб ажратилади. Контакт каузаллашга ўтимсиз феъллардан ясалган орттирма нисбат шакллари орқали ифодаланадиган каузатив, дистант каузаллашга ўтимли феъллардан ясалган орттирма нисбат шакллари орқали ифодаланадиган каузатив ажратилади[101]: Мисоллар: *Аброр машинани юрғизди.* (П. Қ.) — контакт каузатив. *Раис бригадирларга одамларни йиғдирди* —(Ас. М.) — дистант каузатив. Дистант каузативда каузалловчи ижрочи ҳаракатни ўзи бажармай, бош нисбатга хос вазиятда ижрочи ва-

---

[99] *Қаранг:* Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. 30-бет.

[100] Корди Е. Е. Модальные и каузативные глаголы в современном французском языке. С. 109.

[101] *Қаранг:* Маҳмудов Н. М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. 40-бет.

лентлигини юзага чиқарувчи, орттирма нисбат тузилмасида жўналиш келишигидаги воситали тўлдирувчи мавқеида келувчи сўз орқали ифодаланган субъектга бажартиради. Бундай тузилмалар уч жиҳатни кўзда тутади: 1) объектнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши; 2) шу ҳаракатнинг бош нисбат субъекти томонидан бажарилиши; 3) каузалловчи субъектнинг таъсир ўтказиши. Лекин бу бош нисбатга хос вазиятнинг эгаси шахсни ёки онгли ҳаракатга қодир жонли мавжудотни ифодалагандагина мумкин. Орттирма нисбат ўтимли феъллардан ясалганда жўналиш келишигидаги воситали тўлдирувчи жонсиз предметни ифодаласа, у тузилмада оддий омил актантини ифодалайди, холос. Бунда каузаллаш кучи ҳам заифлашади: *Чол одамларни кўриб, болтасини белбоғига қистирди.*

Орттирма нисбат шакллари каузативлик ифодаланган тузилмалар бош нисбат тузилмаларидан бир валентликнинг — каузалловчи субъект валентлигининг ортиқлиги билан фарқ қилиши адабиётларда қайд этилади[102]. Лекин бу орттирма нисбат тузилмалари учун мутлақ умумий хусусият эмас. Бош нисбатга хос тузилмалардаги воситали тўлдирувчи билан ифодаланган омил актантлардан бири, масалан, сабаб валентлигини кўрсатувчи актант каузалловчи субъект мавқеига ўтиши, субъект актантини ифодаловчи сўз тўғри тўлдирувчи мавқеига кўчиши ҳам учраб туради[103]. Мисоллар:

1. Бош н.: *Унинг шўх кулгиси менга ёқади.*
Орт. н.: *Мен унинг шўх кулгисини ёқтираман.*
2. Бош н.: *Тўтиқиз кўнглидаги ғубор баҳор чаманидан тарқади.*
Орт.н.: *Баҳор чамани Тўтиқиз кўнглидаги ғуборни тарқатди (М. И.)*

Орттирма нисбат шаклларига хос тузилмалар қуйидагича семантик вазиятларни ифодалайдилар.

1. Одамнинг одамга таъсир ўтказиши.
2. Одамнинг предметга ёки воқеа-ҳодисага таъсир ўтказиши.
3. Воқеа-ҳодиса ёки предметнинг одамга таъсири.

---

[102] Корди Е. Е., Маҳмудов Н. М., Р. Расуловларнинг юқорида тилга олинган тадқиқотларига қаранг.

[103] Махматкулов С. Побудительный залог в современном узбекском языке. С. 23.

4. Воқеа-ҳодисалар ўртасидаги сабаб-оқибат му-
носабати[104].

Шу семантик вазиятларнинг орттирма нисбат ту-
зилмаларида ифодаланиш тарзларини уларда кауза-
тивликнинг қайдаражада юзага чиқиши баёни билан
кўриб чиқайлик.

1. *Одамнинг одамга таъсир ўтказиши вазияти.* Бу
вазиятни ифодалашда ўтимсиз феъллардан ва ўтим-
ли феъллардан ясалган орттирма нисбат шакллари
қўлланади.

Ўтимсиз феъллардан ясалган орттирма нисбат
шакллари тузган гапларнинг бош нисбат шаклли
гапларга нисбатан ўзгариши: $С_1П \rightarrow С_2О_1П$ бўлади.
Мисоллар:

1. Бош н.: *Йўлдош гапирмади.*

*Орт. н.: Тўлаган Йўлдошни гапиртирмади* (Ас. М.)

2. Бош н.: *Дилшод тўхтади.*

Орт.н.: *Жамолиддин Дилшодни тўхтатди* (М.
Исм.)

Бош нисбат тузилмасига хос актантларнинг миқдо-
ри ўзгармай, субъект ва объект валентликларини
билдирувчи сўзлар ўрнининг алмашиниши билан ҳам
орттирма нисбатга хос гапларнинг тузилиши уч-
райди: $С_1О_2П \rightarrow С_2О_1П$. Масалан: *У Нилуфардан чў-
чир эди (бош н.) — Нилуфар уни чўчитар эди
(орт. н.)*

Мисоллардан кўринадики, ўтимсиз феъл орттир-
ма нисбат кўрсаткичини олгач, ўтимлилашади, яъни
объект валентлигига эга бўлади. $С_1П \rightarrow С_2О_1П$ типи-
даги ўзгаришда ташқаридан каузалловчи субъект
(ижрочи)нинг кириши билан бош нисбат диатезаси-
даги субъект объект ўрнига ўтади: $С_1 \rightarrow О_2$. Бу ўзгариш-
да каузалловчи субъект ва объект тузилма актантлари-
нинг ўринлари ўзгариши натижасида юзага келади.
Вазиятда ифодаланадиган каузатив кучли ва контакт
характерда. Каузалловчи субъект (ижрочи) пациенс-
нинг ҳаракатини бевосита бошқаряпти.

Орттирма нисбатнинг бундай шакллари кучсиз
каузаллашни ҳам ифодалай олади. Мисоллар:

1. Бош н.: *Абжал фақат битта болага — тулки-
дек устамон Умарали деган болага ёқади.*

Орт.н.: *Абжални фақат... Умарали деган бола
ёқтиради (Ў. Ҳ.)*

---

[104] Кэрди Е. Е. Модальные и каузативные глаголы в совре-
менном французском языке. С. 111—121.

2. Бош н.: *Сарагул биринчи марта Ориф акага мана шу кўчаларда учраган.*

Орт.н.: *Ориф ака Сарагулни биринчи марта мана шу кўчаларда учратган (Ас. М)*

Тузилманинг ижрочи ёки объект валентликларини ифодаловчи бўлаклари мазмунга путур етказмаган ҳолда тушиб қолиши мумкин: *Аҳволи яхши. Касалхонага ё т қ и з и ш д и* (Ас. М.) *Эшикни тақиллатиб келсам, к и р г и з а р м и д и н г л а р?* (Ас. М.)

Ўтимли феъллардан ясалган орттирма нисбат шаклларига хос гаплар бош нисбатга хос гаплардан $C_1O_1\Pi \rightarrow C_2O_2O_1\Pi$ тарзида ўзгариб, кайта тузилади. Мисоллар:

1. Бош н.: *Мен шундан бир комплектини кўтардим.*

Орт.н.: *Елқин акам шундан бир комплектини менга к ў т а р т и р д и* (П. Қ.)

2. Бош н.: *Дуторни энг зўр уста я с а г а н э к а н.*

Орт.н.: *Дадам дуторни энг зўр устага я с а т г а н э к а н* (Ў. Ҳ.)

Тузилмада феълнинг валентлик имкониятига қараб бошқа актантлар ҳам қатнаша олади: *Табиб одамларига уни тасма билан урдирибди* (Эртакдан).

Ўтимли феъл билан тузилган орттирма нисбатнинг бу тузилмалари ҳам кучли ва дистант каузативни ифодалаяпти. Чунки каузалловчи субъект ҳаракатнинг асос тузилмадаги субъект томонидан бажарилишининг ташаббускори бўляпти (у орттирма нисбатга хос гапда жўналиш келишигидаги тўлдирувчи орқали берилади). Бундай тузилмаларда каузаллаш кучли ва каузалловчи субъектнинг аҳамияти муҳим, бевосита бажарувчининг роли иккинчи ўринда бўлгани учун у қайд этилмаслиги ҳам мумкин. Лекин каузаллашнинг дистант эканлиги, ҳаракатнинг восита билан бажарилиши мазмундан равшан англашилади. Масалан: *Қани, Комилов, заводингизни к ў р с а т и н г* (Ҳ. Ғ.) *Ч а қ и р т и р г а н э к а н с и з?* (О. Ё.)

Ўтимли феъллар орттирма нисбат шаклларига ўтгунча ҳам каузативликни ифодалаган бўлишлари мумкин. Лекин у контакт каузатив бўлади. Феъл орттирма нисбат шаклига ўтгач, контакт каузатив дистант каузативга айланади, каузаллашишда кейинги каузалловчи субъектнинг фаолияти аҳамиятли бўлади.

Ўтимли феълдан ясалган орттирма нисбат шакллари ҳам кучсиз каузатив муносабатни англатишла-

ри мумкин; бунда субъект (агенс) вазият эгасининг (пациенс)нинг ҳаракатига тўсиқ бўлмайди, шунга йўл қўяди: *Бир савдогар шу дурларга ўхшаш ўн дона дурини бировга ўғирлатган экан* (Эртакдан). *Йўлчи тонг қоронғисида келиб, воқеани Қоратойга билдирди* (О.) *Укам трамвайда пулини олдирибди.*

II. *Одамнинг воқеа-ҳодисаларга ёки предметга таъсир ўтказиши вазияти.* Бунда каузалловчи субъект (ижрочи) ҳаракатининг объекти нарса ёки воқеа-ҳодиса бўлади. Бундай семантик вазият воқеликда аввалги турдан кўп учрагани сабабли унинг ифодаси бўлмиш каузатив гаплар ҳам нутқда тез-тез қўлланади. Одамнинг предметга таъсирини ифодалаш ўтимсиз феъллардан ясалган орттирма нисбат шакллари доирасида ўтимли феъллардан ясалган орттирма нисбат шаклларига қараганда деярли икки баробар кўпдир. Умуман, нутқда ўтимсиз феъллардан ясалган орттирма нисбат шакллари ўтимли феъллардан ясалган орттирма нисбат шаклларидан кўра 2—3 баробар кўп қўлланади. Бу ўтимсиз феълларни ўтимлилаштириш, яъни шу феъллар семантикаси билан боғлиқ ҳолда объект валентлиги иштирок этган семантик вазиятларни юзага келтириш зарурияти ва шундай вазиятни ифодалайдиган тузилмаларнинг ихчамлиги билан изоҳланади.

Ўтимсиз феълдан ясалган орттирма нисбат шакллари бош нисбатга хос диатеза кўринишини $С_1П \rightarrow С_2О_1П$ ёки $С_1О_2П \rightarrow С_2О_1О_2П$ тарзида ўзгартиради. Баъзан воситали тўлдирувчининг келишик шакли ўзгариши мумкин. Мисоллар:

1. Бош н.: *Магнитофоннинг овози ўчди.*

Орт.н.: *Фармонов магнитофоннинг овозини ўчирди* (Ас. М.)

2. Бош н.: *Уч кун жаҳаннам азобида ўтди.*

Орт.н.: *Гулнор уч кунни жаҳаннам азобида ўтказди* (О.)

Ўтимсиз феълларнинг валентлик хусусиятларига қараб тузилма омил актантларни ифодаловчи иккинчи даражали бўлаклар ҳисобига кенгайиши мумкин. Масалан: *Доктор ўчоқ олдида шишадан пиёлага дорини томизяпти.* Тузилиши: $С_2О_4О_3О_2О_1П$.

Бош нисбатга хос гап таркибида қатнашмаган актантлар қайта тузилган орттирма нисбатга хос гап таркибида қайд этилишини учратамиз. Умуман, орттирма нисбат шаклининг бошқарув имконияти бош нисбат шаклининг бошқарув имкониятидан бойроқ ҳамда ўзгачароқ бўлиши мумкин. Мисоллар:

1. Бош н.: *Этак бўшади.*

Орт.н.: *Этакни чипта қопга бўшатдим* (П. Қ.)

2. Бош н.: *Девор тақиллади.*

Орт.н.: *Мария Васильевна қалам учи билан деворни тақиллатди* (Ас. М.)

Бу хилдаги мисолларда ижрочининг ўзи объектив борлиқдаги нарса ёки ҳодисаларнинг ҳолатини ўзгартирувчи ҳаракатни бажаргани учун ифодаланаётган каузаллаш контакт ва, айни пайтда, кучли каузаллашдир. Тузилмада ижрочи ёки объект валентликлари ифодаланмаган, тушиб қолган ҳолларда ҳам мазмунга ҳалал етмайди. Масалан: 1. *Бировнинг яхшилигини ерда қолдирмаймиз* (А. Қ.). 2. *Ўзи бузар, ўзи тузатар, ўзи юргизар эди* (Ас. М.). Мисолларнинг биринчисида ижрочи, иккинчисида объект валентлиги ифодаланмаган.

Ижрочининг каузалловчи ҳаракати унинг тана аъзоларига, шахсига тегишли нарсалар, тушунчаларга қаратилиши ҳам мумкин. Демак, ижрочи ўз ҳаракатининг қисман объекти ҳам бўлади. Мисоллар:

1. Бош н.: *Низомиддиновнинг афти буришди.*

Орт.н.: *Низомиддинов афтини буриштирди* (С. Аҳм.)

2. Бош н.: *Боланинг лаблари чўччайди.*

Орт.н.: *Бола лабларини чўччайтирди.*

Мисоллардан кўринадики, бош нисбатга хос гапда эга вазифасини бажарган аниқловчи-аниқланмиш тарзидаги сўз бирикмасининг таркибий қисми бир-биридан ажралиб, каузалловчи субъект ва объект валентликларини эга ва тўғри тўлдирувчи мавқеларида юзага чиқарадилар. Бош нисбат диатезасидаги актантлар ўринларини алмаштириб, орттирма нисбатга хос диатезани тузишлари ҳам учраб туради. Масалан: Бош н.: *Унинг кўнглидан шу фикр ўтди.*

Орт.н.: *У кўнглидан шу фикрни ўтказди* (Ў. Ҳ.), яъни: $О_2С_1П > С_2О_2О_1П$. $О_2 > С_2О_2$. $С_1 > О_1$.

Ўтимсиз феъллардан ясалган орттирма нисбат шакллари ҳам кучсиз каузатив муносабатни ифодалай оладилар. Бунда ижрочи ихтиёрий тарзда, кўп куч сарфламай бажарадиган ҳаракат тушунилади. Мисоллар:

1. Бош н.: *Гап айланди*

Орт.н.: *Сайёрахон гапни айлантирди* (Ў. Ҳ.)

2. Бош н.: *Сочи елкасига т у ш и б д и .*

Орт.н.: *Дилдора сочини елкасига т у ш и р и б д и .*

Орттирма нисбат шакллари ўтимли феъллардан ҳам ясалиши ва ижрочининг атрофини ўраган муҳитдаги предметларга ва ҳодисаларга таъсир ўтказишини ифодалаши мумкин. I хил вазиятни ифодаловчи ўтимли феъллардан ясалган орттирма нисбат тузилмаларидан фарқланган ҳолда II хил вазиятни ифодаловчи ўтимли феълли орттирма нисбат тузилмаларида йўналиш келишигидаги тўлдирувчи актантида ифодаланиши лозим бўлган объект валентининг вазиятдаги иштироки ниҳоятда суст. Бу воситали тўлдирувчи одатда шахсни ифодаламагани учун ҳам объектга йўналтирилган ўтимли ҳаракатни ўзи бажара олмайди ва каузалловчи субъектнинг шу ҳаракатни бажаришида омиллик аҳамиятига эга бўлади, холос. Ўтимли феълли орттирма нисбат шакллари уюштирувчи тузилмалар бош нисбатга хос тузилмалардан узоқлашгани ва ижрочининг ўзи предмет ва ҳодисаларга таъсир ўтказиш фаолиятини бажаргани учун бу тузилмалардаги каузаллаш контакт ва кучли каузативни юзага келтиради. Мисоллар:

1. Бош н.: *Белбоғ болтани қисди (?)*

Орт.н.: *Чол, бегона одамни кўриб, болтани белбоғига қистирди* (С.А.).

2. Бош н.: *Унинг бурни ўткир сирка солинган шишачанинг оғзини ҳидлабди* (?)

Орт.н.: *Малика ўткир сирка солинган шишачанинг оғзини унинг бурнига ҳидлатибди* (Эртакдан).

3. Бош н.: *Правангиз менда қолади. ДАИ буни протокол билан бирга кўради* (?)

Орт.н.: *Правангиз менда қолади, мен буни протокол билан бирга ДАИга кўрсатаман* (П.Қ.).

III. *Воқеликдаги ҳодиса ёки предметларнинг одамга таъсир ўтказиши вазияти.* Бу вазиятларда одамнинг хатти-ҳаракати, фаолиятига таъсир ўтказадиган предмет, воқеа-ҳодисалар субъект валентлигини билдиради. Бундай семантик вазиятлар ифодаланадиган тузилмалар ўтимсиз феълларнинг, шунингдек, ўтимли феълларнинг орттирма нисбат шаклларида қўлланиши билан тузилади.

Ўтимсиз феъллардан ясалган орттирма нисбат шакллари уюштирадиган тузилмалар бош нисбат тузилмаларидан $С_1П \rightarrow С_2О_1П$ тарзида ўзгариш билан қайта қурилади. Мисоллар:

1. Бош н.: *Матниёз* ч ў ч и д и.

Орт.н.: *Унинг важоҳати Матниёзни* ч ў ч и т д и (Ас. М.).

2. Бош н.: *У қаттиқ* ч а р ч а г а н э д и.

Орт.н.: *Жазирама иссиқ ва қабул ташвишлари уни қаттиқ* ч а р ч а т г а н э д и (Х.С.).

Баъзи актантларнинг, ҳатто объект актантининг ҳам гап таркибида қайд этилмай, ишора билан ифодаланиши учраб туради. Масалан: 1. *Ер* т ў й д и р а р, *ўт* к у й д и р а р (Мақол). 2. *Лекин оғир таассурот ҳамон судралиб келар,* ч а р ч а т а р *эди* (Ас. М.).

Каузалловчи субъект ташқаридан янги валентлик сифатида кирмай, вазиятнинг ўзида қатнашаётган сабаб ёки восита каби омил валентликларидан бири каузалловчи субъект мавқеига ўтиши билан ҳам каузаллаш амалга оширилиши мумкин, яъни $O_2C_1П > C_2O_1П$. Мисоллар:

1. Бош н.: *Аёлнинг олтин узуклари, дидсиз кийинишидан Азизанинг кулгиси* қ и с т а д и (Ас. М.).

Орт.н.: *Аёлнинг олтин узуклари, дидсиз кийиниши Азизанинг кулгисини* қ и с т а т д и.

2. *Бош н.: Шунчаки гап гапиришга ҳам киши* ч а р ч а р э к а н.

Орт.н.: *Шунчаки гап гапириш ҳам кишини* ч а р ч а т а р э к а н.

Бу хилдаги, яъни предмет, воқеа-ҳодисаларнинг одамга таъсирини ифодаловчи тузилмалар ифодалайдиган каузатив кучли ва контакт каузативдир. Чунки воқеа-ҳодиса ва нарса-предметлар пациенснинг жисмоний ва ақлий ҳолатини, ҳис-туйғуларини ўзгартиради. Таъсирнинг бевоситалиги каузаллашнинг контакт характерини белгилайди. Кучсиз каузаллашнинг юзага келиши оз учрагани учун нутқда бундай вазиятни ифодаловчи гаплар ҳам сийрак қўлланади. Масалан: *Дала-даштда чодир қуриб яшаш, катта пул ишлаш одамларни* қ и з и қ т и р а р *эди* (Ас. М.).

Ўтимли феълли орттирма нисбат шаклларига хос диатезаларда каузалловчи субъект нарса ёки ҳодисани билдиради, бош нисбатга хос гапнинг эгаси йўналиш келишигидаги тўлдирувчи ўрнига ўтиб, янги вазиятнинг ифодасида омил актанти ролини бажаради. Бош нисбатга хос тузилманинг орттирма нисбатда ўзгариши $C_1O_1П > C_2O_2O_1П$ тарзида намоён бўлади. Мисоллар:

1. Бош н.: *Қоронғи кечаларда ҳам у ёлғизлигини билмас эди.*

Орт.н.: *Қоронғи кечаларда ҳам бу расм унга ёлғизлигини билдирмас эди* (П. Қ.).

2. Бош н.: *Унсин яна гўристонни эслади.*

Орт.н.: *Тобут Унсинга яна гўристонни эслатди* (А.Қ.).

Феълнинг валентлик хусусиятларига кўра тузилмада бошқа актантлар ҳам иштирок эта олади.

Бош н.: *Эртасига райкомда Шукуров кечаги гапларни яна эслади.*

Орт.н: *Бу қувноқ қаҳқаҳа эртасига райкомда Шукуровга кечаги гапларни яна эслатди* (О. Е.).

Предмет ёки воқеа-ҳодисаларнинг одамга таъсири вазиятининг ифодаланишида ҳам бош нисбатга хос тузилмадаги субъектнинг йўналиш келишигидаги тўлдирувчи мавқеида барқарор эмаслиги, кўп ҳолларда тузилмада қайд этилмаслиги тез-тез учраб туради. Бу эса каузаллаш даражасини, кучини пасайтиради. Юқоридаги мисолларда дистант ва кучли каузатив ифодаланган бўлса, ҳаракатни бевосита бажариши лозим бўлган шахснинг (пациенснинг) тузилмада қайд этилмаслиги каузаллаш табиатини ўзгартириб, уни кучсиз ва контакт каузативга айлантиради. Орттирма нисбат тузилмасининг бош нисбат асосида тузилганлигини, синтактик дериватив муносабатни англаш қийинлашади. Мисоллар:

1. Бош н.: *Кришан Чандрнинг «Тўлин ой кечаси» асарини эслайди* (?)

Орт.н.: *Шу жиҳатдан ҳикоя Кришан Чандрнинг «Тўлин ой кечаси» асарини эслатади* («Т. оқш.» газ.).

2. Бош н.: *Опералардан мунгли ариялар эшитар эди* (?)

Орт.н.: *Радио опералардан мунгли ариялар эшиттирар эди* (Ас.М.).

IV. *Воқеликдаги нарса-ҳодисаларнинг ўзаро сабаб-оқибат муносабатини билдирувчи вазият.* Бундай вазиятлар фақат ўтимсиз феъллардан ясалган орттирма нисбат шакллари орқали ифодаланади. Ўтимсиз феълнинг ўтимлилашиши вазиятда объект валентлигининг мавжудлигини таъминлайди. Бош нисбат тузилмасига каузалловчи субъект актантининг киритилиши натижасида бош нисбатдаги субъект объект ўрнига кўчади, яъни: $C_1П \to C_2O_1П$; $C_1 \to O_1$ Мисоллар:



1. Бош н.: *Йилноманинг навбатдаги сони босмадан чиқди.*

Орт.н.: *Яқинда Ленинграддаги «Наука» нашриёти йилноманинг навбатдаги сонини босмадан чиқарди* («Т. оқш.»).

2. Бош н.: *Ўтовнинг керагалари аста ғирчиллайди.*

Орт.н.: *Шабада ўтовнинг керагаларини аста ғирчиллатади* (Ас. М.).

3. Бош н.: *Қорлар эриган.*

Орт.н.: *Кўклам ёмғири қорларни эритган* (Ҳ.Н.)

Бу мисолларда каузалловчи субъект $C_2$ вазиятга ташқаридан кирган бўлса, куйидаги мисолларда бош нисбатга хос тузилмадаги субъектнинг объект мавқеига ва воситали тўлдирувчи билан ифодаланган омил актантининг каузалловчи субъект мавқеига ўтиши билан каузатив муносабат ифодаланишини кузатиш мумкин:

1. Бош н.: *Дарё суви баҳорда тошар, одам қадри меҳнатда ошар.*

Орт.н.: *Дарё сувини баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар (мақол).*

2. Бош.н.: *Ғуборли ҳаво қуёшда қизигандан қизир эди*

Орт.н.: *Қуёш ғуборли ҳавони қизитгандан қизитар эди.*

Бу мисолларда тузилмаларнинг ўзгаришини $C_1O_2П > C_2O_1П$ тарзида ифодалаш мумкин, чунки $C_1 \to O_1$ ва $O_2 \to C_2$.

Бош нисбат тузилмаси феъл орттирма нисбат шаклига ўтгач, орттирма нисбат тузилмасига $C_1O_2П \to C_2O_1O_2П$ тарзида ўзгартирилиши мумкин. Бош нисбатга хос диатезада қайд этилган аниқловчи-аниқланмиш муносабатидаги сўз бирикмасининг ҳар бир компоненти орттирма нисбатга хос диатезада алоҳида актант бўлиб келади. Мисоллар:

1. Бош.н.: Ҳамма ёқ июль ойи қуёшининг олов сели билан *тўлган.*

Орт.н.: Июль ойининг қуёши ҳамма ёқни олов сели билан *тўлдирган* (О.)

2. Бош.н.: Чўл осмони печлардан кўтарилган буғнинг кул ранг булутлари билан *тўлар эди.*

Орт.н.: *Печлардан кўтарилган буғ чўл осмони-*

*ни кул ранг булутларга тўлдирар эди* (Ас.М.).

Воқеликдаги предмет ва ҳодисаларнинг ўзаро сабаб-оқибат муносабатини ифодаловчи тузилмада юзага чиқадиган каузатив контакт ва кучли каузативдир. Бу хилдаги вазиятлар одатда кучсиз каузативни ифодаламайди. Умуман, кучсиз каузатив тузилмалар одам иштирок этмайдиган вазиятларни деярли ифодаламайди.

Орттирма нисбат шакллари билан шундай гаплар тузилиши ҳам мумкинки, уларнинг бош нисбатга хос гаплар билан ҳозир ҳеч қандай боғлиқлиги қолмаган бўлади. Одамнинг нарса-предмет ёки воқеа-ҳодисага таъсир ўтказишини ифодалайдиган бу гапларда расмий жиҳатдан каузативнинг белгилари бордек. Лекин мазмунан улар сабаб-оқибат муносабати билан боғланган икки бўлакдан иборат эмас. Шунинг учун бундай тузилмаларни бош нисбат тузилмаларидан ҳосил қилинган орттирма нисбат тузилмалари деб эмас, балки оддий ўтимли феъл билан уюштирилган тузилмалар сифатида баҳолаш тўғрироқ бўлади: «Каузатив аффиксининг феълга қўшилиши феълли конструкцияда объектни пайдо қилади. Бу объектнинг функциялари воситали контактлик маъносини ифодалаш вазифалари билан зич боғланган. Агар воситали контактлик мавжуд бўлса, объект ҳаракатнинг реал бажарувчисидир, яъни у фактитив объектдир; каузатив лексикаллашган ҳолларда контактлик нейтраллашса, фактитив объект феъл ҳаракатининг одатдаги объектига айланади»[105]. Мана шундай гапларга мисол лар:

1. *Шафигуллина иншони кўзойнагига яқинроқ келтирди* (Ас. М.)

2. *Бўрибоев қори қоқилмаган пўстинини четга ирғитди* (Ҳ. Ғ.).

3. *Доцент қавариқ кўзойнагини қаншарига қўндирди* (Ў. Ҳ.).

4. *Мактабни битирдингизми, йигит? — деди Шавкат* (П. Қ.).

5. *Кўзойнакли чол чойни қайтарди* (Ас. М.).

6. *Мен бу ниҳолларни шунинг учун ўстирганман* (Ас. М.).

7. *У хатни бир амаллаб конвертдан чиқарди, шошиб-пишиб кўзларига келтирди* (М. И.).

---

[105] Кормушин И. В. О грамматическом и лексическом в глагольных каузативах//Тюркологический сборник. М., 1966. С. 70—71.



Бундай мисоллар оз эмас. Бу эса феълнинг орттирма нисбат шаклига ўтиши унинг фақат грамматик семантикасида ўзгариш пайдо қилмай, луғавий маънода ва гапдаги вазифаларида янги имкониятларни очиши билан изоҳланади. Феълнинг янги хусусиятлари ўз навбатида орттирма нисбат шаклининг лексемалашувига йўл очади.

Айрим ҳолларда феълнинг бош нисбат ва орттирма нисбат шакллари семантик-синтактик жиҳатдан тенг келиши ҳам мумкин. Бу иккала хил шаклларни ва улар тузувчи қурилмаларни бир-биридан фарқламасликдан келиб чиқади. Масалан:

1. *Ота қизчасини эркалади / / эркалатди.*

2. *Ипакдан енгил, мустаҳкам, чиройли кийимлар тикамиз, уйларимизни безатамиз / / безаймиз.* (Ас. М.)

Хуллас, орттирма нисбат шакллари ранг-баранглиги, асосан, грамматик каузативни ифодалаши, тузилмаларда каузалловчи субъектнинг қайд этилиши билан бошқа нисбат шаклларидан ажралиб туради.

## 4. МАЖҲУЛЛИК НИСБАТИ

Мажҳуллик нисбати нисбатлар тартиботида алоҳида ўрин тутади: 1. Мажҳуллик нисбатидан бошқа нисбатлар семантик вазиятни ифодаловчи агенс (баъзан пациенс)нинг гапда эга вазифасида қайд этилиши билан характерланади, яъни уларда субъект фаолиятининг ифода этилиши тузилмалар мазмунини белгилайди. Мажҳуллик нисбатида субъект фаолиятининг натижаси — объект эришган ҳаракат ёки ҳолатни ифодалаш мажҳуллик нисбати тузилмаларининг бош мазмунини ташкил этади. Шунинг учун бу нисбатга хос тузилмаларда объектни ҳаракат ёки ҳолатнинг натижасига олиб келган субъектнинг ифодаланиши (ким ёки нималиги) мазмунан муҳим эмас. 2. Ижрочи ёки вазият эгаси юзага чиқарувчи ҳаракатнинг натижасини қайд этувчи бу семантик вазиятнинг нутқда ифодаланиши ҳам ўзига хос бўлади, яъни мажҳуллик нисбати шакллари ўтимли объект валентини бошқарувчи феъл лексемалардан ясалади, объект валентлигини ифодаловчи сўз гапнинг мавзусини белгилашидан келиб чиқиб эга мавқеида бўлади, бу эса ўз навбатида тузилмада тўғри тўлдирувчи актантининг қисқаришига сабаб бўлади. Тузилмадаги бу мавқеий ҳолат ўтимли феълнинг мажҳуллик нисбати шакли ҳамма

вақт ўтимсиз бўлишини белгилайди. Шу семантик вазиятни юзага келтиришда иштирок этган субъект (ижрочи ёки вазият эгаси)ни тузилмада қайд этиш мазмунан муҳим бўлмагани учун у (субъект) очиқ ифодаланган ҳолларда воситали тўлдирувчи актанти орқали ифодаланади, бундай тузилмаларнинг қурилиши услубий моҳиятга эга; бошқа ҳолларда субъект ҳамма вақт яширин ифодаланади. Мажҳуллик нисбатига хос гаплар объектнинг эга вазифасидаги сўз орқали берилиши сабабли эга вазифасида субъектни ифодаловчи фаол тузилмалардан фарқли равишда нофаол тузилмали гаплар деб аталади[106].

Мажҳуллик нисбати шакллари бош нисбатнинг асосан ўтимли феъл лексемали шаклларидан *-(и)л*, *-(и)н* қўшимчалари воситасида ҳосил қилинади. Ўтимсиз феъллардан ҳам баъзан мажҳуллик нисбати шакллари ясалади. Бу шакллар тузган гапларда эганинг ўрнига ўтувчи тўғри тўлдирувчи актанти бўлмайди, шунинг учун улар уюштирган тузилмалар эга актантининг қайд этилмаслиги билан ажралиб туради.

Мажҳуллик нисбати шакллари предикат мавқеида уюштирувчи тузилмаларни уларда объект, субъект ва предикатнинг ифодаланиш имкониятига кўра шундай ўрганиш мумкин:

1. Уч аъзоли (тўлиқ) нофаол тузилмалар.
2. Икки аъзоли (нотўлиқ) нофаол тузилмалар.
3. Бир аъзоли нофаол тузилмалар.

Шу тузилмаларни кўриб чиқайлик.

1. *Уч аъзоли (тўлиқ) нофаол тузилмалар.* Тузилиши тўлиқ бўлган уч аъзоли нофаол тузилмаларда семантик вазиятни юзага келтирувчи субъект — агенс (ёки пациенс) очиқ ифодаланади: уни гап таркибидаги асосан шахсни, баъзан предметни билдирувчи воситали тўлдирувчи ифодалайди. Бу воситали тўлдирувчи кўп ҳолларда «от (кенг маънода) +тарафидан»,

---

[106] Ғуломов А. Ғ. Феъл. Тошкент, 1954.58-бет; Ҳожиев А. Феъл//Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент. 1980. 334—336-бетлар; Миртожиев М. Мажҳул нисбат масаласи//Ўта. 1985. 2-сон. 31—34-бетлар; Аҳмедов А. Ўзбек тилида пассив конструкциялар тараққиёти ЎтА. 1986. 1-сон. 16—19-бетлар; Насруллаева З. А. Структурно-семантическая и стилевая характеристика залоговой категории пассива в узбекском и немецком языках. АКД. 1981. С. 5—7; Муждабаев М. Безлично-страдательные предложения в современном узбекском языке. Ташкент. 1960. С. 14—15.

«от+томонидан», «от+билан» кўринишларида тузилади ёки жўналиш, ўрин, чиқиш келишикларидан бири шаклида қайд этилади. Мисоллар:

1. Бош н.: Туркистон ўлкаси Россияга қўшилгунга қадар қозиларни хон ва беклар *т а й и н л а р д и* .

Мажҳ. н.: *Туркистон ўлкаси Россияга қўшилгунга қадар қозилар хон ва беклар томонидан т а й и н л а н а р д и* (Х. Тўхт.).

2. Бош н.: *Мактабдаги ишларни ҳар ойда маориф мудири т е к ш и р а д и* .

Мажҳ.н.: *Мактабдаги ишлар ҳар ойда маориф мудири томонидан т е к ш и р и л а д и* («Ўқит.газ».).

Мисоллардан кўринадики, бош нисбатга хос гапдаги субъект мажҳуллик нисбатида воситали тўлдирувчи билан ифодаланади: $C \to O_2$, демак: $CO_1\Pi > O_1O_2\Pi$.

Уч аъзоли, тўлиқ тузилма ифодаланаётган хабар тўлиқлигини таъминлаш, ҳаракатнинг ижрочиси—агенсни таъкидлаб кўрсатиш учун «от+томонидан», «от+тарафидан» тарзидаги тўлдирувчилар билан қўлланади. Семантик вазиятнинг асосий актантлари бўлмиш субъект, объект ва предикат бу хил тузилмаларда ўзининг аниқ ифодасини топгани учун маъно-хабар қийматига кўра бу тузилмалар бош нисбатнинг ўтимли феъл лексемали шакллари тузувчи фаол тузилмаларга тенг бўлади, чунки буларда ҳам субъектнинг мажҳуллиги йўқ, у аниқ. Фаол ва нофаол тузилмалар қурилиши ва услубий бўёғига кўра фарқланади: нофаол тузилмалар илмий ва расмий услуб нутқига хос бўлса, фаол тузилмалар услубий жиҳатдан бетарафдир. Масалан, мана бу гапнинг фаол ва нофаол шаклларини қиёсланг:

1. Бош н.: *Шарқшунос олим А. Н. Болдирев ҳам* «Бадое-ул вақое»ни батафсил *ў р г а н г а н*.

Мажҳ.н.: *«Бадое-ул вақое» шарқшунос олим А.Н.Болдирев томонидан ҳам батафсил ў р г а н и л г а н* («Т.окш.»).

Уч аъзоли нофаол тузилмаларда воситали тўлдирувчи «от+томонидан» ёки «от+тарафидан» тарзида ижрочининг муайян шахс эканлигини ифодалайди. Субъект муайян шахс бўлмаган бошқа ҳолларда воситали тўлдирувчи «от+билан» тарзида тузилади ёки жўналиш, ўрин, чиқиш келишикларидан бири шаклида қайд этилади.

Мисоллар:

1. Бош н.: *Кучли шамол товуши чигирткаларнинг чириллашини кесарди.*

   Мажҳ.н.: *Чигирткаларнинг чириллаши кучли шамол товуши билан кесиларди* (Ас.М.).

2. Бош н.: *Улар бу можарони қайта-қайта эслашади.*

   Мажҳ.н.: *Бу можаро улар орасида қайта-қайта эсланади* (Н.Саф.)

3. Бош н.: *Бу гап кўнглим ярасини янгилади.*

   Мажҳ.н.: *Бу гапдан кўнглим яраси янгиланди* «(Ёш.лен».).

Маълумки, орттирма нисбат кўрсаткичлари ўтимсиз феълларни ўтимлига айлантиришнинг энг қулай воситаларидир. Шу тариқа ўтимлига айланган, асли ўтимсиз бўлган феъллардан ҳам мажҳуллик нисбати шакллари ясала олади:

1. Орт. н.: Звено аъзолари бу йил адирга ҳам сув *чиқардилар.*

   Мажҳ.н.: *Бу йил звено аъзолари томонидан адирга ҳам сув чиқарилди* (О.Ё.).

Нутқда ижрочининг матний ифодаланиши ҳоллари ҳам учрайди. Масалан: *Қамбаров, бунақа ишлар иккинчи такрорланмасин* (П. Қ.). Мисолдаги «Қамбаров» ундалмаси орқали ифодаланаётган шахс англашилаётган вазиятнинг юзага келишида бажарувчи шахс бўлиши мумкин. Чунки жумла *Қамбаров, бунақа ишларни иккинчи такрорламанг* шаклида тузилса ҳам шу мазмун англашилади. Фарқ буйруқнинг кучи ва айтилиш оҳангида сезилади.

*2. Икки аъзоли (нотўлиқ) нофаол тузилмалар.* Мажҳуллик нисбати шакллари уюштирувчи икки аъзоли — нотўлиқ — нофаол тузилмалар ҳаракат ёки ҳолатнинг ижрочиси — агенс шахсининг ноаниқлиги (сўзловчими, тингловчими ёки ўзга) билан характерланади, бош нисбатга хос гапнинг эгаси тузилмада қайд этилмайди. Уч аъзоли тўлиқ нофаол тузилмаларда семантик вазиятда ижрочи ролининг камайтирилиши асосий белги бўлиб, бу уни ифодаловчи актантнинг эга мавқеидан воситали тўлдирувчи мавқеига кўчиши билан амалга оширилади, лекин субъектнинг кимлиги ёки нималиги тузилмада қайд этилади. Икки аъзоли нофаол тузилмаларда субъект валентлигини ифодаловчи воситали тўлдирувчи актанти бўлмайди, яъни субъект валентлиги яширин ифодаланади. Бу эса унинг мажҳуллигини билдиради. Объект валентлигини бил-

дирувчи сўз гапда эга мавқеида қайд этилади. Унинг семантикаси мажҳуллик нисбатига хос мазмуннинг ифодаланиши билан боғлиқ.

1. Объект валентлиги шахсни билдирган ҳолларда мажҳуллик маъноси ёрқин ифодаланади. Бундай вазиятларда объект валентлиги эга вазифасини бажарувчи сўз (турдош ёки атоқли отлар, отлашган сифатдошлар) билан ифодаланади. Мажҳуллик нисбатига хос грамматик маънонинг нофаол тузилмада ифодаланиши семантик-синтактик мутаносибликни юзага келтиради. Мисоллар:

1. *Ходивой раисликдан о л и н д и* (С. Аҳм.).

2. *Киссавур у ш л а н д и* (Ғ. Ғ.)

3. *Ноҳақликка йўл қўйганлар қаттиқ ж а з о л а н я п т и* (Ҳ. Тўхт.).

4. *Қобилжон пора беришда айбланиб, ишдан ҳ а й д а л д и* (С. Аҳм.).

5. *Бундай базмни сира к ў р м а г а н м а н: Марғилондан, Фарғонадан донғи кетган яллачилар ч а қ и р и л г а н* (О.).

Объект валентлиги шахсни ифодалаган бундай семантик вазиятларнинг ифодасида предикатнинг асосан III шахсни кўрсатиши мантиқан тўғри, чунки объектнинг ўзи ҳам ўзга — III шахсни кўрсатяпти. Лекин баъзан объект валентлиги вазиятда сўзловчи (I) ёки тингловчи (II) шахси субъект фаолиятининг объекти эканлигини ифодалаши, шунга мос тарзда кесим ҳам тегишли шахс-сон шаклида қайд этилиши ҳолларини кузатамиз. Мисоллар:

1. *Яқинда мен участка бошлиғи қилиб т а й и н л а н д и м* («Т. оқш.»).

2. *Байрамолди вахтасида шижоат кўрсатиб ишлаганимиз учун орден ва медаллар билан м у к о ф о т л а н д и к* («Ёш лен».).

3. *Икки марта қул бўлиб ҳам с о т и л д и н г, э с и н г д а м и?* (Х. Тўхт.)

4. *Мен аминманки, эртага итбалиқ товада бўлади, мен эса сихга т о р т и л а м и н,— дебди қурбақа* (Эртакдан).

2. Нофаол тузилмаларда эга вазифасини бажарувчи, объект валентлигини ифодаловчи сўзнинг аниқ предметни ифодалаши кўп учрайдиган ҳолдир. Лекин бундай нутқий вазиятларда субъектнинг мажҳуллиги, умуман, мажҳуллик нисбатига хос грамматик маънонинг ифодаланиш даражаси бир хил эмас. Феъл

лексеманинг семантикаси муайян ҳаракат ёки ҳолатни аниқ ифодаласа, тузилмада шу ҳаракат ёки ҳолатнинг ҳақиқатан бажарилиши ёки бажарилмаслиги қайд этилса, мажҳуллик маъноси ҳам равшан англашилади. Мисоллар:

1. *Овқатдан сўнг идиш-товоқлар тезда ювилди* (Мирм.).

2. *Ҳовлига ҳали дарвоза ҳам ўрнатилмаган экан* (С. Аҳм.)

3. *Микрофонимиз қўлбола космонавтнинг оғзига тўғриланган* (С.Аҳм.).

4. *Бу фан дуч келган ўқитувчига топширилмоқда* («Ёш лен».).

Юқоридаги мисолларда қайд этилаётган семантик вазиятнинг юзага келишида субъектнинг мажҳуллиги ҳаракат маъносининг қанчалик аниқ ифодаланиши билан боғлиқ: «ҳаракат қанча фаол бўлса, ҳаракатнинг тарқалиш масофаси белгиланган, объектга таъсири табиий ва аниқ бўлса, мажҳуллик нисбатининг ўзига хос грамматик маъноси шунча кучли ва мунтазам бўлади*. Аксинча, феъл лексеманинг тузилмадаги семантикаси феълнинг бош маъносидан қанча узоқлашган бўлса, ҳаракатнинг объектга йўналиши, айниқса, тушунча ифодаловчи феълларда қанча заиф бўлса, мажҳуллик маъноси ҳам шунча хиралашади, ҳатто сезилмас бўлади. Мисоллар:

1. *Июнь қадимги Римда тўртинчи ой ҳисобланган* («Саодат» ж.)

2. *Езма ёдгорликлар эъзозланади* («Т.оқш.»).

3. *Янги очилган бир совхозга унинг номи берилади (П. Қ.).*

4. *Москвадан келган одамнинг кўзига бир нарса жуда тез ташланади* (П. Қ.)

Мажҳуллик маъносининг нейтраллашиши, яъни ноаниқ субъект фаолиятининг сезилмаслик даражасига тушиши бу фаолиятга кам аҳамият берилиши, асосий эътибор объектнинг бир вазиятдан иккинчи бир вазиятга (ҳаракатнинг объектлиликдан ҳолатнинг эгасиликка) ўтишига қаратилиши сабабли рўй беради. Масалан, шундай мисолни олиб кўрайлик:

1. Бош н.: *Монтер симни узди.*

   Мажҳ.н.: *Сим узилди.*

---

* Насруллаева З. А. Структурно-семантическая и стилевая характеристика залоговой категории пассива в узбекском и немецком языках. АКД. Ташкент. 1981. С.9.

*Сим узилди* семантик вазияти монтёрнинг симни узиш ҳаракатининг натижаси деб қаралса, унда мажҳуллик маъносини англаш қийин эмас. Чунки иккинчи гапда сим шамолда ёки бошқа бирон сабаб билан узилиши ва бу сабаб одамлар назаридан четда қолиши ҳам мумкин. У ҳолда эътибор бошқа нарсанинг эмас, айни симнинг узилганлик ҳолатига қаратилади ва бу вазиятни ўзича бажариладиган ҳаракат вазияти деб ҳисоблаб, ўзлик нисбатига доир вазиятлар қаторига қўшиш ҳам мумкин. Адабиётларда ўзлик ва мажҳуллик нисбатлари маъноларининг бундай бир-бири билан тўқнаш келишлари қайд этилган[107]. Ҳ. Ғ. Неъматовнинг фикрича, бу ерда мажҳуллик нисбати шаклларига хос хусусий-мажҳуллик ва медиал-мажҳуллик маънолари бир феълнинг мажҳуллик шаклида биргаликда бир пайтнинг ўзида ифодаланяпти[108]. Шунингдек, «Самолёт ғарбга бурилди» гапидаги самолётнинг ғарбга бурилиши учувчи ҳаракатининг натижаси сифатида қаралса, мажҳуллик нисбатига хос маъно ифодаланаётганига шубҳа туғилмайди. Шу билан бирга, учувчининг фаолияти тасаввур этилмаса, самолётнинг «ўзича» бурилиши ўзлик нисбати шаклининг медиал маъносига тўғри келади. *Шамол кўтарилди. Қуёш булутлар орасига яширинди* мисоллари билан солиштиринг. Яна: *Унинг овози бўғилди* гапини ҳам икки хил тушуниш мумкин: 1) кимлардир томонидан «гапиртирилмади», «сўзлаш имконияти берилмади» маъноси — мажҳуллик нисбатига хос маъно; 2) табиий ҳолат: шамоллаш натижасида овози бўғилиб, гапиролмаслик — ўзлик нисбатининг медиал маъноси. Бу гапларда объектнинг эга вазифасида келиши ва мантиқан ифодаланаётган вазиятнинг субъектига айланиши инсон онгида шундай тасаввур этилиши мумкин. Объект валентлигини ифодаловчи эга мавқеидаги сўз жонсиз предметларни ифодалаганда нофаол тузилмалар бундай хусусиятга эга бўлиши мумкин.

3. *Бир аъзоли нофаол тузилмалар.* Мажҳуллик нисбатининг ўтимсиз феъллардан ясалган шакллари бир аъзоли нофаол тузилмаларни уюштиради. Ўтимсиз феълларнинг объект валентлигига эга бўлмаслиги

[107] Иванов С. Н. Родословное древо тюрок Абу-л-Гази-хана. С. 125.

[108] Нигматов Х. Т. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI — XII вв. Ташкент: Фан. 1989. С. 93—94.

бош нисбатнинг ўтимсиз феълли шакллари билан тузилган гапларда объектнинг йўқлигини, субъект-предикат муносабати ёритилишини белгилайди. Бундай гаплардан келиб чиққан, ўтимсиз феълларнинг мажҳуллик нисбатидаги шакллари билан тузилган гапларда субъект валентлигини билдирувчи актант бутунлай қайд этилмайди. Асос (бош нисбатга хос) тузилмада объектнинг йўқлиги нофаол тузилмада ҳам эга ўрнининг бўш (вакант) қолишини белгилайди. Натижада эга актантисиз, тўғри тўлдирувчи актантисиз, фақат предикатли, яъни бир аъзоли нофаол тузилмалар қурилади. Ўзбек тилшунослигида бу хилдаги гаплар тузилмага эгани киритиш имконияти йўқлигидан шахссиз гаплар[109] ёки эгаси топилмайдиган гаплар[110] номи билан аталиб, бир таркибли гаплар доирасида ўрганиб келинмоқда.

Мажҳуллик нисбатига хос бир аъзоли нофаол тузилмаларнинг кесимлари одатда 2 ёки 3 валентли ўтимсиз феъллар билан ифодаланади. Бундай гапларда жўналиш, чиқиш келишикларидан бирида ёки бош келишикда *орқали, томон, оралаб* кўмакчилари билан бирга келувчи воситали тўлдирувчилар қайд этилади. Улар семантик вазият тўғрисида тўлароқ тасаввурга эга бўлишга ёрдам беради. Гапнинг кесими аниқ, фаол ҳаракатни ифодалайди. Кесимнинг ўтган ёки ҳозирги-келаси замон шаклларидан бирида келишига қараб, гапларнинг семантикаси фаркланади. Кесим ўтган замон шаклида бўлса, бир субъект (шахс) ёки субъектлар (уларнинг шахси номаълум) томонидан бажарилган аниқ ҳаракат маъноси англашилади. Мисоллар:

1. *Бу хонада сигнализация ўрнатишга кириш и л д и* («Ўқит.газ».)

2. *Бир оз юрилгандан кейин пастқамликка т у ш и л д и* (С. Аҳм.).

3. *Лоев райони озод қилиниб, бошқа нуқтага к ў ч и л д и* (О. М.)

Нофаол қурилишли гапнинг асосий бўлаги — кесим ҳозирги-келаси замон шаклида қайд этилса, субъект ёки субъектларга хос, одат бўлиб қолган ҳаракат

---

[109] Ғ у л о м о в А. Ғ., А с қ а р о в а М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. 134-бет; А б д у р а ҳ м о н о в Ғ., Ш у к у р о в Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Тошкент. 1973. 271-бет.

[110] Р а с у л о в И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар. 1974. 198 — 204-бетлар.

умумзамон планида мавҳумлаштириб берилади. Мисоллар:

1. *Айвондан уйга, уйдан ётоқхонага* *к и р и л а д и* (Н. Саф. ).

2. *Боғ, қўрғонлар орқада қолгач, Оқсой бўйига* *ч и қ и л а д и* (С. Ан. ).

3. *Пешайвондан ўтиб, меҳмонхонага* *к и р и л а д и* (С. Аҳм. ).

Инглиз ва ўзбек тилларида шахссиз гапларни қиёслаб ўрганган Ғ. Х. Сотимов кесими ўтимсиз феълли мажҳуллик нисбати шаклидаги бундай нофаол гапларни «квази-шахссиз гаплар» термини билан атайди. Тадқиқотчи бу терминни танлашини шундай изоҳлайди: «Квази-шахссиз гаплар деб биз гап структурасидан, яъни нутқдан чиқарилган шахснинг ҳаракатини мазмунан ифодалаб, формал жиҳатдан шахссиз гаплар билан алоқадор бўлган гапларни атаймиз[111]. Муаллифнинг таъкидлашича, бундай гаплар фақат грамматик (структур-семантик) шаклланишига кўра шахссиз гапларга қўйиладиган талабларга жавоб беради. Ўзбек тилидаги бундай гапларнинг кесими морфологик шаклига кўра ҳаракатни юзага келтирувчини кўрсатмайди. Лекин мазмунан бу гаплар шахсли бўлиб, инглиз тилига таржимада шахсли гап шаклини оладилар[112].

Ўзбек тилининг ўзидан келиб чиқиб шахссиз гапларга ёндашилса, уларнинг табиатини бошқачароқ изоҳлашга тўғри келади. «Шахссиз гаплар бир составли гапларнинг эгасини топиш мумкин бўлмаган туридир. Кесимдан англашилган ҳаракатнинг бажарувчиси — логик субъект англашилиб турса ҳам, ўша субъектни билдирадиган сўз — грамматик эга бундай гапда қатнаша олмайди: кесим бу сўз билан, умуман, бошқа элемент билан ҳам, предикатив муносабатга кириша олмайди»[113].

Мажҳуллик нисбатининг ўтимсиз феълли шакллари тузадиган бир аъзоли нофаол гапларнинг семантикасидан одам, шахс(лар) фаолияти доирасидаги ҳаракат англашилади. Ҳатто ҳаракатни бажаришда қайси шахслар иштирок этиши матндан сезилиши ҳам

---

[111] С а т и м о в Г. Х. Типология безличных предложений. Ташкент: Фан. 1987. С. 66—72.

[112] С а т и м о в Г. Х. Типология безличных предложений. С. 67—72.

[113] Ғ у л о м о в А. Ғ., А с қ а р о в а М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. 134-бет.

мумкин. Масалан: *Келаси якшанба сизларникига борилади.* Демак, борувчилар I ва III шахсларга мансуб. Ёки: *Дилбарларникига айлана сўқмоқ йўл билан юрилди.* Бунда ҳаракатни бажарган шахс(лар) сўзловчи ва унинг атрофидаги одамлардир. Бажарилиши инсон шахси билан боғлиқ ҳаракат ёки ҳолатни ифодалаган бундай гапларни «шахссиз» деб аташдан кўра «эгасиз» ёки «эгаси йўқ гаплар»деб номлаш тўғрироқ бўлади[114].

Рус тилининг таъсири, тўғрироғи, рус тилидан сўзма-сўз таржиманинг натижаси тарзида ўзбек тилининг грамматик қурилишига хилоф бўлса ҳам бир аъзоли нофаол тузилмаларнинг эга билан қўлланишига оз бўлса-да мисоллар учради. Масалан: *Масала Тошкент билан келишилган,— деди райком секретари* (П. Қ. ) гапи рус тилидаги *Вопрос согласован с Ташкентом,— сказал секретарь райкома* гапининг айнан таржимасидир. Ўзбекчада бу гап шундай тузилса, тўғри бўларди: *Бу масалада* (ёки масала бўйича) *Тошкент билан келишилган.*

Демак, мажҳуллик нисбатининг шакллари субъект валентлигини ифодалашига кўра уч хил қийматга эга: 1) субъектнинг вазиятдаги аҳамияти камайтирилади; 2) субъектнинг фаолияти ифодаланади, лекин шахси грамматик жиҳатдан ноаниқ — мажҳул бўлади; 3) субъектни билдирувчи шахснинг ўзи вазиятда ноаниқ бўлади. Субъектнинг мажҳуллиги даражаси тузилмада объект валентининг юзага чиқиши, яъни мажҳуллик нисбати шаклларининг ўтимли ёки ўтимсиз феъллардан ясалишига боғлиқ. Тузилмада ҳаракат объекти валентлигининг ифодаланиши субъект валентлигининг ифодада очиқ ёки яширин қайд этилишига, эга ўрнининг бўш қолмаслигига имкон беради. Ўтимсиз феъллардан ясалган мажҳуллик нисбати шакллари объект валентлигига эга эмаслиги сабабли улар тузган гапларда объектни ифодаловчи эга актанти қайд этилмайди, субъект валентлиги яширин тарзда ҳам ифодаланмайди. Бундай бир аъзоли пассив (эгаси йўқ) тузилмаларнинг семантикаси инсон (шахс) фаолиятига доир ҳаракатни ифодалайди, холос.

---

[114] Расулов И. Односоставные предложения в современном узбекском литературном языке. АДД. Ташкент, 1973. С. 24.

## III ДАРАЖА НИСБАТЛАРИ

II даражадаги нисбат шакллари ифодалайдиган семантик вазиятлардаги субъект, объект ва предикатнинг муносабати қайта тузилиши ва янги семантик вазиятлар туғилиши воқеликда учраб туради. II даражадаги (иккиламчи) нисбат шаклларига хос семантик вазиятлардаги ўзгариш объект-предикат йўналишида кузатилади: вазиятга янги объект валентлиги киритилади ёки вазиятда мавжуд бўлган объект валентлигининг семантик вазиятдаги роли ўзгартирилади. II даража нисбат шаклларига иккинчи нисбат кўрсаткичининг қўшилиши билан III даражадаги орттирма ва мажҳуллик нисбатлари шакллари ясалади. III даража нисбат шакллари гапнинг тузилишини янги нисбат табиатига мослаб ўзгартиради ва субъект ҳамда предикатнинг кейинги муносабати қайд этилган бошқа диатезалар яратилади. Одатда ҳар қайси нисбат кўрсаткичининг тузилма кўринишини ҳар гал қандай ўзгартираётганини синтактик ясалиш йўлини кузатиш билан аниқлаш мумкин бўлади.

### ОРТТИРМА (КАУЗАТИВ) НИСБАТ

Орттирма нисбат шакллари II даражадаги ўзлик, биргалик ва орттирма нисбат шаклларига яна бир орттирма нисбат кўрсаткичининг қўшилиши билан ясалади.

а) *ўзлик нисбати шаклларидан ясалган орттирма нисбат шакллари: -(и)нтир, -(и)лтир.* Ўзлик нисбати шакллари нисбатлар тартиботида фақат бир марта — II даражага хос нисбат шакллари сифатида мавжуд бўлади ва вазифа бажаради. Ўзлик нисбати шакллари ўтимли феъллардан ясалади ва бунда у ўтимсиз феълга айланади, ўзлик нисбатига хос диатезалар тузилмада объект валентлигининг кўринмаслиги билан характерланади. Ўтимсиз феълли тузилма билан ифодаланадиган семантик вазиятга объект валентлигини киритиш зарурияти ўзлик нисбати шаклининг орттирма нисбат шаклига ўтишини тақозо этади. Чунки, юқорида кўриб ўтганимиздек, орттирма нисбат кўрсаткичлари ўтимсиз феълни ўтимлига айлантириш, каузатив вазиятларни ифодалашнинг энг қулай воситаларидир. Масалан, бош нисбатга хос *Холида бу воқеани ўйлади* гапи ўзлик нисбатида *Холида ўйланди*

шаклини олади, бу нисбатда объект валентлигига эга эмаслик асосий хусусиятдир. Шунинг учун объект валентлиги тузилмадан чиқиб кетади. Лекин воқеликда Холидани ўйлантирган сабаб элементи, табиийки, мавжуд ва уни ифодалаш каузатив семантик вазиятни талаб этади. Каузатив семантик вазият ўзлик нисбати вазиятидаги ижрочи — Холидани каузаллаш объекти сифатида орттирма нисбат тузилмасида қайд этади: *Бу воқеанинг дабдурустдан бўлиб ўтиши Холидани ўйлантирди.* Тузилмаларнинг таркиби ўзгариши: $С_1О_1П$ (бош н.)→$С_1П$ (ўзлик н.)→$С_2О_1П$ (орттирма н.).

2. *Кампир йўқ чоқларда Унсин болаларни ювинтиради.* Гапни детерминантсиз таҳлил қилиш қулай, шунинг учун:

Бош н.: *Болалар қўлларини ювадилар* — $С_1О_1П$.
Ўзл.н.: *Болалар ювинадилар*—$С_1П$
Орт.н.: *Унсин болаларни ювинтиради*—$С_2О_1П$

«Болаларнинг қўлларини ювишлари» семантик вазиятида контакт каузатив (қўлларнинг ювилиш ҳолатига ўтиши, «болалар» — каузалловчи субъект) ифодаланган бўлса, ўзлик нисбатида каузативга хос маънонинг объекти каузалловчи субъектлар — болалар бўлиб қолади. Болаларнинг ювиш ҳаракатлари уларнинг ўзларига қаратилади (болалар ўзларини ювадилар). Тузилма орттирма нисбат шаклида қайта тузилганда, янги каузалловчи субъект (Унсин)нинг тузилмага кириши билан унинг каузалловчи «ювиш» ҳаракатининг объекти «болалар» бўлиб қолади, яна контакт каузаллаш вазияти яратилади. Унсиннинг «ювиш» ҳаракати сабабли болалар ювинганлик ҳолатига ўтадилар (натижа акти). Бу жараённи нутқда ифодалаш учун бош нисбатдан сўнг ўзлик нисбатига хос «Болалар ювиндилар» тузилмаси зарур эди.

3. *Сен укангни кийинтир, боғчага олиб борамиз.* Қўшма гапнинг биринчи қисми таҳлил учун етарли. Бу тузилманинг ўзгариш босқичлари шундай кўрсатилиши мумкин:

Бош н.: *Уканг кийимларини кийди* — $С_1О_1П$
Ўзл.н.: *Уканг кийинди* — $С_1П$
Орт.н.: *Сен укангни кийинтир* — $С_2О_1П$

Кўринадики, уканинг кийиниш ҳаракати уч нисбатда: субъект, объект ва предикатнинг уч хил муносабати нуқтаи назаридан ёритиляпти.

III даражадаги нисбат тузилмаларининг бош нис-

битга хос дастлабки тузилмалардан келиб чиқиш йўлини айрим вақтларда тиклашнинг иложи бўлмай қолади. Айниқса, бош ва ўзлик нисбатларига хос тузилишлар ўртасидаги алоқани тиклашнинг баъзан қийинлиги II даражага хос нисбат шаклларининг III даража нисбат шакллари учун асос бўлиб қолганликларининг нутқда муҳимлигини кўрсатади.

Мисоллар:

1. Орт.н.: *Тақдир қурғур бизни ҳар қадамда қ о қ и л т и р а д и* (О.).

Ўзл.н.: *Биз ҳар қадамда тақдирдан қ о қ и л а м и з* (?)

Бош н.: *Бизни ҳар қадамда тақдир қ о қ а д и* (?)

2.Орт.н.: *Ит тилини иссиқдан о с и л т и р г а н.*

Ўзл.н.: *Итниг тили иссиқдан о с и л г а н* (Ў.Ҳ.)

Бош н.: *Ит тилини иссиқдан о с г а н* (?)

б) *биргалик нисбати шаклларидан ясалган орттирма нисбат шакли: -(и)штир.* III даражадаги орттирма нисбат шакллари II даражадаги биргалик нисбати шаклларидан ясала олади. Биргалик нисбати тузилишидаги субъект(лар) орттирма нисбат тузилишида объект ўрнига ўтади, каузалловчи субъект ўрнига янги сўз киритилади ва каузатив муносабат юзага келади. Мисоллар:

1. Орт.н.: *Бугун Мария Васильевна уни райком бюроси аъзолари билан т а н и ш т и р д и* (Ас.М.) — $C_3C_1C_2П$.

Бирг.н.: *У райком бюроси аъзолари билан т а н и ш д и* —$C_1C_2П$.

Бош н.: *У райком бюроси аъзоларини т а н и д и* —$C_1O_1П$.

2. Орт.н.: *Сиз бизни мулла Ғулом билан к ў р и ш т и р с а н г и з* (М.Исм.). — $C_3C_1C_2П$.

Бирг.н.: *Биз мулла Ғулом билан к ў р и ш с а к* — $C_1C_2П$.

Бош н.: *Биз мулла Ғуломни к ў р с а к* — $C_1O_1П$.

Бу мисолларда $C_2$ — иккинчи ижрочи валентлигини ифодалайди ва асос тузилмада $O_1$ мавқеида воситасиз тўлдирувчи вазифасида қайд этилади ($O_1 \rightarrow C_2$).

Орттирма нисбат шакллари биргалик нисбатининг ўзаро биргалик маъносини ифодалайдиган шаклларидан ясалади. Ҳосил бўлган шакл уюштирувчи тузилма каузатив характерда бўлиб, биргалик нисбатида тузилмада ифодаланадиган ўзаро биргаликдаги ҳаракат семантик вазиятини юзага келтиришда ка-

узалловчи субъектнинг фаолиятини ифодалайди. Қиёсланг: *Мен Наргиза билан танишдим*. Бу вазиятда *«танишиш»* ҳаракатини ижрочи ҳам, иккинчи ижрочи ҳам биргаликда бажаряптилар. Лекин семантик вазиятда танишиш учун сабаб бўлган омил — шахс, предмет ёки воқеа-ҳодиса: *Студентлик даври мени Наргиза билан таништирди*. Бу семантик вазиятдан менинг Наргиза билан танишишим учун сабаб бўлган омил студентлик даври эканлиги англашилади.

Биргалик нисбатининг ўзаро биргалик шакллари ўтимсиз, объект валентлигига эга бўлмаган ҳаракатни ифодалайди. Бу шакллар орттирма нисбат қўшимчаларини олгач, ўтимлилашади: тузилмада объект валентлигини ифодаловчи тўғри тўлдирувчи актанти пайдо бўлади. У бош нисбатга хос диатезада ижрочи валентлигини ифодалаган.

Орттирма нисбат шакллари биргалик нисбатининг кўмаклашиш маъноли шаклларидан ясалмайди. Чунки бу шакллар англатадиган ҳаракат ўтимли бўлиб, семантик вазиятда субъектларнинг ўзаро ҳамкорлиги билан бирга объектни каузаллаш маъноси ҳам ифодаланади. Масалан: *Мен опамга олчаларни теришдим* мисолида олчаларни терган асосий шахс — *опам* (иккинчи ижрочи), сўзловчи шахс унга ёрдамлашиши билан шу вазиятни юзага чиқарувчи ижрочи ҳамдир. *Олчалар* сўзи субъектларнинг «териш» каузаллаш ҳаракатининг объектидир. Субъектларнинг ўзаро муносабати, уларнинг биргаликда объектга каузаллаш муносабати ифодаланган бундай мураккаб семантик вазиятга орттирма нисбатда яна бир каузалловчи субъект валентлигини киритиб, қайта каузатив тузилма қуриш ниҳоятда қийин.

в) *орттирма нисбат шаклларидан ясалган орттирма нисбат шакллари: -ттир, -каздир, -киздир,...* III даражадаги орттирма нисбат шакллари II даражадаги асли ўтимсиз бўлган феълларнинг орттирма нисбат шаклларидан ясалади. Юқорида айтилганидек, ўтимсиз феъллардан II даражадаги орттирма нисбат шаклларининг ясалиши кўп учрайдиган ҳодиса. Ҳаракат маъносини кучайтириш, уни объект валентига эга қилиш, қолаверса, шу объект ёки пациенсда ифодаланган нарса ёки шахснинг ҳолатини ўзгартириш зарурияти ўтимсиз феълларни орттирма нисбатнинг кўрсаткичлари ёрдамида ўтимлилаштириш, семантик вазият имкониятига кўра контакт каузативни ифодалашни тақозо этади: *Машина юрди* (бош нисбат). *Аброр*



*машинани юргизди* (орттирма нисбат, контакт каузатив). Тузилмага яна бир каузалловчи субъектни олиб кириш семантик вазиятда ҳам янги каузатив — дистант каузативлик муносабатининг юзага келганидан дарак беради: *ДАЙ ходими Аброрга машинани юргиздирди* (П. Қ.). Демак, III даражадаги орттирма нисбат шакллари тузувчи тузилмалар II даражадаги орттирма нисбат шакллари тузилмаларидан каузалловчи субъект валентлигининг ортиқлиги билан фарқланади. Кейинги тузилма феъл сўзшаклда орттирма нисбатнинг яна бир кўрсаткичи қайд этилиши билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Нутқда тузилманинг айрим актантлари, кўп ҳолларда гапнинг жўналиш келишигидаги воситали тўлдирувчи ёки объектни ифодаловчи тўғри тўлдирувчи бўлакларининг тушиб қолиши учраб туради. Лекин бундан мазмунга халал етмайди. Мисоллар:

1. *Кампир кўзига дорини томиздирди* («Изоҳли луғат», 200-бет).
2. *Аброр Вазиранинг билетини рўйхатдан ўтказдирди* (П. Қ.).
3. *Лутфинисо дам ўтмасдан келиб, исириқ тутаттирар эди* (О.)
4. *Ота детдомга кириб, мени рўйхатдан ўчиртирдилар* (Ш. Ҳ.).
5. *Шу ерда кутиб туринг, кечгача етказдирaман* (П. Қ.).

Тузилмаларда дистант каузативнинг белгиси — вазиятдаги ҳаракатнинг восита билан бажарилишини кўрсатувчи воситали тўлдирувчининг таъсири муҳим эмас. Кесимнинг предикативлик шакли, нисбат кўрсаткичларининг сўзшаклдаги миқдорининг ўзиёқ каузативнинг табиати тўғрисида маълумот беради.

Ҳаракатни бевосита бажарувчи субъект (бош нисбатга хос гаплардаги ижрочи)нинг тузилмада одатда жўналиш келишигида келиши барқарор. Ёзувчи Абдулла Қодирийнинг асарларида эса воситали тўлдирувчининг чиқиш келишигида келиши қайд этилади: *Ўзбек ойим Ойбодоқдан (Ойбодоққа) исириқ тутаттириб, аввало Кумушга солдирар эди*. Ёки: *Биз фақат илқимизни эмас, ўзимизни ҳам Азизбекдан (Азизбекка) қийнатмоқдамиз*.

Ўтимли феълли II даража орттирма нисбат шаклларидан III даражадаги шу нисбат шакллари оз ясалади. Фақат *ол-, буз-, бўя-, ёз-, ишла-, ич-, ува-, сўра-, текисла-, тозала-, юв-, қоп-, ҳайда-* каби

саноқли феълларга семантик вазият талаби билангина орттирма нисбат қўшимчалари кетма-кет икки марта қўшила олади. Мисоллар:

1. *Бошлиқ боғ қоровулига айтиб, йўлкаларни т о з а л а т т и р д и, ток сўриларнинг баргларини т е к и с л а т т и р д и* —$C_3C_2(C_1)O_1П$, $O_1П$.

2 *Кампир ўғли орқали ўша топилмас дориларни о л д и р т и р д и* .—$C_3C_2(C_1)O_1П$. Бундай гапларда ифодаланаётган каузатив уч қаватли: контакт каузатив →I дистант каузатив→II дистант каузатив. Тузилмада ишни бевосита бажарувчи шахс (воситали тўлдирувчи актанти) қайд этилмайди. Тузилмада иккинчи каузалловчи субъект жўналиш келишигида «айтиб» равишдоши билан ва бош келишикда «орқали» кўмакчиси билан бирга ифодаланади. Сўнгги, учинчи, каузалловчи субъект тузилманинг ижрочиси сифатида, семантик вазиятни тегишли шаклда юзага чиқарувчи актант сифатида муҳим аҳамиятга эга. Лекин бундай гап мураккаб қурилишга эгалиги сабабли нутқда қулай эмас.

## 2. МАЖҲУЛЛИК НИСБАТИ

III даражанинг мажҳуллик нисбати шакллари II даражанинг орттирма ва биргалик нисбатлари шаклларидан ясалади. Мажҳуллик нисбати шакллари бунда хам шу нисбатнинг грамматик маъносини сақлайди: субъект фаолиятининг натижаси бўлмиш семантик вазиятларни юзага чиқаради. Лекин тузилмаларда субъект валентлигини ифодаловчи актантлар қайд этилмайди.

а) *орттирма нисбат шаклларидан ясалган мажҳуллик нисбати шакллари: -тил, -тирил, -казил,...* III даражанинг мажҳуллик нисбати шакллари асосан орттирма нисбат шаклларидан ясалади. Чунки орттирма нисбат шакллари ўтимли ҳаракатни ифодалаши, объект валентлигини бошқариши билан бундай хусусиятларга эга бўлмаган биргалик нисбати шаклларига қараганда мажҳуллик нисбати шаклларини ҳосил қилиш учун қулай шароитга эгадир.

Орттирма нисбатга хос тузилмалар нисбат шаклларининг ўтимсиз феълдан ёки ўтимли феълдан ясалганига қараб бир каузативли ва икки каузативли бўлади. Орттирма нисбат шаклининг мажҳуллик нисбати кўрсаткичини олиши билан нофаол тузил

мали гап ҳосил бўлади: объект актанти (тўғри тўлдирувчи) эга ўрнига ўтади, орттирма нисбат вазиятидаги ижрочи (гапнинг эгаси) актанти тузилмадан чиқиб кетади. Агар орттирма нисбат шакли билан тузилган гапда каузатив вазият ифодаланса, предикатив шакл мажҳуллик нисбатига ўтгач, тузиладиган нофаол қурилма шу каузаллаш ҳаракатининг натижасини ифодалайди. Мисоллар:

1. *Лойқа сув челакларда тиндирилди*. Мисолдаги III даражага хос мажҳуллик нисбати шакли сувнинг тиниши ўзича эмас, каузалловчи фаолияти туфайли амалга ошганини англатади. Шу гапнинг нисбатлар бўйича кўринишларини қиёсланг:

Бош н.: *Лойқа сув челакларда тинди* (ўзича)— $С_1О_2П$.

Орт.н.: *Аёл лойқа сувни челакларда тиндирди* —$С_2О_1О_2П$.

Мажҳ.н.: *Лойқа сув челакларда тиндирилди* — $С_1О_2П$ (ўзича эмас, каузалловчи субъект фаолияти натижасида).

2. *Ғўзалар сувга тўйдирилди*. Бу мисолда ҳам ғўзаларнинг сувга тўйишига сувчининг фаолияти натижасида эришилгани акс эттирилган:

Бош.н.: *Ғўзалар сувга тўйди* — $С_1О_2П$.

Орт.н.: *Сувчи ғўзаларни сувга тўйдирди* — $С_2О_1О_2П$.

Мажҳ.н: *Ғўзалар сувга тўйдирилди* (ўзича эмас, сувчининг ҳаракати натижасида).

Кўп ҳолларда вазиятнинг ифодаланаётган ҳаракат ёки ҳолатнинг объектига (пациенсига) тааллуқли эканлиги кўринади. Орттирма нисбатга хос тузилмадаги объект актанти мажҳуллик нисбатида гапнинг эгаси ўрнига ўтади. У ўтимсиз феъл лексеманинг семантикасига кўра бош нисбатда ҳам грамматик эга вазифасини бажаради (юқоридаги мисолларга қаранг). Ғўзаларнинг ўзича, сувчи меҳнатисиз сувга тўйиши ёки сувнинг челакларда аёл иштирокисиз тиниши ғайритабиий ҳодиса эмас. Шундай семантик вазиятлар воқеликда мавжуд: ғўзалар сув тошиши ёки ёғингарчилик сабабли сувга тўйиши, сув ҳовузда ёки ариқда (шахс фаолиятидан ташқарида) тиниши мумкин. Лекин айрим феъллар борки, уларнинг семантикасидан англашиладиган ҳаракат ёки ҳолат бош нисбатга хос гапларда ифодалана олмайди. Эга мавқеида келувчи нарса ёки воқеа-ҳодисани ифодаловчи сўз бундай семантик вазиятни юзага келтиришга объек-

тив қодир эмас. Бундай семантик вазиятлар орттирма нисбат тузилмаларида юзага чиқиши мумкин. Масалан: *Қадаҳлр т ў л с и н / т ў л д и* дея олмаймиз, чунки қадаҳ ўзича тўлмайди. Демак, *Қадаҳлар т ў л д и р и л с и н / т ў л д и р и л д и* дейиш мумкин. Ёки *Авиация бўлинмаларига янги самолётлар ва вертолётлар келган* («Ёшлен.») дейиш мантиқан тўғри бўлмайди, бу гапни III даражанинг мажҳуллик нисбати шакли билан *Авиация бўлинмаларига янги самолётлар ва вертолётлар к е л т и р и л г а н* деб тузиш керак. Шунингдек, *Ер остига дренаж қувурлари ё т қ и з и л г а н, Қумлоқ ерларга қарағай ў т қ а з и л д и, Эмлаш бир ёшу икки ойликда ў т к а з и л д и, Тоғ райони т у г а т и л д и* гапларидан англашилган вазиятларнинг ҳам дастлабки, бош нисбатга хос ҳолатлари йўқ. Бу семантик вазиятлар аввал орттирма, кейин мажҳуллик нисбатлари кўрсаткичларининг гапнинг предикатив шаклида қайд этилиши билан каузаллаш амали ва унинг натижаси тарзида юзага келади.

Бош нисбатдаги семантик вазиятнинг субъекти ижрочи (шахс) бўлганда феълнинг нисбат шакли ўзгариши билан тузилмада унинг роли ўзгаришини қуйидаги мисолларда кўрайлик:

1. Бош.н.: *Суннат шаҳар касалхонасига ё т д и* (ўз хоҳиши билан).— $С_1П$.

Орт.н.: *Онаси Суннатни шаҳар касалхонасига ё т қ и з д и*.— $С_2С_1П$.

Мажҳ.н.: *Суннат шаҳар касалхонасига ё т қ и з и л д и* (бошқа шахснинг фаолияти натижаси).— $С_1(С_2)П$.

2. Бош.н.: *Каримов вазифасидан б ў ш а д и* — $С_1О_2П$.

Орт.н.: *Директор Каримовни вазифасидан бўшатди* — $С_2О_1О_2П$. Бу ерда $О_1 \rightarrow С_1$.

Мажҳ.н.: *Каримов вазифасидан б ў ш а т и л д и* — $С_1О_2П$. Лекин иккинчи субъект — директорнинг ($С_2$) бу семантик вазиятдаги роли сезилиб турибди.

Нисбат моделининг ўзгаришида каузатив вазиятни ифодаловчи орттирма нисбатнинг аҳамияти катта. Ўтимсиз феълларни ўтимлилаштириб, тузилмада объект валентлигини юзага келтириши, айни пайтда каузатив муносабат ифодалаши билан орттирма нисбат мажҳуллик нисбатига хос семантик вазиятнинг туғилишига имконият яратади. Мажҳуллик нисбатида каузалловчи субъект фаолиятининг натижаси бўлиб юзага келган

нинги семантик вазиятнинг ифодаланишида омил қатнашади. Мажҳуллик нисбатига хос тузилмада каузалловчи субъект валентлиги акс этмаган ҳолларда ҳам унинг таъсири яширин ифодаланади. Лекин каузалловчининг кимлиги, шакли ёки нималиги мажхулдир.

Орттирма нисбатдаги каузалловчининг воситали тўлдирувчи вазифасида келиши билан уч аъзоли (тўлиқ) нофаол тузилмалар қурилиши III даражада ҳам учрайди. Масалан. *Жавобгар шахс суд мажлисига милиция томонидан келтирилди.* Орттирма нисбатда бу гап *Милиция жавобгар шахсни суд мажлисига келтирди* шаклида тузилади. Бош нисбатда: *Жавобгар шахс суд мажлисига келди.* Демак, нисбат шакллари дастлабки объектсиз тузилмани объектли, каузатив тузилмага, ундан субъектсиз, каузаллаш натижаси бўлмиш вазиятни ифодаловчи тузилмага айлантиради.

Мажҳуллик нисбати шакллари орттирма нисбатнинг икки субъектли туридан ҳам ясала олади. Бундай тузилган диатезалар андозада ижрочининг йўналиш келишиги шаклидаги ўрни мавжудлиги билан фарқланади. Нутқда каузалловчи ва ижрочиларнинг иккови ҳам ифодаланиши ёки биттаси қисқариши кузатилади. Объект актанти барча нофаол тузилмалардагидек эга ўрнига ўтади, чунки вазиятнинг мавзусини билдиради. Масалан:

1. Бош н.: *Пўлат рангли қаламлар олди* — $С_1О_1П$.

Орт.н.: *Нодир Пўлатга рангли қаламлар олдирди* — $С_2С_1О_1П$.

Мажҳ.н.: *Рангли қаламлар Пўлатга олдирилди* — $О_1С_1П$.

II даражадаги мажҳуллик нисбати шакллари каби III даражадаги мажҳуллик нисбати шакллари ҳам фаол, каузатив ҳаракатнинг натижасини объектнинг янги, эришган ҳолати тарзида ифодалайдилар. Шу жиҳатдан II ва III даража мажҳуллик нисбатига хос гапларни қиёслаб кўрайлик. Масалан, *Колхозчилар зовурни тозаладилар* гапи II даражанинг мажҳуллик нисбатида *Зовурлар колхозчилар томонидан тозаланди* шаклини олади. Колхозчиларнинг ташаббуси билан контакт каузатив натижасида зовурларнинг тозаланганлик ҳолати қайд этиляпти. Орттирма нисбатда ташқаридан кирган каузалловчи субъект (унинг бирликда ёки кўпликда эканлигининг аҳамияти йўқ), масалан, бригадир ташаббусни ўз қўлига олади ва

унинг буйруғи, илтимоси, кўрсатмаси билан дистант каузатив шароитини яратиб, колхозчилар топшириқни бажарадилар: *Бригадир колхозчиларга зовурларни т о з а л а т д и*. III даражадаги мажҳуллик нисбати билан тузилган нофаол тузилма мана шу шакли билан тузилган нофаол тузилма мана шу дистант каузативнинг натижасини объектнинг ҳолати сифатида ифодалайди: *Зовурлар бригадирнинг кўрсатмаси билан колхозчиларга т о з а л а т и л д и*.

2. Бош н.: *Ўтган ҳафта рус тили дарсида ўқувчилар «Бизнинг оиламиз» деган мавзуда иншо ё з г а н л а р*.

*Орт.н.: Ўтган ҳафта рус тили дарсида ўқитувчи ўқувчиларга «Бизнинг оиламиз» деган мавзуда иншо ё з д и р г а н*.

*Мажҳ.н.: Ўтган ҳафта рус тили дарсида ўқувчиларга «Бизнинг оиламиз» деган мавзуда иншо ё з д и р и л д и* (Ас.М.).

б) *биргалик нисбати шаклларидан ясалган мажҳуллик нисбати шакли: -(и) шил.*

Мажҳуллик нисбати шаклларининг биргалик нисбати шаклларидан ясалиши сийрак бўлса-да учрайди: *кўришилди, учрашилди, сўзлашилмоқда* каби туради: Бу шакллар қатнашган гаплар субъектлар биргаликда бажарган ҳаракатнинг натижасини ифодалайди. Масалан:

1. Бирг.н.: *Совет делегацияси аъзолари Скопле шаҳри мэри билан у ч р а ш д и л а р*.

Мажҳ.н.: *Скопле шаҳри мэри билан у ч р а ш и л д и*.

2. Бирг.н.: *Мен қудам билан тўйнинг шартлари ҳақида с ў з л а ш д и м* (П. Қ.).

Мажҳ.н.: *Қудам билан тўйнинг шартлари ҳақида с ў з л а ш и л д и*.

Мисоллардан кўринадики, биргалик нисбати ифодаси мажҳуллик нисбатида қайта тузилганда асосий қурилмадаги грамматик эга мавқеида семантик вазиятнинг асосий ижрочиси валентлигини билдирайтган актант тузилмага кирмайди, бу актантнинг тушиб қолиши кузатилади. Баъзан матнда феъл сўзшаклида мажҳуллик нисбати кўрсаткичининг қўша қўлланишини учратамиз: *Маҳсулот ишлаб чиқаришни оширишда фан-техниканинг янги ютуқлари қ ў л л а н и л д и*. Ёки: *Текисликнинг бурчак масофаси ў л ч а н и л м о қ ч и бўлган икки нуқтадан ўтган* («Астрономия дарслигидан). Мажҳуллик нисбати кўрсаткичининг иккинчи қўшилиши биринчи қўшимчанинг маъноси



хиралашганини билдиради (биринчи мисол) ёки ортиқча қўллаш бўлади (иккинчи мисол).

## IV ДАРАЖА НИСБАТИ

Феъл нисбатлари тартиботида IV даража фақат мажҳуллик нисбатидан иборат. IV даражадаги мажҳуллик нисбати шакллари III даражадаги орттирма (каузатив) нисбат шаклларидан ясалади. Демак, феъл сўзшакл таркибида учта нисбат қўшимчасининг қўшилиб келишини кўрамиз. Сўнгги, мажҳуллик нисбати, кўрсаткичининг қўшилиши билан орттирма нисбатга хос тузилманинг қурилиши ўзгаради: объектни билдирувчи актант эга мавқеига ўтади, орттирма нисбат тузилмасида бу мавқеда ифодаланаётган ижрочи актанти чиқиб кетади.

IV даража мажҳуллик нисбати шаклларида нисбат қўшимчаларининг қўшилиш тартиби қуйидагича бўлади:

1. Феъл лексема + ўзлик нисбати қўшимчаси + орттирма нисбат қўшимчаси + мажҳуллик нисбати қўшимчаси: *ясантирилди, кийинтирилди, ювинтирилди.*

2. Феъл лексема + биргалик нисбати қўшимчаси + орттирма нисбат қўшимчаси + мажҳуллик нисбати қўшимчаси: *таништирилди, кўриштирилди.*

3. Феъл лексема + орттирма нисбат қўшимчаси + орттирма нисбат қўшимчаси + мажҳуллик нисбати қўшимчаси: *ўқиттирилди, тиктиртирилди, ёздиртирилди.*

Мажҳуллик нисбати шакллари ўзлик нисбати шакллари каби ўтимли феъллардан ясалади (II даражада). Ўзлик нисбати тузилмаларида турли усуллар билан объектни билдирувчи актантнинг чиқарилишига эришилса, мажҳуллик нисбати тузилмасида объектни субъектнинг ўрнига ўтказиш билан унинг тузилмадаги мавқеи кучайтирилади ва, аксинча, субъектнинг ролини пасайтириш ёки уни бутунлай тузилмадан чиқариш кузатилади. Иккала ҳолатда ҳам кўринадики, тузилмаларда объект валентлиги ифодаланмаса ва феълнинг ифодасизланиши рўй берса ҳам, бунинг сабаблари тубдан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам ўзлик нисбати мажҳуллик нисбатидек кейинги даражаларда бошқа

нисбатлардан ясалиш имкониятига эга бўлолмайди, фақат бош нисбат асосида юзага келади. Мажҳуллик нисбати эса бош нисбат асосида ҳам, II даражанинг орттирма ва биргалик нисбатлари, III даражанинг орттирма нисбати асосида ҳам туғилиши мумкин. Чунки бу нисбатларга хос тузилмалар объект валентлигини ифодаловчи тўғри тўлдирувчи актантига эгалиги, семантикасига кўра каузатив вазиятни ифодалаши билан мажҳуллик нисбатига хос гапларнинг тузилишига қулай асос бўладилар. Объект валентлиги орттирма нисбат тузилмасидагидек яққол ифодаланмаган биргалик нисбати тузилмасида ижрочи ва иккинчи ижрочи ўзаро биргалик ҳаракатини юзага чиқаришда бир бирлари ҳаракатининг айни пайтда объекти ҳамдирлар. Шунинг учун биргалик нисбати шаклидан ясалган III даражадаги мажҳуллик нисбати шакли тузадиган гапда иккинчи ижрочи ёки пациенс объектлиликни кўпроқ билдирувчи валентлик бўлгани учун воситали тўлдирувчи мавқеидаги актант сифатида ифодада сақланади. IV даражадаги мажҳуллик нисбати шакллари учун ясалиш асоси бўлиб III даражадаги орттирма нисбат шакллари хизмат қилади. Чунки мажҳуллик нисбати шакллари объект грамматик эга ўрнида ифодаланадиган, субъекти кучсиз ифодаланган ёки номаълум бўлган мажҳуллик нисбати шаклларидан қайта ясала олмайди. III даражадаги энг кучли ва мураккаб каузатив вазиятни ифодаловчи орттирма нисбатдан туғилган IV даража нисбат — мажҳуллик нисбати субъект, объект ва предикат муносабатининг энг сўнгги ҳолатини ифодалайди. Мисоллар:

1. *Келин ясантирилди. Яса* феълининг *безаш* семасидан ўзлик нисбатига хос *ясанди* шакли ҳосил қилинади. *Келин ясанди* синтагматик-предикатив бирикуви *ясаниш* ҳаракатини келиннинг ўзи бажарганини англатади. Сўзшаклда орттирма нисбат кўрсаткичининг пайдо бўлиши бу тузилмада каузалловчи субъект мавжудлигини, унинг каузаллаш фаолиятининг объекти келин эканлигини англатувчи семантик вазият туғилганини билдиради: *Аёллар келинни ясантирдилар*. Бундан кейинги мажҳуллик нисбати қўшимчаси воситасида тузилган нофаол тузилма шу каузатив вазиятда бажарилган ҳаракатнинг натижасини келиннинг ҳолати тарзида ифодалайди. Нофаол тузилма уч аъзоли ёки икки аъзоли бўлиши мумкин. Қиёсланг: *Келин аёллар томонидан ясантирилди*. → *Келин ясантирилди*.

2. *Ўқувчилар магнит майдони билан таништирилди.* IV даража нисбат шакли билан тузилган бу гап сўнгги шаклигача нисбатлар бўйича шундай тузилган:

Бош н.: *Ўқувчилар магнит майдонини танидилар?*

*Бирг.н.: Ўқувчилар магнит майдони билан танишдилар.*

*Орт.н.: Ўқитувчи ўқувчиларни магнит майдони билан таништирди.*

*Мажҳ.н.: Ўқувчилар магнит майдони билан таништирилди.*

*3. Вагонлар бўшаттирилди.*

*Бош.н.: Вагон бўшади.*

*Орт.н.: Биз вагонларни бўшатдик.*

*Орт.н.: Биз вагонларни юкчиларга бўшаттирдик.*

*Мажҳ.н.: Вагонлар бўшаттирилди.*

III даражадаги *Вагонлар бўшатилди* нофаол тузилмасидан IV даража *Вагонлар бўшаттирилди* нофаол тузилмаси вазият мазмунида бир каузалловчи субъект валентлигининг ортиқлиги билан фарқланади. IV даражадаги мажҳуллик нисбатига хос «лексема + орттирма нисбат қўшимчаси + орттирма нисбат қўшимчаси + мажҳуллик нисбати қўшимчаси» тарзида тузилган шакллар феъл лексема ўтимсиз бўлганда қулай тузилади ва қўлланади.

Мисолларнинг таҳлили шуни кўрсатадики:

1. Нисбат қўшимчаларининг сўзшакл таркибида нечта қўлланиши ва кўп бўлса, қай тартибда қўлланиши ҳар гал семантик вазиятга, унинг бош нисбатга хос семантик вазиятга муносабатига кўра белгиланади.

2. Сўзшаклдаги ҳар бир нисбат қўшимчаси ўз грамматик маъноси билан қатнашади.

3. Нисбат қўшимчалари сўзшаклда учга қўлланган бўлса, бу сўзшакл IV даража нисбатини кўрсатувчи, ўзида бош нисбат билан бирга тўрт нисбатнинг грамматик маъносини жамлаган шакл бўлади.

4. Нисбат тузилмалари, нисбат қўшимчалари сўзшаклда бир неча қатнашган бўлса, охирги нисбат кўрсаткичига қараб тузилади.

Қуйида ўтимли ва ўтимсиз феълларнинг валент ва нисбатланиш имкониятларини кўрсатувчи жадваллар берилади.

## 1. Ўтимли феълларнинг валент ва нисбатланиш имкониятлари

| № | Бош нисбат | Валентлиги | Мажҳуллик нисбати | Ўзлик нисбати | Биргалик нисбати | Орттирма нисбат |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Авайламоқ | 2 | авайланмоқ | — | — | — |
| 2. | Азобламоқ | 2 | азобланмоқ | азобланмоқ | — | азоблатмоқ |
| 3. | Айбламоқ | 3 | айбланмоқ | — | — | — |
| 4. | Айтмоқ | 3 | айтилмоқ | — | айтишмоқ | айттирмоқ |
| 5. | Айирмоқ | 3 | айрилмоқ | айрилмоқ | — | — |
| 6. | Алдамоқ | 2 | алданмоқ | алданмоқ | — | алдатмоқ |
| 7. | Алишмоқ | 3 | алишилмоқ | алишинмоқ | — | алиштирмоқ |
| 8. | Алмашмоқ | 2 | алмашилмоқ | алмашинмоқ | — | алмаштирмоқ |
| 9. | Артмоқ | 3 | артилмоқ | артинмоқ | артишмоқ | арттирмоқ |
| 10. | Арчимоқ | 3 | арчилмоқ | арчилмоқ | арчишмоқ | арчитмоқ |
| 11. | Асосламоқ | 2 | асосланмоқ | — | — | — |
| 12. | Асрамоқ | 3 | асралмоқ | — | | асратмоқ |
| 13. | Атамоқ | 3 | аталмоқ | атанмоқ | — | — |
| 14. | Аямоқ | 3 | аялмоқ | — | — | — |
| 15. | Ағдармоқ | 3 | ағдарилмоқ | ағдарилмоқ | ағдаришмоқ | ағдартирмоқ |
| 16. | Бажармоқ | 2 | бажарилмоқ | — | бажаришмоқ | бажартирмоқ |
| 17. | Баландламоқ | 2 | — | — | — | — |
| 18. | Баҳоламоқ | 3 | баҳоланмоқ | — | баҳолашмоқ | баҳолатмоқ |

| № | Бош нисбат | Валентлиги | Мажҳуллик нисбати | Ўзлик нисбати | Биргалик нисбати | Орттирма нисбат |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 19. | Беламоқ | 3 | беланмоқ | беланмоқ | белашмоқ | — |
| 20. | Безамоқ | 3 | безалмоқ | безанмоқ | безашмоқ | безатмоқ (айн. безамоқ), |
| 21. | Белгиламоқ | 3 | белгиланмоқ | — | — | белгилатмоқ |
| 22. | Бермоқ | 3 | берилмоқ | берилмоқ | беришмоқ | бердирмоқ |
| 23. | Билмоқ | 3 | билинмоқ | билинмоқ | билишмоқ | билдирмоқ |
| 24. | Босмоқ | 3 | босилмоқ | — | босишмоқ | бостирмоқ |
| 25. | Бошламоқ | 3 | бошланмоқ | бошланмоқ | бошлашмоқ | бошлатмоқ |
| 26. | Бошқармоқ | 2 | бошқарилмоқ | — | — | — |
| 27. | Боқмоқ | 2—(3) | боқилмоқ | — | боқишмоқ | боқизмоқ, боқтирмоқ |
| 28. | Боғламоқ | 3 | боғланмоқ | боғланмоқ | боғлашмоқ | боғлатмоқ |
| 29. | Бузмоқ | 2 | бузилмоқ | бузилмоқ | бузишмоқ | буздирмоқ |
| 30. | Букмоқ | 3 | букилмоқ | букилмоқ | букишмоқ | буктирмоқ |
| 31. | Буркамоқ | 3 | буркалмоқ | бурканмоқ<br>буркалмоқ | — | — |
| 32. | Бурмоқ | 4 | бурилмоқ | бурилмоқ | буришмоқ | — |
| 33. | Буюрмоқ | 3 | буюрилмоқ | — | — | буюртир |
| 34. | Бўлмоқ | 3 | бўлинмоқ | бўлинмоқ | бўлишмоқ | бўлдирмоқ |
| 35. | Бўямоқ | 3 | бўямоқ<br>бўянмоқ | бўянмоқ<br>бўялмоқ | бўяшмоқ | бўятмоқ |
| 36. | Бўғмоқ | 3 | бўғилмоқ | бўғилмоқ | бўғишмоқ | бўғдирмоқ |

| № | Бош нисбат | Валентлиги | Мажҳуллик нисбати | Ўзлик нисбати | Биргалик нисбати | Орттирма нисбат |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 37. | Гапирмоқ | 2 | гапирилмоқ | — | гапиришмоқ | гапиртирмоқ |
| 38. | Демоқ | 2 | дейилмоқ | — | — | дедирмоқ |
| 39. | Емоқ | 3 | ейилмоқ | ейилмоқ | ейишмоқ | едирмоқ |
| 40. | Емирмоқ | 2—(3) | емирилмоқ | — | — | — |
| 41. | Енгмоқ | 3 | — | — | — | — |
| 42. | Ечмоқ | 2—(3) | ечилмоқ | ечинмоқ<br>ечилмоқ | ечишмоқ | ечирмоқ<br>ечтирмоқ |
| 43. | Ёзмоқ[1] | 3 | ёзилмоқ | ёзилмоқ | ёзишмоқ | ёздирмоқ |
| 44. | Ёзмоқ[2] | 3 | ёзилмоқ | ёзилмоқ | ёзишмоқ | ёздирмоқ |
| 45. | Ёймоқ | 3 | ёйилмоқ | ёйилмоқ | ёйишмоқ | ёйдирмоқ |
| 46. | Ёлланмоқ | 3 | ёлламоқ | ёлланмоқ | — | ёллатмоқ |
| 47. | Ёпмоқ | 3 | ёпилмоқ | ёпинмоқ | — | ёптирмоқ |
| 48. | Ёрмоқ | 3 | ёрилмоқ | ёрилмоқ | ёришмоқ | ёрдирмоқ |
| 49. | Ёқмоқ | 3 | ёқилмоқ | — | — | ёқтирмоқ |
| 50. | Жазоламоқ | 2 | жазоланмоқ | — | — | жазолатмоқ |
| 51. | Жойламоқ | 3—(4) | жойланмоқ | жойланмоқ | — | — |
| 52. | Изламоқ | 3 | изланмоқ | изланмоқ | — | излатмоқ |
| 53. | Илмоқ | 3 | илинмоқ | илинмоқ | — | илдирмоқ |
| 54. | Имламоқ | 3 | — | — | имлашмоқ | — |
| 55. | Исботламоқ | 3 | исботланмоқ | — | — | исботлатмоқ |



| № | Бош нисбат | Валентлиги | Мажҳуллик нисбати | Ўзлик нисбати | Биргалик нисбати | Орттирма нисбат |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 56. | Искамоқ | 3 | — | — | искашмоқ | искатмоқ |
| 57. | Истамоқ | 2 | исталмоқ | — | — | — |
| 58. | Ишламоқ | 3 | ишланмоқ | — | ишлашмоқ | ишлатмоқ |
| 59. | Итармоқ | 3 | итарилмоқ | — | итаришмоқ | итартирмоқ |
| 60. | Ичмоқ | 3 | ичилмоқ | — | ичишмоқ | ичирмоқ |
| 61. | Йиқмоқ | 2 | — | йиқилмоқ | — | йиқитмоқ |
| 62. | Йиғмоқ | 3 | йиғилмоқ | йиғилмоқ | йиғишмоқ | йиғдирмоқ |
| 63. | Йўқламоқ | 2 | йўқланмоқ | — | йўқлашмоқ | йўқлатмоқ |
| 64. | Каллакламоқ | 2 | каллакланмоқ | — | каллаклашмоқ | каллаклатмоқ |
| 65. | Калтакламоқ | 3 | калтакланмоқ | — | — | калтаклатмоқ |
| 66. | Камситмоқ | 3 | камситилмоқ | — | — | — |
| 67. | Кезмоқ | 2 | — | кезинмоқ | — | кездирмоқ |
| 68. | Кермоқ | 3 | керилмоқ | керилмоқ | — | — |
| 69. | Кесмоқ | 3 | кесилмоқ | — | кесишмоқ | кестирмоқ |
| 70. | Киймоқ | 3 | кийилмоқ | кийинмоқ | — | кийдирмоқ<br>кийгизмоқ |
| 71. | Ковламоқ | 4 | ковланмоқ | | ковлашмоқ | ковлатмоқ |
| 72. | Коймоқ | 2 | — | — | — | койитмоқ |
| 73. | Куйламоқ | 4 | куйланмоқ | койинмоқ | — | куйлатмоқ |
| 74. | Кутмоқ | 3 | кутилмоқ | — | — | куттирмоқ |
| 75. | Кўммоқ | 3 | кўмилмоқ | — | кўмишмоқ | кўмдирмоқ |

| № | Бош нисбат | Валентлиги | Мажҳуллик нисбати | Ўзлик нисбати | Биргалик нисбати | Орттирма нисбат |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 76. | Кўрмоқ | 3 | кўрилмоқ | кўмилмоқ | кўришмоқ | кўрсатмоқ |
| 77. | Кўтармоқ | 3 | кўтарилмоқ | кўринмоқ | кўтаришмоқ | кўтартирмоқ |
| 78. | Майдаламоқ | 2 | майдаланмоқ | кўтарилмоқ | — | майдалатмоқ |
| 79. | Маъқулламоқ | 3 | маъқулланмоқ | — | — | маъқуллатмоқ |
| 80. | Мақтамоқ | 2 | мақталмоқ | мақтанмоқ | — | — |
| 81. | Маҳкамламоқ | 3 | маҳкамланмоқ | — | маҳкамлашмоқ | маҳкамлатмоқ |
| 82. | Минмоқ (ў-ли, ў-сиз) | 2 | минилмоқ | — | — | миндирмоқ |
| 83. | Мукофотламоқ | 3 | мукофотланмоқ | — | — | — |
| 84. | Муҳрламоқ | 2—(3) | муҳрланмоқ | — | — | муҳрлатмоқ |
| 85. | Олмоқ | 3 | олинмоқ | олинмоқ | олишмоқ | олдирмоқ |
| 86. | Ортмоқ | 3 | ортилмоқ | ортилмоқ | ортишмоқ | орттирмоқ |
| 87. | Осмоқ | 3 | осилмоқ | осилмоқ | — | остирмоқ |
| 88. | Отмоқ | 3 | отилмоқ | отилмоқ | отишмоқ | оттирмоқ |
| 89. | Очмоқ | (2)—3 | очилмоқ | очилмоқ | очишмоқ | очирмоқ очтирмоқ |
| 90. | Оқламоқ | 2—(3) | оқланмоқ | — | оқлашмоқ | оқлатмоқ |
| 91. | Пайқамоқ | 2—(3) | пайқалмоқ | — | — | — |
| 92. | Пулламоқ | 3 | пулланмоқ | — | — | пуллатмоқ |
| 93. | Сайламоқ | (2)—3 | сайланмоқ | | — | сайлатмоқ |
| 94. | Санчмоқ | 3—(4) | санчилмоқ | санчилмоқ | санчишмоқ | санчитмоқ |

| № | Бош нисбат | Валентлиги | Мажҳуллик нисбати | Ўзлик нисбати | Биргалик нисбати | Орттирма нисбат |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 95. | Сарфламоқ | 3 | сарфланмоқ | — | — | — |
| 96. | Сақламоқ | (2)—3 | сақланмоқ | сақламоқ | — | сақлатмоқ |
| 97. | Севмоқ | 2 | севилмоқ (I, II ш.) | — | сепишмоқ | севдирмоқ |
| 98. | Сезмоқ | 2 | сезилмоқ | — | — | сездирмоқ |
| 99. | Сепмоқ | 3 | сепилмоқ | — | сепишмоқ | септирмоқ |
| 100. | Силкимоқ | 3 | силкинмоқ | силкинмоқ | — | силкитмоқ |
| 101. | Ситмоқ | 2—(3) | ситилмоқ | ситилмоқ | — | ситтирмоқ |
| 102. | Созламоқ | 2 | созланмоқ | — | — | созлатмоқ |
| 103. | Солмоқ | (2)—3 | солинмоқ | солинмоқ | солишмоқ | солдирмоқ |
| 104. | Сотмоқ | (2)—3 | сотилмоқ | сотилмоқ | сотишмоқ | соттирмоқ |
| 105. | Сочмоқ | (2)—3 | сочилмоқ | сочилмоқ | сочишмоқ | сочтирмоқ |
| 106. | Соғмоқ | 3 | соғилмоқ | — | соғишмоқ | соғдир |
| 107. | Сувамоқ | 2—(3) | сувалмоқ | — | сувашмоқ | суватмоқ |
| 108. | Судрамоқ | (2)—3 | судралмоқ | судралмоқ | судрашмоқ | судратмоқ |
| 109. | Сузмоқ[1] (овқатни) | 3 | сузилмоқ | — | сузишмоқ | суздирмоқ |
| 110. | Сузмоқ[2] (кўзини) | 3 | — | сузилмоқ | сузишмоқ | суздирмоқ |
| 111. | Суймоқ | 2 | суйилмоқ | — | суйишмоқ | суйдирмоқ |
| 112. | Сурмоқ | (2)—3 | сурилмоқ | сурилмоқ | суришмоқ | сурдирмоқ |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 113. | Суямоқ | (2)—3 | суялмоқ | суянмоқ суялмоқ | суяшмоқ | — |
| 114. | Суғурмоқ | (2)—3 | суғурилмоқ | суғурилмоқ | суғуришмоқ | суғуртирмоқ |
| 115. | Сўзламоқ (ў-ли) | 3 | сўзланмоқ | сўзланмоқ | сўзлашмоқ | сўзлатмоқ |
| 116. | Сўкмоқ[1] | 2 | сўкилмоқ | сўкилмоқ | сўкишмоқ | сўктирмоқ |
| 117. | Сўкмоқ[2] | 2 | — | сўкинмоқ | сўкишмоқ | — |
| 118. | Сўрамоқ | 3 | сўралмоқ | — | сўрашмоқ | сўратмоқ |
| 119. | Тайёрламоқ | 3 | тайёрланмоқ | тайёрланмоқ | тайёрлашмоқ | тайёрлатмоқ |
| 120. | Тайинламоқ | (2)—3 | тайинланмоқ | — | — | — |
| 121. | Такрорламоқ | 2 | такрорланмоқ | такрорланмоқ | — | такрорлатмоқ |
| 122. | Тамомламоқ | 2—(3) | тамомланмоқ | — | — | тамомлатмоқ |
| 123. | Танимоқ | 3 | танилмоқ | танилмоқ | танишмоқ | танитмоқ |
| 124. | Тарамоқ | 3 | таралмоқ | таралмоқ таранмоқ | — | таратмоқ |
| 125. | Тарбияламоқ | 2—(3) | тарбияланмоқ | — | — | — |
| 126. | Тасдиқламоқ | 3 | тасдиқланмоқ | — | — | тасдиқлатмоқ |
| 127. | Ташламоқ (ў-ли, ў-сиз) | 3 | ташланмоқ | ташланмоқ | ташлашмоқ | ташлатмоқ |
| 128. | Таъкидламоқ | (2)—3 | таъкидланмоқ | — | — | — |
| 129. | Таъминламоқ | (2)—3 | таъминланмоқ | — | — | — |
| 130. | Таърифламоқ | 3 | таърифланмоқ | — | — | — |
| 131. | Тақамоқ | (2)—3 | тақалмоқ | тақалмоқ | — | — |
| 132. | Тақсимламоқ | (2)—3 | тақсимланмоқ | — | тақсимлашмоқ | тақсимлатмоқ |
| 133. | Тезламоқ (ў-ли, ў-сиз) | 3 | тезланмоқ | — | — | тезлатмоқ |



| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 134. | Текисламоқ | 3 | текисланмоқ | — | текислашмоқ | текислатмоқ |
| 135. | Текширмоқ | 2 | текширилмоқ | — | текширишмоқ | текширтирмоқ |
| 136. | Тепмоқ (ў-ли, ў-сиз) | 2—(3) | тепилмоқ | тепинмоқ | тепишмоқ | тептирмоқ |
| 137. | Термоқ | 4 | терилмоқ | терилмоқ | теришмоқ | тердирмоқ |
| 138. | Тизмоқ | 3 | тизилмоқ | тизилмоқ | тизишмоқ | тиздирмоқ |
| 139. | Тикламоқ | 2 | тикланмоқ | тикланмоқ | тиклашмоқ | тиклатмоқ |
| 140. | Тиламоқ | 2—(3) | тиланмоқ | тиланмоқ | тилашмоқ | тилатмоқ |
| 141. | Тингламоқ | 2—(3) | тингламоқ | — | — | — |
| 142. | Тирамоқ | 3 | тиралмоқ | тиралмоқ | — | — |
| 143. | Тиркамоқ | 3 | тиркалмоқ | — | тиркашмоқ | тиркатмоқ |
| 144. | Титмоқ | 2—(3) | титилмоқ | титинмоқ титилмоқ | титишмоқ | титтирмоқ |
| 145. | Тозаламоқ | 3 | тозаланмоқ | — | тозалашмоқ | тозалатмоқ |
| 146. | Топмоқ (ў-ли, ў-сиз) | 3 | топилмоқ | топилмоқ | топишмоқ | топтирмоқ |
| 147. | Топширмоқ | 3 | топширилмоқ | — | — | топширтирмоқ |
| 148. | Тортмоқ | 5 | тортилмоқ | тортинмоқ тортилмоқ | тортишмоқ | торттирмоқ |
| 149. | Тугмоқ (ў-ли, ў-сиз) | 3 | тугилмоқ | тугилмоқ | тугишмоқ | тугдирмоқ |
| 150. | Тузамоқ | 4 | тузалмоқ | тузанмоқ (диал.) | тузашмоқ | тузатмоқ |
| 151. | Тузмоқ | 4 | тузилмоқ | — | тузишмоқ | туздирмоқ |
| 152. | Туймоқ[1] (сезиш) | 3 | — | туйилмоқ | — | туйдирмоқ |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 153. | Туймоқ$^{2}$ (янчиш) | 3 | туйилмоқ | — | туйишмоқ | туйдирмоқ |
| 154. | Туртмоқ | 3—(4) | туртилмоқ | туртинмоқ туртилмоқ | туртишмоқ | турттирмоқ |
| 155. | Тутмоқ (ў-ли, ў-сиз) | 4 | тутилмоқ | тутинмоқ тутилмоқ | тутишмоқ | тутқизмоқ туттирмоқ |
| 156. | Тушунмоқ (ў-ли, ў-сиз) | (1)—2 | тушунилмоқ | — | — | тушунтирмоқ |
| 157.. | Туғмоқ (ў-ли, ў-сиз) | 2 | — | туғилмоқ | — | туғдирмоқ |
| 158. | Тўкмоқ | 4—(5) | тўкилмоқ | тўкилмоқ | тўкишмоқ | тўктирмоқ |
| 159. | Тўпламоқ | 3 | тўпланмоқ | тўпланмоқ | тўпланмоқ | тўплатмоқ |
| 160. | Тўламоқ | 3 | тўланмоқ | — | тўлашмоқ | тўлатмоқ |
| 161. | Тўсмоқ | 3 | тўсилмоқ | — | — | тўстирмоқ |
| 162. | Тўшамоқ | 2—(3) | тўшалмоқ | — | — | тўшатмоқ |
| 163. | Тўғриламоқ | 3 | тўғриланмоқ | тўғриланмоқ | — | тўғрилатмоқ |
| 164. | Узмоқ | 4 | узилмоқ | узилмоқ | — | уздирмоқ |
| 165. | Уймоқ | 3 | уйилмоқ | уйилмоқ (қовоғи) | — | уйдирмоқ |
| 166. | Улашмоқ | 4 | улашилмоқ | — | — | — |
| 167. | Уламоқ | (2)—3 | уланмоқ | — | — | улатмоқ |
| 168. | Улуғламоқ | 2—(3 | улуғланмоқ | — | — | — |
| 169. | Унашмоқ | 3 | унашилмоқ | — | унашишмоқ | унаштирмоқ |
| 170. | Ундамоқ | 3 | ундалмоқ | — | — | — |
| 171. | Унутмоқ | 3 | унутилмоқ | — | — | унуттирмоқ |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 172. | Урмоқ (ў-ли, ў-сиз) | 4 | урилмоқ | уринмоқ урилмоқ | уришмоқ | урдирмоқ |
| 173. | Ушламоқ | 4 | ушланмоқ | ушланмоқ | ушлашмоқ | ушлатмоқ |
| 174. | Уқмоқ | 3 | уқилмоқ | — | — | уқтирмоқ |
| 175. | Хушламоқ | 2 | — | — | хушлашмоқ | хушлатмоқ |
| 176. | Чайнамоқ | 2 | чайналмоқ | чайналмоқ | — | чайнатмоқ |
| 177. | Чайқамоқ | 2 | чайқалмоқ | чайқалмоқ | — | чайқатмоқ |
| 178. | Чорламоқ | 2 | чорланмоқ | — | — | — |
| 179. | Чақирмоқ | 4 | чақирилмоқ | — | чақиришмоқ | чақиртирмоқ |
| 180. | Четламоқ (ў-ли, ў-сиз) | 2 | — | четланмоқ | — | четлатмоқ |
| 181. | Чизмоқ | 4 | чизилмоқ | — | — | чиздирмоқ |
| 182. | Чимирмоқ | 2 | чимирилмоқ | чимирилмоқ | — | — |
| 183. | Чопмоқ | 3 | чопилмоқ | — | чопишмоқ | чоптирмоқ |
| 184. | Чулғамоқ | 3 | чулғанмоқ | чулғанмоқ | — | чулғатмоқ |
| 185. | Чўзмоқ | 3 | чўзилмоқ | чўзилмоқ | чўзишмоқ | чўздирмоқ |
| 186. | Шиббаламоқ | (2)—3 | шиббаланмоқ | — | шиббалашмоқ | шиббалатмоқ |
| 187. | Эгалламоқ | 2—(3) | эгалланмоқ | — | — | эгаллатмоқ |
| 188. | Эгмоқ | 3 | эгилмоқ | эгилмоқ | эгишмоқ | эгдирмоқ |
| 189. | Эзмоқ | 3 | эзилмоқ | эзилмоқ | эзишмоқ | эздирмоқ |
| 190. | Эзғиламоқ | (2)—3 | эзғиланмоқ | — | — | эзғилатмоқ |
| 191. | Экмоқ | 2—(3) | экилмоқ | — | экишмоқ | эктирмоқ |
| 192. | Эммоқ | 2 | — | — | — | эмизмоқ |
| 193. | Эркаламоқ | 2—(3) | — | эркаланмоқ | — | эркалатмоқ |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 194. | Эсламоқ | 2 | эсланмоқ | — | — | эслатмоқ |
| 195. | Эъзозламоқ | 2 | эъзозланмоқ | — | — | — |
| 196. | Эшитмоқ (ў-ли, ў-сиз) | 1—2—3 | эшитилмоқ | эшитилмоқ | — | эшиттирмоқ |
| 197. | Юбормоқ | 4 | юборилмоқ | — | — | юбортирмоқ |
| 198. | Ювмоқ | 3—(4) | ювилмоқ | ювинмоқ | ювишмоқ | ювдирмоқ |
| 199. | Юлмоқ | 3 | юлинмоқ | — | юлишмоқ | юлдирмоқ |
| 200. | Юммоқ | 3 | юмилмоқ | юмилмоқ | — | юмдирмоқ |
| 201. | Ютмоқ[1] | 3 | ютилмоқ | ютинмоқ | — | юттирмоқ |
| 202. | Ютмоқ[2] | 3 | ютилмоқ | — | — | ютқазмоқ |
| 203. | Якунламоқ | 2—(3) | якунланмоқ | — | — | — |
| 204. | Янгиламоқ | 2 | янгиланмоқ | янгиланмоқ | — | янгилатмоқ |
| 205. | Янчмоқ | 3 | янчилмоқ | — | янчишмоқ | янчтирмоқ |
| 206. | Яратмоқ | (2)—3 | яратилмоқ | — | — | — |
| 207. | Ясамоқ | 3 | ясалмоқ | ясанмоқ | ясашмоқ | ясатмоқ |
| 208. | Яширмоқ | (2)—3 | яширилмоқ | яширинмоқ | — | — |
| 209. | Ўгирмоқ | (2)—3 | ўгирилмоқ | ўгирилмоқ | — | ўгиртирмоқ |
| 210. | Ўйламоқ (ў-ли, ў-сз) | 2 | — | ўйланмоқ | ўйлашмоқ | ўйлатмоқ |
| 211. | Ўйнамоқ (ў-ли, ў-сиз) | (2)—3 | ўйланмоқ | — | ўйнашмоқ | ўйнатмоқ |
| 212. | Ўпирмоқ | 2 | ўпирилмоқ | ўпирилмоқ | — | — |
| 213. | Ўрамоқ | 3 | ўралмоқ | ўранмоқ ўралмоқ ўртанмоқ | — | ўратмоқ |
| 214. | Ўртамоқ | 3 | — | ўртанмоқ | — | — |
| 215. | Ўрмоқ[1] (соч) | 2 | ўрилмоқ | — | ўришмоқ | ўрдирмоқ |
| 216. | Ўрмоқ[2] (дон) | 3 | ўрилмоқ | — | ўришмоқ | ўрдирмоқ |
| 217. | Ўгирламоқ | 4 | ўгирланмоқ | — | ўгирлашмоқ | ўгирлатмоқ |
| 218. | Ўқимоқ (ў-ли) | 3 | ўқилмоқ | — | — | ўқитмоқ |
| 219. | Қадамоқ | 3—(4) | қадалмоқ | қадалмоқ | қадашмоқ | қадатмоқ |
| 220. | Қайирмоқ | 3 | қайрилмоқ | қайрилмоқ | — | қайиртир |
| 221. | Қаламоқ | 3 | қаланмоқ | — | қалашмоқ | қалатмоқ |
| 222. | Қарамоқ | 2—(3) | — | қаранмоқ | қарашмоқ | қаратмоқ |
| 223. | Қарғамоқ | 2 | — | қарғанмоқ | қарғашмоқ | қарғатмоқ |
| 224. | Қидирмоқ | 3 | қидирилмоқ | — | қидиришмоқ | қидиртирмоқ |
| 225. | Қиёсламоқ | 3 | қиёсланмоқ | — | — | — |
| 226. | Қийнамоқ | 3 | қийналмоқ | қийналмоқ | — | қийнамоқ |
| 227. | Қилмоқ | 3 | қилинмоқ (кўм. ф.) | — | — | қилдирмоқ (кўм. ф.) |
| 228. | Қисмоқ | 3 | қисилмоқ | қисилмоқ қисинмоқ (диал.) | қисишмоқ | қистирмоқ |
| 229. | Қирмоқ | 3 | қирилмоқ | қиринмоқ | қиришмоқ | қирдирмоқ |
| 230. | Қирқмоқ | 3 | қирқилмоқ | қирқилмоқ | қирқишмоқ | қирқтирмоқ |
| 231. | Қовурмоқ | 3 | қовурилмоқ | қовурилмоқ | қовуришмоқ | қовуртирмоқ |
| 232. | Қозонмоқ | 3 | қозонилмоқ | — | — | — |
| 233. | Қопламоқ[1] | 3 | қопланмоқ | қопланмоқ | — | қоплатмоқ |
| 234. | Қопламоқ[2] | 2 | қопланмоқ | — | қоплашмоқ | қоплатмоқ |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 235. | Қораламоқ | 3 | қораланмоқ | — | — | қоралатмоқ |
| 236. | Қоқмоқ | 4 | қоқилмоқ | қоқинмоқ<br>қоқилмоқ | қоқишмоқ | қоқтирмоқ<br>қоқитмоқ |
| 237. | Қувламоқ | 3 | қувланмоқ | — | қувлашмоқ | қувлатмоқ |
| 238. | Қувмоқ<br>(ў-ли, ў-сиз) | (1)—4 | қувилмоқ | — | қувишмоқ | қувдирмоқ |
| 239. | Қуймоқ<br>(ў-ли) | (1)—4 | қуйилмоқ<br>қуйилмоқ | қуйинмоқ | қуйишмоқ | қуйдирмоқ |
| 240. | Қурмоқ | 3 | қурилмоқ | — | қуришмоқ | қурдирмоқ |
| 241. | Қутқармоқ | 3 | қутқарилмоқ | — | қутқаришмоқ | — |
| 242. | Қўзғамоқ<br>(ў-ли, ў-сиз) | (1)—3 | қўзғалмоқ | қўзғалмоқ | — | қўзғатмоқ |
| 243. | Қўймоқ | 4 | қўйилмоқ | — | — | қўйдирмоқ |
| 244. | Қўлламоқ | 3 | қўлланмоқ | — | — | — |
| 245. | Қўшмоқ | 3 | қўшилмоқ | қўшилмоқ | — | қўштирмоқ |
| 246. | Ғижимламоқ | 4 | — | ғижимланмоқ | — | ғижимлатмоқ |
| 247. | Ҳидламоқ | 2 | — | ҳидланмоқ | ҳидлашмоқ | ҳидлатмоқ |
| 248. | Ҳисобламоқ | 3 | ҳисобланмоқ | ҳисобланмоқ | ҳисоблашмоқ | ҳисоблатмоқ |
| 249. | Ҳайдамоқ | 4 | ҳайдалмоқ | — | ҳайдашмоқ | ҳайдатмоқ |
| 249 | Жами: | | 228 | 130 | 129 | 204 |

## 2. Ўтимсиз феълларнинг валент ва нисбатланиш имкониятлари

| № | Бош нисбат | Валент-лиги | Мажҳуллик нисбати | Ўзлик нисбати | Биргалик нисбати | Орттирма нисбат |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Адашмоқ | 2 | — | — | | адаштирмоқ |
| 2. | Ажрамоқ | 3 | — | ажралмоқ | — | ажратмоқ |
| 3. | Айланмоқ | 2 | — | — | — | айлантирмоқ |
| 4. | Айнимоқ | 1—(2) | — | — | ажрашмоқ | айнитмоқ |
| 5. | Арзимоқ | 2 | — | — | — | арзитмоқ |
| 6. | Аримоқ | 1 | — | — | — | аритмоқ |
| 7. | Ачимоқ | 2 | — | ачинмоқ | — | ачитмоқ |
| 8. | Балқимоқ | 1 | — | — | — | балқитмоқ |
| 9. | Бақирмоқ | 2 | бақирилмоқ | — | — | бақиртирмоқ |
| 10. | Безмоқ | 2 | — | — | — | бездирмоқ |
| 11. | Бирикмоқ | 1—(2) | — | — | — | бириктирмоқ |
| 12. | Битмоқ | 2 | — | — | — | битирмоқ<br>битказмоқ |
| 13. | Бормоқ | 3—(4) | борилмоқ | — | — | бордирмоқ («Из. л.») |
| 14. | Ботмоқ | 2 | — | — | — | ботирмоқ |
| 15. | Бужмаймоқ | 2 | — | — | — | бужмайтирмоқ |
| 16. | Бўлмоқ | 2 | бўлинмоқ | — | — | бўлдирмоқ |
| 17. | Бўртмоқ | 2 | — | — | — | бўртгирмоқ |
| 18. | Бўшамоқ | 2 | — | бўшалмоқ<br>бўшанмоқ | — | бўшатмоқ |

| № | Бош нисбат | Валентлиги | Мажҳуллик нисбати | Ўзлик нисбати | Биргалик нисбати | Орттирма нисбат |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 19. | Гарангсимоқ | 1 | — | — | — | гарангситмоқ |
| 20. | Гангимоқ | 1 | — | — | — | гангитмоқ |
| 21. | Гулламоқ | 1—(2) | — | — | — | гуллатмоқ |
| 22. | Гурилламоқ | 1 | — | — | — | гуриллатмоқ |
| 23. | Гумбурламоқ | 1 | — | — | — | гумбурлатмоқ |
| 24. | Дарангламоқ | 1 | — | — | — | даранглатмоқ |
| 25. | Диккаймоқ | 1 | — | — | — | диккайтирмоқ |
| 26. | Елмоқ | 1 | — | — | — | елдирмоқ |
| 27. | Енгилламоқ | 2 | — | енгилланмоқ | — | енгиллатмоқ |
| 28. | Етмоқ | 2 | — | етилмоқ | — | етказмоқ |
| 29. | Ёнмоқ | 2 | — | — | — | ёндирмоқ |
| 30. | Ёлвормоқ | 2 | — | — | — | — |
| 31. | Ёримоқ | 1—(2) | — | — | — | ёритмоқ |
| 32. | Ётмоқ | 2 | ётилмоқ | — | — | ётқизмоқ |
| 33. | Ёқмоқ | (1)—2 | — | — | — | ёқтирмоқ |
| 34. | Ёғмоқ | 2 | — | ёғилмоқ | — | ёғдирмоқ |
| 35. | Жавдирамоқ | 1 | — | — | — | жавдиратмоқ |
| 36. | Жилмаймоқ | 2 | — | — | жилмайишмоқ | жилмайтирмоқ |
| 37. | Жилмоқ | 3 | — | — | — | жилдирмоқ |
| 38. | Жимирламоқ | 2 | — | — | — | жимирлатмоқ |
| 39. | Жирингламоқ | 1 | — | — | — | жиринглатмоқ |
| 40. | Жунжимоқ | (1)—2 | — | — | — | жунжитмоқ |
| 41. | Жўнамоқ | 4 | жўналмоқ | — | — | жўнатмоқ |
| 42. | Ивимоқ | (1)—2 | — | — | — | ивимоқ |
| 43. | Ижирғанмоқ | 1 | — | — | — | ижирғантирмоқ |
| 44. | Илжаймоқ | 2 | — | — | — | илжайтирмоқ |
| 45. | Илимоқ | 2 | — | — | — | илитмоқ |
| 46. | Интилмоқ | 2 | — | — | — | интилтирмоқ («Из. л.») |
| 47. | Иргимоқ | (1)—2 | — | — | — | иргитмоқ |
| 48. | Иргишламоқ | 2 | — | — | — | иргишламоқ |
| 49. | Исимоқ | (1)—2 | — | исинмоқ | — | иситмоқ |
| 50. | Ишламоқ | 1 | ишланмоқ | — | ишлашмоқ | ишлатмоқ |
| 51. | Ишонмоқ | 3 | ишонилмоқ | — | — | ишонтирмоқ |
| 52. | Йилтилламоқ | (1)—2 | — | — | — | йилтиллатмоқ |
| 53. | Йилтирамоқ | (1)—2 | — | — | — | йилтиратмоқ |
| 54. | Йиғламоқ | 2 | йиғланмоқ | — | йиғлашмоқ | йиғлатмоқ |
| 55. | Йўламоқ | (1)—2 | — | — | — | йўлатмоқ |
| 56. | Йўналмоқ | 2 | — | — | — | йўналтирмоқ |
| 57. | Йўталмоқ | 2 | — | — | — | йўталтирмоқ |
| 58. | Йўқолмоқ | 2 | — | — | — | йўқотмоқ |
| 59. | Келмоқ | 3 | келинмоқ | — | келишмоқ | келтирмоқ |
| 60. | Кенгаймоқ | 1 | — | — | — | кенгайтирмоқ |
| 61. | Кетмоқ | 2—(3) | — | — | — | кетказмоқ |
| 62. | Кечмоқ | (1)—2 | кечилмоқ | — | — | кечирмоқ |

| № | Бош нисбат | Валентлиги | Мажҳуллик нисбати | Ўзлик нисбати | Биргалик нисбати | Орттирма нисбат |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 63. | Кирмоқ | 2 | кирилмоқ | — | — | киргизмоқ<br>киритмоқ |
| 64. | Кечикмоқ | 2—(3) | кечикилмоқ | — | — | кечиктирмоқ |
| 65. | Кулмоқ | 2 | — | — | кулишмоқ | кулдирмоқ |
| 66. | Курашмоқ | 1—(2) | курашилмоқ | — | — | — |
| 67. | Кучаймоқ | 1—(2) | — | — | — | кучайтирмоқ |
| 68. | Кўкармоқ | 2 | — | — | — | кўкартирмоқ |
| 69. | Кўнмоқ | 2 | — | — | — | кўндирмоқ |
| 70. | Кўпаймоқ | 1 | — | — | — | кўпайтирмоқ |
| 71. | Кўпирмоқ | 1 | — | — | — | кўпиртирмоқ |
| 72. | Кўчмоқ | 3 | кўчилмоқ | — | — | кўчирмоқ |
| 73. | Липилламоқ | 1 | — | — | — | липиллатмоқ |
| 74. | Минмоқ | 2 | минилмоқ | — | — | миндирмоқ |
| 75. | Мўраламоқ | 3 | — | — | — | — |
| 76. | Озмоқ[1] | 2 | — | — | — | оздирмоқ |
| 77. | Озмоқ[2] | 3 | — | — | — | оздирмоқ |
| 78. | Озаймоқ | 1 | — | — | — | озайтирмоқ |
| 79. | Олаймоқ | 1 | — | — | олайишмоқ | олайтирмоқ |
| 80. | Орзиқмоқ | 1 | — | — | — | орзиқтирмоқ |
| 81. | Ортмоқ | 2—(3) | — | — | — | орттирмоқ |
| 82. | Оқмоқ | 2 | — | — | — | оқизмоқ |
| 83. | Оқармоқ | 2 | — | — | — | оқартирмоқ |



| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 84. | Ошмоқ | 3 | ошилмоқ | — | — | оширмоқ |
| 85. | Оғримоқ | 1—(2) | — | оғринмоқ | — | оғритмоқ |
| 86. | Патилламоқ | 1 | — | — | — | патилламоқ |
| 87. | Пилдирамоқ | 1 | — | — | — | пилдиратмоқ |
| 88. | Пирпирамоқ | 2 | — | — | — | пирпиратмоқ |
| 89. | Пишмоқ | 1—(2) | — | — | — | пиширмоқ |
| 90. | Ранжимоқ | 3 | — | — | — | ранжитмоқ |
| 91. | Сайрамоқ | 1—(2) | — | — | — | сайратмоқ |
| 92. | Сакрамоқ | 3 | — | — | — | сакратмоқ |
| 93. | Салангламоқ | 1 | — | — | — | саланглатмоқ |
| 94. | Сарғаймоқ | 2 | — | — | — | сарғайтирмоқ |
| 95. | Сачрамоқ | 2 | — | — | — | сачратмоқ |
| 96. | Сўзламоқ (ў-сиз) | 3 | сўзланмоқ | сўзланмоқ | сўзлашмоқ | сўзлатмоқ |
| 97. | Семирмоқ | 2 | — | — | — | семиртирмоқ |
| 98. | Синмоқ | 2 | — | — | — | синдирмоқ |
| 99. | Сиғмоқ | 2 | — | — | — | сиғдирмоқ |
| 100. | Совимоқ | 2 | — | — | — | совитмоқ |
| 101. | Сузмоқ | 2 | сузилмоқ | — | сузишмоқ | суздирмоқ |
| 102. | Сусаймоқ | 1 | — | — | — | сусайтирмоқ |
| 103. | Сўлмоқ | 1—(2) | — | — | — | сўлдирмоқ<br>сўлитмоқ |
| 104. | Сўнмоқ | 1 | — | — | — | сўндирмоқ |
| 105. | Талпинмоқ | 2 | — | — | — | талпинтирмоқ |

| № | Бош нисбат | Валентлиги | Мажҳуллик нисбати | Ўзлик нисбати | Биргалик нисбати | Орттирма нисбат |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 106. | Тарақламоқ | 1—(2) | — | — | — | тарақлатмоқ |
| 107. | Тарилламоқ | 1 | — | — | — | тариллатмоқ |
| 108. | Тарқамоқ | 1—(2) | — | тарқалмоқ | — | тарқатмоқ |
| 109. | Тақилламоқ | 1 | — | — | — | тақиллатмоқ |
| 110. | Тегмоқ | 3 | тегилмоқ | тегинмоқ | тегишмоқ | тегизмоқ<br>теккизмоқ |
| 111. | Тенглашмоқ | (1)—2 | тенглашилмоқ | — | — | тенглаштирмоқ |
| 112. | Тинмоқ | 2 | — | — | — | тиндирмоқ |
| 113. | Тинчимоқ | 1—(2) | — | — | — | тинчитмоқ |
| 114. | Типирламоқ | 1 | — | — | — | типирлатмоқ |
| 115. | Тирилмоқ | 1—(2) | — | — | — | тирилтирмоқ |
| 116. | Тиришмоқ | 2 | — | — | — | тириштирмоқ |
| 117. | Товланмоқ | 1—(2) | — | — | — | товлантирмоқ |
| 118. | Толмоқ | 2 | — | — | — | толдирмоқ |
| 119. | Томмоқ | 1—(2) | — | — | — | томизмоқ<br>томдирмоқ |
| 120. | Томчиламоқ | 1 | — | — | — | томчилатмоқ |
| 121. | Тошмоқ | 2 | — | — | — | тоширмоқ |
| 122. | Тугамоқ | 1—(2) | — | — | — | тугатмоқ |
| 123. | Турмоқ | 2 | турилмоқ | — | — | турғизмоқ |
| 124. | Тутамоқ | 1—(2) | — | — | — | тутатмоқ |
| 125. | Туташмоқ | 1—(2) | — | — | туташишмоқ | туташтирмоқ |



| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 126. | Тутақмоқ | 2 | — | — | — | тутақтирмоқ |
| 127. | Тушмоқ | 3 | тушилмоқ | — | — | туширмоқ |
| 128. | Тўзғимоқ | 1 | — | — | — | тўзғитмоқ |
| 129. | Тўймоқ | 2 | тўйилмоқ | тўйинмоқ | — | тўйдирмоқ<br>тўйғизмоқ |
| 130. | Тўлмоқ | 2 | — | — | — | тўлдирмоқ<br>тўлғазмоқ<br>тўлғизмоқ |
| 131. | Тўхтамоқ | 2 | — | тўхталмоқ | — | тўхтатмоқ |
| 132. | Тўқнашмоқ | 2—(3) | — | — | — | тўқнаштирмоқ |
| 133. | Увушмоқ | 1 | — | — | — | увуштирмоқ |
| 134. | Узаймоқ | 2 | — | — | — | узайтирмоқ |
| 135. | Уйғонмоқ | 2 | — | — | — | уйғотмоқ |
| 136. | Улгурмоқ | (1)—2 | улгурилмоқ | — | — | — |
| 137. | Улғаймоқ | 1 | — | — | — | улғайтирмоқ<br>улғайтмоқ |
| 138. | Ухламоқ | 1—(2) | ухланмоқ | — | — | ухлатмоқ |
| 139. | Учмоқ | 3 | — | — | — | учирмоқ |
| 140. | Учрамоқ | 2—(3) | — | — | учрашмоқ | учратмоқ |
| 141. | Учқунламоқ | 2 | — | учқунланмоқ | — | учқунлатмоқ |
| 142. | Ушалмоқ | 1 | — | ушалмоқ | — | ушатмоқ |
| 143. | Уюшмоқ | 2 | — | — | — | уюштирмоқ |
| 144. | Уялмоқ | 2 | — | — | — | уялтирмоқ |
| 145. | Ҳўмраймоқ | 2—(3) | — | — | ҳўмрайишмоқ | ҳўмрайтирмоқ |
| 146. | Чалғимоқ | 2 | — | — | — | чалғитмоқ |

| № | Бош нисбат | Валент-лиги | Мажҳуллик нисбати | Ўзлик нисбати | Биргалик нисбати | Орттирма нисбат |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 147. | Чангимоқ | 1 | — | — | — | чангитмоқ |
| 148. | Чарчамоқ | 2 | — | — | — | чарчатмоқ |
| 149. | Чақнамоқ | 2 | — | — | — | чақнатмоқ |
| 150. | Чиниқмоқ | 2 | чиниқилмоқ | — | — | чиниқтирмоқ |
| 151. | Чиранмоқ | 1 | — | — | — | чирантирмоқ |
| 152. | Чирқилламоқ | 1—(2) | — | — | чирқиллашмоқ | чирқиллатмоқ |
| 153. | Чиқмоқ | 3 | чиқилмоқ | — | чиқишмоқ | чиқазмоқ<br>чиқармоқ |
| 154. | Чиқилламоқ | 1 | — | — | — | чиқиллатмоқ |
| 155. | Чопмоқ | 2 | — | — | чопишмоқ | чоптирмоқ |
| 156. | Чўчимоқ | 1 | — | — | — | чўчитмоқ |
| 157. | Чўкмоқ | 2 | — | — | — | чўктирмоқ |
| 158. | Чўммоқ | 2 | — | чўмилмоқ | — | чўмдирмоқ |
| 159. | Чўчимоқ | (1)—2 | — | — | — | чўчитмоқ |
| 160. | Шалвирамоқ | 2 | — | — | — | шалвиратмоқ |
| 161. | Шамолламоқ | 1—(2) | — | — | — | шамоллатмоқ |
| 162. | Шитирламоқ | 1 | — | — | — | шитирлатмоқ |
| 163. | Шиқилламоқ | 1 | — | — | — | шиқиллатмоқ |
| 164. | Шишмоқ | 1—(2) | | шишинмоқ | — | шиширмоқ |
| 165. | Шошмоқ | 2 | шошилмоқ | шошилмоқ | — | шоширмоқ |
| 166. | Шувилламоқ | 1 | — | — | — | шувиллатмоқ |
| 167. | Шўнғимоқ | 2 | — | — | — | шўнғитмоқ |



| № | Бош нисбат | Валент-лиги | Мажҳуллик нисбати | Ўзлик нисбати | Биргалик нисбати | Орттирма нисбат |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 168. | Энгашмоқ | 2 | — | — | — | энгаштирмоқ |
| 169. | Эргашмоқ | 2 | эргашилмоқ | — | — | эргаштирмоқ |
| 170. | Эримоқ | (1)—2 | — | — | — | эритмоқ |
| 171. | Эринмоқ | (1)—2 | — | — | — | эринтирмоқ |
| 172. | Эришмоқ | 2 | эришилмоқ | — | — | эриштирмоқ |
| 173. | Эсмоқ | 2 | — | — | — | — |
| 174. | Югурмоқ | (1)—2 | югурилмоқ | — | — | югуртирмоқ |
| 175. | Юмаламоқ | 2—(3) | — | юмаланмоқ | юмалашмоқ | юмалатмоқ |
| 176. | Юмшамоқ | 2 | — | юмшалмоқ | — | юмшатмоқ |
| 177. | Юрмоқ | 2—(3) | юрилмоқ | юринмоқ | — | юрғизмоқ<br>юрдирмоқ<br>юритмоқ |
| 178. | Яйрамоқ | 1 | яйралмоқ | — | яйрашмоқ | яйратмоқ |
| 179. | Ялинмоқ | 2 | — | — | — | ялинтирмоқ |
| 180. | Ялтирамоқ | 2 | — | — | — | ялтиратмоқ |
| 181. | Янграмоқ | 1—(2) | — | — | — | янгратмоқ |
| 182. | Ярқирамоқ | (1)—2 | — | — | — | ярқиратмоқ |
| 183. | Ярашмоқ[1] | 2 | ярашилмоқ | — | ярашишмоқ | яраштирмоқ |
| 184. | Ярашмоқ[2] | 2 | — | — | — | — |
| 185. | Ясанмоқ | 1 | — | — | — | ясантирмоқ |
| 186. | Яшамоқ | 2 | — | — | — | яшатмоқ |
| 187. | Яшнамоқ | 2 | — | — | — | яшнатмоқ |
| 188. | Ўзгармоқ | 1 | — | ўзгарилмоқ | — | ўзгартмоқ<br>ўзгартирмоқ |

| № | Бош нисбат | Валент-лиги | Мажҳуллик нисбати | Ўзлик нисбати | Биргалик нисбати | Орттирма нисбат |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 189. | Ўзмоқ | 2 | ўзилмоқ | — | ўзишмоқ | ўздирмоқ |
| 190. | Ўйнамоқ | 2 | ўйналмоқ | — | ўйнашмоқ | ўйнатмоқ |
| 191. | Ўлмоқ | (1)—2 | — | — | — | ўлдирмоқ |
| 192. | Ўсмоқ | 2 | — | — | — | ўстирмоқ |
| 193. | Ўстирмоқ | 2—(3) | ўтиришмоқ | — | — | ўтиргизмоқ |
| 194. | Ўтмоқ | 3 | ўтилмоқ | — | — | ўтқазмоқ<br>ўтказмоқ<br>ўтқизмоқ |
| 195. | Ўхшамоқ | 3 | ўхшалмоқ | ўхшалмоқ | — | ўхшатмоқ |
| 196. | Ўчмоқ | 2 | — | — | — | ўчирмоқ |
| 197. | Ўқимоқ | 2 | ўқилмоқ | — | ўқишмоқ | ўқитмоқ |
| 198. | Ўшшаймоқ | 2 | — | — | — | ўшшайтирмоқ |
| 199. | Ўшқирмоқ | 2 | — | — | — | — |
| 200. | Қайишмоқ | 2 | — | — | — | қайиштирмоқ |
| 201. | Қайнамоқ | 2 | — | — | — | қайнатмоқ |
| 202. | Қайтмоқ | 3 | қайтилмоқ | — | — | қайтармоқ |
| 203. | Қалтирамоқ | 2 | — | — | — | қалтиратмоқ |
| 204. | Қапишмоқ | 2 | — | — | — | қапиштирмоқ |
| 205. | Қарамоқ | 3 | қаралмоқ | қаранмоқ | қарашмоқ | қаратмоқ |
| 206. | Қаримоқ | 1 | — | — | — | қаритмоқ |
| 207. | Қарсилламоқ | 1 | — | — | — | қарсиллатмоқ |
| 208. | Қатнамоқ | 3—(4) | қатналмоқ | — | — | [illegible] |

| № | Бош нисбат | Валент-лиги | Мажҳуллик нисбати | Ўзлик нисбати | Биргалик нисбати | Орттирма нисбат |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 209. | Қақшамоқ | 1—(2) | — | — | — | қақшатмоқ |
| 210. | Қизармоқ | 2 | қизарилмоқ | қизаринмоқ | — | қизартирмоқ |
| 211. | Қизимоқ | 2—(3) | — | — | — | қизитмоқ |
| 212. | Қизиқмоқ | 2 | — | — | қизиқишмоқ | қизиқтирмоқ |
| 213. | Қийшаймоқ | 2 | — | — | — | қийшайтирмоқ<br>қийшайтмоқ |
| 214. | Қимирламоқ | 2 | — | — | — | қимирлатмоқ |
| 215. | Қирсилламоқ | 1 | — | — | — | қирсиллатмоқ |
| 216. | Қичқирмоқ | 2 | — | — | — | қичқиртирмоқ |
| 217. | Қисқармоқ | 2 | — | — | — | қисқартмоқ<br>қисқартирмоқ |
| 218. | Қовжирамоқ | (1)—2 | — | — | — | қовжиратмоқ |
| 219. | Қовушмоқ | 2 | — | — | қовушишмоқ | қовуштирмоқ |
| 220. | Қолмоқ | 2—(3) | қолинмоқ | — | — | қолдирмоқ |
| 221. | Қонмоқ | 2 | қонилмоқ | — | — | қондирмоқ |
| 222. | Қочмоқ | 3 | қочилмоқ | — | — | қочирмоқ |
| 223. | Қувнамоқ | 1 | — | — | — | қувнатмоқ |
| 224. | Қувонмоқ | 2 | — | — | — | қувонтирмоқ |
| 225. | Қуймоқ (ў-сиз) | 2 | — | қуйинмоқ | қуйишмоқ | қуйдирмоқ |
| 226. | Қултулламоқ | 1 | — | — | — | қултуллатмоқ |
| 227. | Қуримоқ | 2 | — | — | — | қуритмоқ |
| 228. | Қутулмоқ | (1)—2 | — | — | — | қутултирмоқ |
| 229. | Қутурмоқ | 1 | — | — | — | қутуртирмоқ |
| 230. | Қўнмоқ | (1)—2 | қўнилмоқ | — | — | қўндирмоқ |

| № | Бош нисбат | Валент-лиги | Мажҳуллик нисбати | Ўзлик нисбати | Биргалик нисбати | Орттирма нисбат |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 231. | Қўрқмоқ | (1)—2 | — | — | — | қўрқитмоқ |
| 232. | Ғижирламоқ | 1 | — | — | — | ғижирлатмоқ |
| 233. | Ғирилламоқ | 2 | — | — | — | ғириллатмоқ |
| 234. | Ғирчилламоқ | 1 | — | — | — | ғирчиллатмоқ |
| 235. | Ҳилпирамоқ | 2 | — | — | — | ҳилпиратмоқ |
| 236. | Ҳовлиқмоқ | 1—(2) | — | — | — | ҳовлиқтирмоқ |
| 236 | Жами: | | 48 | 26 | 26 | 229 |

### 3. Орттирма нисбатдаги феълларнинг мажҳуллик нисбати шаклида қўлланиши (II даражаланиш, нофаоллик)

| № | Ўтимли феъллардан | | № | Ўтимсиз феъллардан | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Орттирма нисб. шакллари утимли> ўт-ли | Орт. нисб. +маж. нисб. шакллари ўт-ли > ўт-сиз | | Орт. нисбат шакллари ўт-сиз > ўт-ли | Орт. нисбат +маж. нисб. ўт-ли > ўт-сиз |
| 1 | Алмаштир | алмаш-тирил | 1 | Адаштир | адаштирил |
| 2 | Анғлат | анғлатил | 2 | Ажрат | ажратил |
| 3 | Бостир | бостирил | 3 | Айлантир | айлантирил |
| 4 | Буюртир | буюртирил | 4 | Ағнат | ағнатил |
| 5 | Буғлат | буғлатил | 5 | Бириктир | бириктирил |
| 6 | Ёздир | ёздирил | 6 | Бирлаштир | бирлаш-тирил |
| 7 | Ёптир | ёптирил | 7 | Битир | битирил |
| 8 | Илдир | илдирил | 8 | Бойит | бойитил |
| 9 | Ичир | ичирил | 9 | Ботир | ботирил |
| 10 | Ичкиз | ичкизил | | Битказ | битказил |
| 10 | Ишлат | ишлатил | 10 | Бўйсундир | бўйсун-дирил |
| 11 | Кестир | кестирил | 11 | Бўктир | бўктирил |
| 12 | Кийгиз Кийдир | кийгизил кийдирил | 12 | Бўшат | бўшатил |
| 13 | Ковлат | ковлатил | 13 | Етказ | етказил |
| 14 | Кўрсат | кўрсатил | 14 | Ёндир | ёндирил |
| 15 | Миндир | миндирил | 15 | Ёрит | ёритил |
| 16 | Олдир | олдирил | 16 | Ётқиз | ётқизил |
| 17 | Орттир | орттирил | 17 | Ёғдир | ёғдирил |
| 18 | Остир | остирил | 18 | Жўнат | ўнатил |
| 19 | Очир | очирил | 19 | Ивит | ивитил |
| 20 | Оклат | оклатил | 20 | Илит | илитил |
| 21 | Пешлат | пешлатил | 21 | Индир | индирил |
| 22 | Сездир | сездирил | 22 | Ирғит | ирғитил |
| 23 | Септир | септирил | 23 | Исит | иситил |
| 24 | Сийраклат | сийрак-латил | 24 | Ишлат | ишлатил |
| 25 | Солдир | солдирил | 25 | Йўналтир | йўналтирил |
| 26 | Соттир | соттирил | 26 | Камайтир | камайтирил |
| 27 | Супуртир | супуртирил | 27 | Келтир | келтирил |
| 28 | Тарат | таратил | 28 | Кенгайтир | кенгай-тирил |

| № | Ўтимли феъллардан | | № | Ўтимсиз феъллардан | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Орттирма нисб. шакллари ўтимли> ўт-ли | Орт. нисб. +маж. нисб. шакллари ўт-ли > ўт-сиз | | Орт. нисбат шакллари ўт-сиз > ўт-ли | Орт. нисб. +маж. нисб. ўт-ли > ўт-сиз |
| 29 | Тезлат | тезлатил | 29 | Кечиктир | кечиктирил |
| 30 | Тердир | тердирил | 30 | Кечир | кечирил |
| 31 | Тозалат | тозалатил | 31 | Киргиз<br>Кирит | киргизил<br>киритил |
| 32 | Тузаттир | тузаттирил | 32 | Куйдир | куйдирил |
| | | | 33 | Кўкартир | кўкартирил |
| | | | 34 | Кўпайтир | кўпайтирил |
| | | | 35 | Кўпиртир | кўпиртирил |
| | | | 36 | Кўпчит | кўпчитил |
| | | | 37 | Миндир | миндирил |
| | | | 38 | Музлат | музлатил |
| | | | 39 | Орттир | орттирил |
| 33 | Тутқиз | тутқизил | 40 | Ошир | оширил |
| 34 | Тушунтир | тушунтирил | 41 | Оқартир | оқартирил |
| 35 | Тўлат | тўлатил | 42 | Оқиз | оқизил |
| 36 | Тўнкар | тўнкарил | 43 | Пасайтир | пасайтирил |
| 37 | Тўшат | тўшатил | 44 | Пишир | пиширил |
| 38 | Тўғрат | тўғратил | 45 | Пишит | пишитил |
| 39 | Уйдир | уйдирил | 46 | Портлат | портлатил |
| 40 | Улат | улатил | 47 | Ранжит | ранжитил |
| 41 | Чақиртир | чақиртирил | 48 | Семиртир | семиртирил |
| 42 | Чўздир | чўздирил | 49 | Силжит | силжитил |
| 43 | Шимдир | шимдирил | 50 | Сингдир | сингдирил |
| 44 | Эктир | эктирил | 51 | Совит | совитил |
| 45 | Эшиттир | эшиттирил | 52 | Сусайтир | сусайтирил |
| 46 | Ювдир | ювдирил | 53 | Сўлдир | сўлдирил |
| 47 | Юклат | юклатил | 54 | Тарқат | тарқатил |
| 48 | Юлдир | юлдирил | 55 | Тегиз<br>Теккиз | тегизил<br>теккизил |
| 49 | Ютқаз | ютқазил | 56 | Тиндир | тиндирил |
| 50 | Ямат | яматил | 57 | Тинит | тинитил |
| 51 | Янчтир | янчтирил | 58 | Тинчит | тинчитил |
| 52 | Ясат | ясатил | 59 | Томиз | томизил |
| | | | 60 | Торайтир | торайтирил |
| | | | 61 | Туташтир | туташтирил |
| | | | 62 | Тушир | туширил |

| Ўтимли феъллардан | | № | Ўтимсиз феъллардан | |
|---|---|---|---|---|
| Орттирма нисб. шакллари ўтимли> ўт-ли | Орт. нисб. +маж. нисб. шакллари ўт-ли > ўт-сиз | | Орт. нисбат шакллари ўт-сиз > ўт-ли | Орт. нисбат +маж. нисб. ўт-ли > ўт-сиз |
| | | 63 | Тушунтир | тушунтирил |
| | | 64 | Тўзит | тўзитил |
| | | 65 | Тўзғит | тўзғитил |
| | | 66 | Тўйдир<br>Тўйғаз | тўйдирил<br>тўйғазил |
| | | 67 | Тўлдир<br>Тўлғаз | тўлдирил<br>тўлғазил |
| | | 68 | Тўхтат | тўхтатил |
| | | 69 | Улғайтир | улғайтирил |
| | | 70 | Ундир | ундирил |
| | | 71 | Учрат | учратил |
| | | 72 | Уюштир | уюштирил |
| | | 73 | Чалкаштир | чалкаш-тирил |
| | | 74 | Четлат | четлатил |
| | | 75 | Чўккалат | чўккалатил |
| | | 76 | Чўктир | чўктирил |
| | | 77 | Эрит | эритил |
| | | 78 | Югуртир | югуртирил |
| | | 79 | Юргиз<br>Юрит | юргизил<br>юритил |
| | | 80 | Юқтир | юқтирил |
| | | 81 | Ялтират | ялтиратил |
| | | 82 | Яраштир | яраштирил |
| | | 83 | Яхлат | яхлатил |
| | | 84 | Ўзгартир | ўзгартирил |
| | | 85 | Ўйнат | ўйнатил |
| | | 86 | Ўлдир | ўлдирил |
| | | 87 | Ўрнаштир | ўрнаш-тирил |
| Ўйдир | ўйдирил | 88 | Ўстир | ўстирил |
| Ўйнат | ўйнатил | 89 | Ўтказ<br>Ўтқиз | ўтказил<br>ўтқизил |
| Ўрдир | ўрдирил | 90 | Ўтлат | ўтлатил |
| Ўрнаттир | ўрнаттирил | 91 | Ўчир | ўчирил |
| Ўқит | ўқитил | 92 | Қайнат | қайнатил |
| Қаздир<br>Қазит | қаздирил<br>қазитил | 93 | Қайтар | қайтарил |

| № | Ўтимли феъллардан | | № | Ўтимсиз феъллардан | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Орттирма нисб. шакллари ўтимли> ўт-ли | Орт. нисб. +маж. нисб. шакллари ўт-ли > ўт-сиз | | Орт. нисбат шакллари ўт-сиз > ўт-ли | Орт. нисбат +маж. нисб. ўт-ли > ўт-сиз |
| 59 | Қарат | қаратил | 94 | Қалаштир | қалаштирил |
| 60 | Қидиртир | қидиртирил | 95 | Қарат | қаратил |
| 61 | Қирдир | қирдирил | 96 | Қизартир | қизартирил |
| 62 | Қистир | қистирил | 97 | Қиздир<br>Қизит | қиздирил<br>қизитил |
| 63 | Қоплат | қоплатил | 98 | Қизиқтир | қизиқтирил |
| 64 | Қўйдир | қўйдирил | 99 | Қисқартир | қисқар-<br>тирил |
| 65 | Қурдир | қурдирил | 100 | Қовуштир | қовуштирил |
| 66 | Қўзғат | қўзғатил | 101 | Қолдир | қолдирил |
| 67 | Ҳидлат | ҳидлатил | 102 | Қондир | қондирил |
| 68 | Ҳисоблат | ҳисоблатил | 103 | Қориштир | қориш-<br>тирил |
| | | | 104 | Қониқтир | қониқ-<br>тирил |
| | | | 105 | Қотир | қотирил |
| | | | 106 | Қотиштир | қотиш-<br>тирил |
| | | | 107 | Қулат | қулатил |
| | | | 108 | Қурит | қуритил |
| | | | 109 | Қўзилат | қўзилатил |
| | | | 110 | Ҳатлат | ҳатлатил |

### 4. II ва III даражаларида нисбатнинг ўзгаришига қараб ҳаракат табиатининг ўзгариши

| № | II даража (фаоллашиш) | | | III даража (нофаоллашиш) |
|---|---|---|---|---|
| | Ўзлик нисбатидан орттирма нисбат | Биргалик нисбатидан орттирма нисбат | Орттирма нисбатдан орттирма нисбат | Орттирма нисбатдан мажхуллик нисбати |
| 1. | Билинтир | Кўриштир | Бўшаттир | Буғлан-тирил |
| 2. | Букилтир | Олиштир | Бўяттир | Ечинтирил |
| 3 | Буралтир | Сўзлаштир | Ишлаттир | Ёпинтирил |
| 4. | Бурилтир | Талаштир | Кўчиртир | Илинтирил |
| 5. | Буркантир | Таништир | Олдиртир | Кийин-тирил |
| 6. | Бўғилтир | Топиштир | Очиртир | Очилтирил |
| 7. | Етилтир | Уриштир | Ошаттир | Кўриш-гирил |
| 8. | Ечинтир | Учраштир | Саваттир | Кўчир-тирил |
| 9. | Ёпинтир | Чиқиштир | Санаттир | Таниш-тирил |
| 10. | Илинтир | | Суваттир | Уйлан-тирил |
| 11. | Исинтир | | Сўзлаттир | Уриш-тирил |
| 12. | Кийинтир | | Танигтир | Учраш-тирил |
| 13. | Олинтир | | Тақалаттир | Чайқал-тирил |
| 14. | Осилтир | | Тишлаттир | Четлан-тирил |
| 15. | Очилтир | | Тозалаттир | Эмиз-дирил |
| 16. | Оғринтир | | Томиздир | Ювин-тирил |
| 17. | Солинтир | | Тутаттир | Ясан-тирил |
| 18. | Сузилтир | | Туширтир | Ўтказ-дирил |
| 19. | Суянтир | | Тўлаттир | Ўчир-тирил |
| 20. | Тойилтир | | Тўлдиртир | Ўқит-тирил |
| 21. | Тутинтир | | Тўқиттир | Қайнат-тирил |

*Давоми*

| № | II даражаланиш (фаоллашиш) | | | III даража (нофаоллашиш) |
|---|---|---|---|---|
| | Ўзлик нисбатидан орттирма нисбат | Биргалик нисбатидан орттирма нисбат | Орттирма нисбатдан орттирма нисбат | Орттирма нисбатдан мажҳуллик нисбати |
| 22. | Тўлғантир | | Ушлаттир | Қайтартирил |
| 23. | Чайқалтир | | Хатлаттир | Қаматтирил |
| 24. | Чалинтир | | Чайнаттир | Қараттирил |
| 25. | Четлантир | | Чиқартир | |
| 26. | Чувалтир | | Эгарлаттир | |
| 27. | Чўзилтир | | Эмиздир | |
| 28. | Шилинтир | | Яматтир | |
| 29. | Шошилтир | | Ўйлаттир | |
| 30. | Эгилтир | | Ўлдиртир | |
| 31. | Эзилтир | | Ўтқаздир | |
| 32. | Ювинтир | | Ўтқаздир | |
| 33. | Ўралтир | | Ўткиздир | |
| 34. | Ўрантир | | Ўчиртир | |
| 35. | Қадалтир | | Ўқиттир | |
| 36. | Қайрилтир | | Қиздиртир | |
| 37. | Қисилтир | | Қайнаттир | |
| 38. | Қисинтир | | Қайтартир | |
| 39. | Қичинтир | | Қалайлаттир | |
| 40. | Қоқилтир | | Қаматтир | |
| 41. | Қоқинтир | | Қараттир | |
| 42. | Қўзғалтир | | Қийнаттир | |
| | | | Қирдиртир | |
| | | | Қочиртир | |
| | | | Қулаттир | |
| | | | Ҳайдаттир | |

## 5. -лан, -лаш қўшимчали феълларнинг валент ва нисбатланиш имкониятлари

### 1) *-лан* қўшимчали феълларда

| № | Феъллар | Валентлилиги | Орттирма нисбат (-тир) | Орттирма нисбат + мажҳуллик нисбати (-тир-ил) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Авжлан | 1 | авжлантир | авжлантирил |
| 2. | Ажаблан | 1 | ажаблантир | — |
| 3. | Акслан | 2 | акслантир | акслантирил |
| 4. | Алангалан | 2 | алангалантир | алангалантирил |
| 5. | Асабийлан | 1 | асабийлантир | — |
| 6. | Афсуслан | 2 | афсуслантир | — |
| 7. | Аччиқлан | 2 | аччиқлантир | — |
| 8. | Бақувватлан | 2 | бақувват-лантир | бақувватлан тирил |
| 9. | Безовталан | 3 | безовталантир | — |
| 10. | Бетоқатлан | 2 | бетоқатлантир | — |
| 11. | Ботирлан | 2 | ботирлантир | — |
| 12. | Булутлан | 1 | — | — |
| 13. | Ваҳималан | 2 | ваҳималантир | — |
| 14. | Гавдалан | 2 | гавдалантир | гавдалантирил |
| 15. | — | | гувоҳлантир | гувоҳлантирил |
| 16. | Дадиллан | 2 | дадиллантир | — |
| 17. | Дудуқлан | 2 | дудуқлантир | — |
| 18. | Ёлқинлан | 1—(2) | ёлқинлантир | — |
| 19. | Жонлан | 2 | жонлантир | жонлантирил |
| 20. | Жилвалан | 2 | жилвалантир | — |
| 21. | Завқлан | 2 | завқлантир | — |
| 22. | Заифлан | 2 | заифлантир | заифлантирил |
| 23. | Зорлан | 2 | зорлантир | — |
| 24. | Иккилан | 2 | иккилантир | — |
| 25. | Илҳомлан | 2 | илҳомлантир | — |
| 26. | Каловлан | 1—(2) | каловлантир | — |
| 27. | Касаллан | 1 | касаллантир | касаллантирил |
| 28. | Кибрлан | 2 | кибрлантир | — |
| 29. | Кифоялан[1] | 2 | — | — |
| 30. | Куймалан | 2 | куймалантир | — |
| 31. | Кучсизлан | 2 | кучсизлантир | кучсизлантирил |
| 32. | Кўксовлан | 1 | кўксовлантир | — |

| № | Феъллар | Валентлилиги | Орттирма нисбат (-тир) | Орттирма нисбат + мажҳуллик нисбати (-тир-ил) |
|---|---|---|---|---|
| 33. | Лаззатлан | 2 | лаззатлантир | — |
| 34. | Мавжлан | 2 | мавжлантир | — |
| 35. | Мадорсизлан | 1 | мадорсизлантир | мадорсизлантирил |
| 36. | Мижғовлан | 1 | мижғовлантир | — |
| 37. | Мужассамлан | 2 | мужассамлантир | мужассамлантирил |
| 38. | Назарлан | 1—(2) | назарлантир | — |
| 39. | Нафратлан | 2 | нафратлантир | — |
| 40. | Нурсизлан | 1 | нурсизлантир | нурсизлантирил |
| 41. | Овқатлан | 1—(2) | овқатлантир | овқатлантирил |
| 42. | — | | огоҳлантир | огоҳлантирил |
| 43. | Одатлан[1] | 2 | одатлантир | одатлантирил |
| 44. | Озиқлан | 2 | озиқлантир | озиқлантирил |
| 45. | Оловлан | 1 | оловлантир | — |
| 46. | Орлан | 2 | орлантир | — |
| 47. | Оролан | 2 | оролантир | — |
| 48. | Отлан[1] | 2 | отлантир | отлантирил |
| 49. | Ривожлан | 2 | ривожлантир | ривожлантирил |
| 50. | Роҳатлан | 2 | роҳатлантир | — |
| 51. | Руҳсизлан | 2 | руҳсизлантир | — |
| 52. | Сабрсизлан | 1 | сабрсизлантир | — |
| 53. | Саросималан | 2 | саросималантир | саросималантирил |
| 54. | Сергаклан | 2 | сергаклантир | |
| 55. | Соғломлан | 2 | соғломлантир | соғломлантирил |
| 56. | Сустлан | 1 | — | — |
| 57. | Суқлан | 2 | суқлантир | — |
| 58. | Таажжублан | 2 | таажжублантир | — |
| 59. | Тажанглан | 2 | тажанглантир | — |
| 60. | Такаббурлан | 1—(2) | такаббурлантир | — |
| 61. | Тантиқлан | 2 | тантиқлантир | — |
| 62. | Тараддудлан | 2 | тараддудлантир | — |
| 63. | Ташвишлан | 2 | ташвишлантир | — |
| 64. | Таъсирлан | 2 | таъсирлантир | — |

| № | Феъллар | Валентлилиги | Орттирма нисбат (-тир) | Орттирма нисбат + мажҳуллик нисбати (-тир-ил) |
|---|---|---|---|---|
| 65. | Терслан | 2 | терслантир | — |
| 66. | Тетиклан | 2 | тетиклантир | — |
| 67. | Тинчлан | 2 | тинчлантир | тинчлантирил |
| 68. | Тихирлан | 1 | тихирлантир | — |
| 69. | Туманлан | 2 | туманлантир | — |
| 70. | Тўлқинлан | 1—(2) | тўлқинлантир | — |
| 71. | Уйлан | 2 | уйлантир | уйлантирил |
| 72. | Умидлан | 2 | умидлантир | — |
| 73. | Фахрлан | (1)—2 | фахрлантир | — |
| 74. | Фойдалан | 2 | фойдалантир | — |
| 75. | Хавотирлан | 2 | хавотирлантир | — |
| 76. | Хавфлан | 2 | хавфлантир | — |
| 77. | Хиралан | 2 | хиралантир | хиралантирил |
| 78. | Чувалан | 1 | чувалантир | — |
| 79. | Чўғлан | 2 | чўғлантир | — |
| 80. | Шакллан | 2 | шакллантир | шакллантирил |
| 81. | Шикоятлан | 2 | шикоятлантир | — |
| 82. | Шодлан | 2 | шодлантир | — |
| 83. | Шубҳалан | 2 | шубҳалантир | — |
| 84. | Шуълалан | 1 | шуълалантир | — |
| 85. | Шуғуллан[1] | 2 | шуғуллантир | шуғуллантирил |
| 86. | Юзлан | 2 | — | — |
| 87. | Ялтоқлан | 2 | ялтоқлантир | — |
| 88. | Ялқовлан | 1—(2) | ялқовлантир | — |
| 89. | Яслан | 2 | яслантир | — |
| 90. | Ўнгайсизлан | 2 | ўнгайсизлантир | — |
| 91. | Ўтмаслан | 2 | ўтмаслантир | ўтмаслантирил |
| 92. | Қадрсизлан | 2 | қадрсизлантир | — |
| 93. | Қасдлан | 2 | қасдлантир | — |
| 94. | Қаноатлан | 2 | қаноатлантир | қаноатлантирил |
| 95. | Қуроллан[1] | 2 | қуроллантир | қуроллантирил |
| 96. | Қуролсизлан | 1—(2) | қуролсизлантир | қуролсизлантирил |
| 97. | Ғазаблан | 2 | ғазаблантир | — |
| 98. | Ғурурлан | 2 | ғурурлантир | — |
| 99. | Ҳаваслан | 1 | ҳаваслантир | — |

| № | Феъллар | Валентлилиги | Орттирма нисбат (-тир) | Орттирма нисбат + мажҳуллик нисбати (-тир-ил) |
|---|---|---|---|---|
| 100. | Ҳаволан | 2 | ҳаволантир | — |
| 101. | Ҳайратлан | 2 | ҳайратлантир | — |
| 102. | Ҳаракатлан | 2 | ҳаракатлантир | ҳаракатлантирил |
| 103. | Ҳасратлан | 2 | — | — |
| 104. | Ҳаяжонлан | 2 | ҳаяжонлантир | — |
| 105. | Ҳузурлан | 2 | ҳузурлантир | — |

[1] Бу ва бошқа белгиланган феъллар мажҳуллик нисбати шаклида бевосита қўлланишлари ва шахссизлик маъносини ифодалашлари мумкин.

### 2) -лаш қўшимчали феъллардан нисбат шаклларининг ясалиши

| № | Феъллар | Валентлилиги | Орттирма нисбат (-тир) | Орттирма нисбат + мажҳуллик нисбати (-тир -ил) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | — | | абстрактлаштир | абстраклаштирил |
| 2. | — | | автоматлаштир | автоматлаштирил |
| 3. | Активлаш | 1 | активлаштир | активлаштирил |
| 4. | Асабийлаш | 2 | асабийлаштир | — |
| 5. | Бараварлаш | 2 | бараварлаштир | бараварлаштирил |
| 6. | Беллаш | 3 | беллаштир | — |
| 7. | Бетлаш | 2 | бетлаштир | бетлаштирил |
| 8. | Бирлаш | 3 | бирлаштир | бирлаштирил |
| 9. | Газлаш | 1 | газлаштир | газлаштирил |
| 10. | Гаплаш | 3 | гаплаштир | гаплаштирил |
| 11. | — | | группалаштир | группалаштирил |
| 12. | Гўзаллаш | 1 | гўзаллаштир | — |
| 13. | Енгиллаш | 1—(2) | енгиллаштир | енгиллаштирил |
| 14. | Жиддийлаш | 1 | жиддийлаштир | — |
| 15. | Заифлаш | 1—(2) | заифлаштир | заифлаштирил |

| № | Феъллар | Валентли лиги | Орттирма нисбат (-тир) | Орттирма нисбат + мажҳуллик нисбати (-тир -ил) |
|---|---|---|---|---|
| 16. | — | | идеаллаштир | идеаллаш-тирил |
| 17. | — | | индивидуал-лаштир | — |
| 18. | Ихтисослаш | 2 | ихтисослаштир | ихтисослаш-тирил |
| 19. | Йироқлаш | 2 | йироқлаштир | йироқлаш-тирил |
| 20. | — | | кинолаштир | кинолаштирил |
| 21. | Конкретлаш | 1—(2) | конкретлаштир | конкретлаш-тирил |
| 22. | Маданийлаш | 1—(2) | маданий-лаштир | маданий лаштирил |
| 23. | Марказлаш | 2 | марказлаштир | марказлаш-тирил |
| 24. | Махсуслаш | 1—(2) | махсуслаштир | махсуслаш-тирил |
| 25. | — | | машиналаш-тир | машиналаш-тирил |
| 26. | — | | миллийлаштир | миллийлаш-тирил |
| 27. | Мувофиқлаш | 2 | мувофиқ-лаштир | мувофиқлаш-тирил |
| 28. | Мушкуллаш | 1 | мушкуллаштир | — |
| 29. | Нормаллаш | 1 | нормаллаштир | нормаллаш-тирил |
| 30. | Ойдинлаш | 1—(2) | ойдинлаштир | ойдинлаш-тирил |
| 31. | Оммалаш | 1 | оммалаштир | оммалаштирил |
| 32. | Осонлаш | 1 | осонлаштир | осонлаштирил |
| 33. | — | | планлаштир | планлаштирил |
| 34. | Равшанлаш | 1—(2) | равшанлаштир | равшан-лаштирил |
| 35. | Разиллаш | 1—(2) | разиллаштир | — |
| 36. | — | | районлаштир | районлаш-тирил |
| 37. | Расмийлаш | 1—(2) | расмийлаштир | расмийлаш-тирил |
| 38. | — | | саҳналаштир | саҳналаш-тирил |
| 39. | Соддалаш | 1 | соддалаштир | соддалаш-тирил |

| № | Феъллар | Валентли лиги | Орттирма нисбат (-тир) | Орттирма нисбат + мажҳуллик нисбати (-тир -ил) |
|---|---|---|---|---|
| 40. | Сохталаш | 1—(2) | сохталаштир | сохталаштирил |
| 41. | Соғломлаш | 1—(2) | соғломлаштир | соғломлаштирил |
| 42. | Сустлаш | 1—(2) | сустлаштир | сустлаштирил |
| 43. | — | | телефонлаштир | телефонлаштирил |
| 44. | Тиниқлаш | 2 | тиниқлаштир | тиниқлаштирил |
| 45. | Типиклаш | 1 | типиклаштир | типиклаштирил |
| 46. | Умумлаш | 1 | умумлаштир | умумлаштирил |
| 47. | Хиралаш | 2 | хиралаштир | хиралаштирил |
| 48. | Хуржунлаш | 2 | хуржунлаштир | — |
| 49. | Чигаллаш | 1 | чигаллаштир | чигаллаштирил |
| 50. | Чувалаш | 1—(2) | чувалаштир | — |
| 51. | — | | экранлаштир | экранлаштирил |
| 52. | Юзлаш | 2 | юзлаштир | юзлаштирил |
| 53. | Яқинлаш | 2—(3) | яқинлаштир | яқинлаштирил |
| 54. | Ўзлаш | 2—(3) | ўзлаштир | ўзлаштирил |
| 55. | Қабиҳлаш | 1—(2) | қабиҳлаштир | — |
| 56. | Қалинлаш | 2 | қалинлаштир | қалинлаштирил |
| 57. | Қатъийлаш | 1—(2) | қатъийлаштир | қатъийлаштирил |
| 58. | Қийинлаш | 2 | қийинлаштир | қийинлаштирил |
| 59. | Қизғинлаш | 1 | қизғинлаштир | — |
| 60. | Қимматлаш | 2 | қимматлаштир | қимматлаштирил |
| 61. | Қоидалаш | 1 | қоидалаштир | қоидалаштирил |
| 62. | Қонунлаш | 1—(2) | қонунлаштир | қонунлаштирил |
| 63. | Қуюқлаш | 1—(2) | қуюқлаштир | қуюқлаштирил |

2. *-лаш* аффиксли асос шакли бўлмаган ҳолатларда *-лаштир* форманти сўз ясовчи қўшимча деб ҳисобланади. Бу формант билан келган феъллар эса ўтимли феъл бўлгани учун мажҳуллик нисбати шаклида ўтимсизлашади.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Ўзбек тилидаги феълларда нисбат категориясини барча кўринишлари билан яхлит ҳолда ўрганиш қуйидагича хулосаларга келиш имкониятини беради:

1. Предикатнинг феъл сўзшаклда гапга хос асосий грамматик маъноларни ифодалай олишига кўра феъл кесим гапнинг тузилишида етакчи ҳоким бўлакдир.

2. Феълнинг исталган шаклининг семантикасида грамматик нисбат маъноси ҳам мавжуд. Феълнинг муайян шакли орқали уюштириладиган синтактик тузилмада у предикатив ёки нопредикатив бўлишидан қатъи назар, грамматик нисбат маъноси — ҳаракатнинг субъекти, объекти ва предикатнинг ўзаро муносабатининг бирон тури ўз ифодасини топади.

3. Ҳар қандай гап нисбатнинг муайян бир турига хос семантик вазиятни ифодалагани сабабли гапнинг феъл кесими ҳам тегишли шаклда мавжуд бўлади. Субъект, объект ва предикатнинг муносабатидаги асосий ҳолат расмий кўрсаткичсиз (ноль кўрсаткичли шакл), унинг асосида туғилган бошқа нисбат турлари ўз расмий кўрсаткичлари билан ифодаланади. Бош нисбатдан бошқа нисбат турларининг расмий кўрсаткичлари феъл сўзшаклнинг шаклий-грамматик қисмини бошлаб беради. Нисбат қўшимчаси гап, энг аввало, нисбатнинг қайси турига хос семантик вазиятни ифодалаётганини кўрсатувчи маркер сифатида сўзшаклнинг шаклий-грамматик қисмида предикативликни ифодаловчи воситалардан аввал жойлашади. Бўлишсизлик, тегишли замон ва майл кўрсаткичлари нисбат қўшимчасидан сўнг ўз мавқеига кўра навбати билан қўшилади: *сўзланди, сўзлашяпти, сўзлатилди, сўзлашмоқчилар* каби.

4. Грамматик нисбат маъноси феълнинг ўтимли ёки ўтимсизлиги билан боғлиқ, феълларнинг шу хусусиятига асосланади. Нутқда феълларнинг ўтимлилиги

ёки ўтимсизлигининг ўзгариши грамматик нисбатнинг қайси тури ифодаланаётганига боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Бу жараён ундаги субъектнинг роли билан бирга нисбат шаклларининг вазифалари доирасида ўрганилади.

Феълнинг ўтимлилиги ёки ўтимсизлигини фақат нисбат қўшимчалари ўзгартира олар экан, демак, феълларнинг ўтимли-ўтимсизлиги нисбат категорияси доирасида ўрганиладиган ҳодисадир.

5. Субъект-объект-предикат муносабати бир босқичли бўлмай, нутқда бир неча боскичда намоён бўлади. Нисбат кўрсаткичисиз ҳолат бош нисбатга хос вазиятни, бир нисбат кўрсаткичили шакл бош нисбатдан туғилган иккинчи босқич нисбатига хос вазиятни, икки нисбат кўрсаткичили шакл бош нисбат ва кейинги ясалган икки босқич нисбатига хос вазиятни жамлаб ифодалайди. Шунинг учун тадқиқотда субъект, объект ва предикатнинг ўзаро муайян муносабатини «нисбат» термини билан, бу муносабатнинг нутқий вазиятда намоён бўлиш босқичларини «даража» термини билан аташни лозим топдик.

6. Нисбат категориясининг грамматик маънолари тўрт даражада турлича намоён бўлади. Шунга қараб нисбатлар тартиботини шундай кўрсатиш мумкин: I даража бош нисбатдан; II даража бош нисбатдан ясалувчи ўзлик, биргалик, орттирма (каузатив) ва мажҳуллик нисбатларидан; III даража улардан ясалувчи орттирма (каузатив) ва мажҳуллик нисбатларидан ҳамда IV даража фақат мажҳуллик нисбатидан иборат. Демак, нисбат категорияси тўрт даражадаги беш хил нисбатни ўзида бирлаштиради.

7. Бош, ўзлик, биргалик, орттирма (каузатив), шунингдек, III даражадаги орттирма (каузатив) нисбатларнинг тузилмаларида гапнинг эгаси ва семантик вазиятнинг субъекти бир-бирига мос келади, яъни мазмун ва ифода ўзаро мос, мутаносибдир. II, III ва IV даражаларнинг мажҳуллик нисбатларига хос тузилмаларда эга ўрнида объект валентлигининг юзага чиқиши, субъектнинг ифодаланиши марказдан четга — эга мавқеидан воситали тўлдирувчи мавкеига кўчиши ёки унинг тузилмадан чиқиб кетиши натижасида мазмун ва ифоданинг номутаносиблиги кузатилади. Субъект ролининг ифодаланаётган семантик вазиятда кучсизланишига кўра мажҳуллик нисбати тузилмалари нофаол тузилмалар деб аталади. Масалан: *Наргиза хатни очди* (бош нисбат), *Дилдора Наргизага*

*хатни очирди* (орттирма нисбат), лекин: *Хат очилди* (мажҳуллик нисбати, нофаол тузилма).

8. Феълларда нисбат категориясини ўрганишда валентлик назариясидан келиб чиқиб ёндашиш: 1) ҳар бир нисбатнинг ўзига хос диатезаларини — семантик ва синтактик валентликларининг мослигини ифодаловчи муайян кўринишдаги тузилмаларни белгилаш; 2) ҳар бир нисбат шаклининг нутқда қўлланишида грамматик нисбат маъносининг ифодаланишини медиал шакл ясалиши ва лексемалашиш ҳодисаларидан фарқлаш имкониятини беради.

9. Бош нисбатдаги феъллар кўп маъноли. II даражага хос нисбатларнинг шакллари феълларнинг ҳамма маъноларидан бир текисда ясалавермайди. Бош нисбатдаги феълларнинг нисбатланишида саралаш (қайси нисбат шаклига ўтиш) ва сараланиш (феъл семантикасининг қайси семасидан) жараёни кучли. Айни пайтда муайян нисбат кўрсаткичини олиш феъл семантикасининг кейинги тараққиётига йўл очади: *ур-* феълининг *урин, уриш, урдир* ва *урил* нисбат шаклларининг нутқда қўлланиши бунга мисол бўла олади. Бундай мисоллар кўплаб учрайди.

10. I даража (бош) нисбат шакллари субъект, объект ва предикатнинг муносабатида дастлабки, асос семантик вазиятни билдиради. Бош нисбат шакллари феълларнинг объект валентлигига эгалиги ёки эга эмаслигига кўра: 1) бош нисбатнинг ўтимсиз феълли (нотранзитив) ва 2) бош нисбатнинг ўтимли феълли (транзитив) шаклларига ажратилади. Бу шакллар иштироки билан тузиладиган гаплар мазмуни ва тузилишига кўра бир хил эмас. Бош нисбатнинг ўтимли феълли-транзитив шакллари тузадиган гаплар объект валентлигини кўрсатувчи тўғри тўлдирувчи актантининг мавжудлиги, ифодаланаётган вазиятда ҳаракатнинг фаол, таъсирчан эканлиги билан фарқланиб туради. Гапни тузувчи актантларнинг миқдори феълнинг бошқарув имкониятига боғлиқ. Масалан: *Ўқувчи кутубхонадан дарсликларни олди. Ўқувчи кутубхонадан уйга келди.*

11. II даражанинг нисбатлари ўзлик, биргалик, орттирма (каузатив) ва мажҳуллик нисбатларидир. Ўзлик нисбати семантик вазиятда субъект ролининг кучайиши, вазиятдан объект валентлигининг чиқарилиши билан характерланади. Шунинг учун ўзлик нисбати шакллари *-(и)н* ёки *-(и)л* қўшимчалари ёрдамида ўтимли феъллардан ясалади ва объектнинг вазият-

дан чиқарилиши натижасида феъл ўтимсизга айланади, яъни объект валентлигини йўқотади. Вазиятдан объект валентлигининг чиқарилиши бир неча йўл билан амалга ошади: 1) объектнинг субъект билан бирлашиши; 2) объектнинг субъект мавқеига ўтиши, субъектнинг вазиятдан чиқиши; 3) объектнинг вазиятдан тушиб қолиши; 4) объектнинг вазиятнинг ифодасида омилга айланиши; 5) бош нисбатдаги объектнинг ўзлик нисбатида субъект мавқеига ўтиши. Бу семантик-структур ўзгаришларнинг ҳар бири тадқиқотда мисоллар билан изоҳланган.

12. Биргалик нисбати шакли *-(и)ш* қўшимчаси билан ясалиб, бирдан ортиқ (камида иккита) субъектнинг икки хил ўзаро муносабати билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган семантик вазиятларни ифодалайди: 1) ўзаро биргалик вазияти; бунда субъектлар ўзаро ва бирга бир ҳаракатни бажарадилар. Шу ҳаракатни бажаришда бири иккинчиси ҳаракатининг объекти сифатида қатнашади ва аксинча, яъни: $С_1 \rightarrow О_2$; $О_1 \rightarrow С_2$. Масалан: *Дилбар Дилором билан сўрашди.* Бу вазиятдан Дилоромнинг Дилбар билан, айни пайтда Дилбарнинг ҳам Дилором билан сўрашганини англашилади; 2) кўмаклашиш вазияти. Бунда субъектларнинг иккови бошқа бир ҳаракатни бажаради. Шу жараёнда субъектларнинг бири асосий бажарувчи, иккинчиси унга кўмаклашувчи бўлиб қатнашадилар. Масалан: *Дилбар Дилоромга олмаларни теришди.* Бу семантик вазият тўғри тўлдирувчи орқали ифодаланаётган объектга эгалиги билан ўзаро биргалик вазиятидан фарқланади. Кўплик маъносининг ифодаланиши вазияти биргалик нисбатига хос деб қаралмайди, чунки бунда субъектларнинг ўзаро муносабати ёритилмайди, *-(и)ш≈лар,* яъни бош нисбатга хос вазият ифодаланади. Масалан: *Дилбар билан Дилором мактабга келишди. Дилбар ва Дилором мактабга келдилар* (Фарғона шеваларида *-(и)ш* қўшимчаси ҳурматлаш маъносида ҳам *-лар* қўшимчаси ўрнида қўлланилади: *Акамлар келишди. Аямлар чақиришган экан).*

13. Орттирма (каузатив) нисбат шакллари ўтимсиз феъллардан ҳам, ўтимли феъллардан ҳам ясала олади ва асосан каузатив вазиятни ифодалайди. Тадқиқотда каузатив вазиятнинг тўрт тури ва уларнинг орттирма нисбат тузилмаларида ифодаланиши батафсил баён қилинган. Шунингдек, контакт ва дистант каузативлар, уларнинг бир-биридан фарқи изоҳланган.

14. Орттирма (каузатив) нисбат шаклларининг ўтимли феъллардан ясалишига қараганда ўтимсиз феъллардан ясалиши нутқда бир неча баробар кўп учрайди. Ўтимсиз феъл орттирма нисбатнинг кўрсаткичини олгач, тузилмада ўзгариш юз беради: бош нисбатга хос субъект (ижрочи ёки пациенс) объект мавқеига ўтади, эга ўрнига каузалловчи субъект келади. Масалан: *Машина ю р д и. Аброр машинани ю р ғ и з д и.* Бу тузилмада объект (машина)нинг ҳолати каузаллаш (Аброрнинг ҳаракати) сабабли ўзгаргани (юргани) ифодаланяпти. Булар бир каузаллашли тузилмалардир.

Орттирма нисбат шакллари ўтимли феъллардан ясалганда бош нисбатга хос вазиятдаги субъект воситали тўлдирувчи ўрнига ўтади, эга ўрнига каузалловчи субъект келади, объект ўзгаришсиз қолади. Масалан: *Пўлат дарвозани б ў я д и* (бош нисбат). *Акаси Пўлатга дарвозани б ў я т д и* (орттирма нисбат). Бу тузилмада объект (дарвоза)нинг ҳолати ўзгаргани (бўялгани) билан бирга бош нисбатдаги субъектнинг ҳам ҳолати, мавқеи ўзгаргани (у энди вазиятнинг ижрочиси эмас) ифодаланади. Бу тузилма икки ҳалқали каузаллаш занжиридан иборат вазиятнинг ифодасидир.

15. Каузаллаш субъект тузилмага ташқаридан киритилиши — семантик вазиятда янги валентлик сифатида пайдо бўлиши ёки тузилмадаги актантларнинг ўзаро ўрин алмашинишлари натижасида юзага келиши ҳам мумкин. Юқоридаги мисолларда каузалловчи субъект тузилмага киритилди. Мана бу мисолимизда эса бош нисбатдаги воситали тўлдирувчи орттирма нисбатда эга мавқеига ўтиши билан каузалловчи субъектга айланади: *Эрталаб ёққан қор қуёш нурида бирпасда э р и д и* (бош нисбат). *Қуёш нури эрталаб ёққан қорни бирпасда э р и т д и* (орттирма нисбат).

16. Мажҳуллик нисбати шакллари *-(и)л,* баъзан *-(и)н* қўшимчаси ёрдамида ўтимли (объект валентили) феъллардан ясалади. Мажҳуллик нисбати тузилмалари бош нисбатга хос фаол тузилмаларни жиддий ўзгартиради: бош нисбатда объектни ифодалаган тўғри тўлдирувчи мажҳуллик нисбатида эга мавқеига ўтади. Бош нисбатдаги вазиятнинг ижрочисини ифодаловчи субъект валентлиги мажҳуллик нисбати тузилмасида: 1) воситали тўлдирувчи ўрнида келади, 2) тузилмада қайд этилмайди, мажҳул бўлади. Субъект ролининг кучсизланиши ёки, умуман, унга аҳами-

ят берилмаслигини ифодаловчи бундай тузилмалар нофаол тузилмалар ҳисобланади.

17. Нофаол тузилмалар нутқда уч хил мавжуд бўлади: 1. Уч аъзоли (тўлиқ) нофаол тузилма; 2. Икки аъзоли (нотўлиқ) нофаол тузилма. Бу икки хил нофаол тузилмаларнинг феъл кесимлари мажҳуллик нисбатининг ўтимли феъллардан ясалган шаклларида бўлади. Нофаол тузилмаларнинг учинчи хили ўтимсиз феъллардан ясалган мажҳуллик нисбати шакллари билан ифодаланади. Натижада бир аъзоли нофаол тузилмалар ҳосил қилинади. Бош нисбатга хос гапларда объектнинг йўқлиги сабабли мажҳуллик нисбатида эга мавқеига ўтадиган тўғри тўлдирувчи актанти ҳам йўқ. Шунинг учун эга ўрни бўш (вакант) қолади. Кесим одатда III шахсни расман кўрсатса ҳам гапнинг тузилишида у билан синтактик мослашадиган эга мавжуд бўлмайди. Эга актантисиз, тўғри тўлдирувчи актантисиз, фақат предикат асосида тузилган бундай гаплар бир аъзоли нофаол тузилмалардир. Мисоллар: *Шикоятнома кўпчилик томонидан ё з и л д и* (уч аъзоли). *Шикоятнома ё з и л д и* (икки аъзоли). Юқори кўрсаткичларга эришилди (бир аъзоли). Бу ерда кўрсаткичларга — омил ($O_2$)

18. III даражанинг нисбатлари иккита: орттирма (каузатив) ва мажҳуллик нисбатлари бўлиб, улар II даража нисбатларидан ҳосил қилинади. Орттирма нисбат учун ўзлик, биргалик ва орттирма нисбатлари шакллари асос бўлади; *ювинтир, таништир, ёздиртир* каби. Мажҳуллик нисбати шакллари II даражадаги асосан орттирма ва баъзан биргалик нисбати шаклларидан ҳосил қилинади; *ёздирилди, ўқитиляпти; кураширилди, учрашилган* каби.

Нисбат қўшимчалари сўзшаклда бирдан ортиқ қатнашган ҳолларда ифодаланаётган нисбат маъносининг моҳиятини белгилашда сўнгги тузилманинг нисбатлар бўйича ўзгаришини, бош нисбатга хос тузилма билан муносабатини аниқлаш муҳим. Чунки нисбат қўшимчалари бирдан ортиқ қўлланганда тузилма охирги нисбат кўрсаткичи талабига кўрагина қурилмайди. Тузилмада аввалги нисбат ўзгаришлари ҳам жамланган ҳолда ўз ифодасини топади. Қиёсланг: *Каримов ишдан бўшади. Каримов ишдан бўшатилди.* Агар бундай ўзгаришларни кузатиш асос тузилма билан кейинги тузилманинг ўртасида узилиш борлигини билдирса, бу нисбат шаклининг нисбат ифодалашдан четлашгани, нисбат маъносининг хиралашиши ва нисбат шаклининг лексемалашаётгани белгисидир. Шуни ҳисобга олиб монографияда III ва IV даражадаги нисбатлар тузилмаларининг асос нисбатлар бўйича ўзгаришлари мисоллар таҳлилида кузатилди.

19. IV даража нисбати фақат мажҳуллик нисбатидан иборат. У III даражадаги орттирма нисбат асосида юзага келади. Мажҳуллик нисбати қўшимчаси нисбат шакли таркибида учинчи нисбат кўрсаткичи бўлиб қатнашади. Мажҳуллик нисбати шаклларида нисбат қўшимчалари: 1) ўзлик нисбати қўшимчаси + орттирма нисбат қўшимчаси + мажҳуллик нисбати қўшимчаси: *кийинтирилди;* 2) биргалик нисбати қўшимчаси + орттирма нисбат қўшимчаси + мажҳуллик нисбати қўшимчаси: *таништирилди;* 3) орттирма нисбат қўшимчаси + орттирма нисбат қўшимчаси + мажҳуллик нисбати қўшимчаси: *олдиртирилган* каби кўринишларда жойлашади. Мажҳуллик нисбатлари шу тариқа нисбат категориясининг уч қатламида мавжудлиги билан (II, III ва IV даражада) бошқа нисбатлардан фарқланади. Орттирма нисбатлар II ва III даражаларда, ўзлик ва биргалик нисбатлари фақат II даражада мавжуддир.

## ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР:

Ас. М.— Асқад Мухтор.
А. Қ.— Абдулла Қаҳҳор.
«Ёш лен».— «Ёш ленинчи» газетаси.
М. И.— Мирзакалон Исмолий.
Мирм.— Мирмуҳсин.
Н. Саф.— Назир Сафаров.
О.— Ойбек.
О. Ё.— Одил Ёқубов.
О. М.— Омон Мухтор.
П. Қ.— Пиримқул Қодиров.
С. Аҳм.— С. Аҳмад.
«Т. оқш».— «Тошкент оқшоми» газетаси.
Т. Қ.— Тўлепберган Қаипбарганов.
Х. Султ.— Хайриддин Султонов.
Х. Т.— Худойберди Тўхтабоев.
«Ўқит газ».— «Ўқитувчилар газетаси».
Ў. Ҳ.— Ўткир Ҳошимов.
Ғ. Ғ.— Ғафур Ғулом.
Ҳ. Н.— Ҳаким Назир.
Ҳ. О.— Ҳамид Олимжон.
Ҳ. Ғ.— Ҳамид Ғулом.

**Агламова Муанбар Тогруловна**

**КАТЕГОРИЯ ЗАЛОГА В СОВРЕМЕННОМ УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ**

*На узбекском языке*

Ташкент, «Фан»

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат дорилфунунининг илмий кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.*

Муҳаррир *А. Комилова*

Мусаввир *А. Баҳромов*

Техмуҳаррир *Н. Абдураҳмонова*

Мусаҳҳиҳ *О. Абдуллаева*

**ИБ № 5592**

Теришга берилди 21.05.91. Босишга рухсат этилди 25.03.92. Қоғоз бичими $84\times108^1/_{32}$. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма т. 7,56. Ҳисоб-нашриёт т. 6,6. 1200 нусха. Буюртма 151/6736. Баҳоси келишилган нархда

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.
ЎзР ФА «Фан» нашриётининг босмахонаси: 700170. Тошкент, М. Горький шоҳ кўчаси, 79.

3с 30

~~3 с. 30 п.~~ 40 с